

**Одамлар тушунади,
сабр қилади,
фақат уларни
алдамаслик керак...** ➔ 8.



БУГУНГИ СОНДА:

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ МУАММОСИ:
ҳашар билан унинг
10. фарқи нимада?

«Жаслик» колонияси
ёпилишининг асл
сабаби нимада? 9.

11. **МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА:**
аҳоли маблағлари
ҳисобига
шакллантириладими?

«БЕГОНАЛАШАЁТГАН БОЛАЛАР»:
бунга ким ёки
нималар сабаб
бўлмоқда? 15.

Беш мингдан зиёд
эркак иккинчи
оиласи билан
16. яшамокда

Ташаббус бор,
лойиҳа тайёр, фақат
мблағ муаммо 22.



Илҳом ИБРОҲИМОВ:
«Янги санъат асари
ўз-ўзидан пайдо
бўлиб қолмайди»

➔ 25.

Адабиётга ошнолик, шеърятни англаш

йигин раислари фаолиятида адолат ва бағрикенгликни таъминлайди

Маҳалла раисларининг «Шеърятга ошно киши асло кам бўлмайди!» шиори остидаги шеърхонлик беллашувларининг Навоий вилояти босқичида туман ва шаҳарлардаги мусобақаларда ғолиб бўлган 9 нафар иштирокчи ўзаро куч синашди. Савол туғилади: маҳалла раисларига шеърхонлик нега керак? Бу уларга нима беради?

— *Маънавият ҳамма жойда, ҳаммиси ва ҳаммага керак*, — дейди Навоий шаҳридаги «Хаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирсайд Мавлонов. — *Шеърят, бу — маънавиятдир. Танлов фаолияти учун зарур қўллаб-қувватлашни берди. Навоийни англаш маҳалла раислари учун муҳим. Чунки Ҳазрат ижоди маънавият мактаби, одоб энциклопедиясидир. «Олдига келгани емак ҳайвон иши, олдига келгани демак нодон иши». Мен оилавий моҳирларни тинчтиришда бу ҳикमतдан кўп марта фойдаланганман. «Навосоз улуснинг навобахши бўл, Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл», «Одам борки одамларнинг нақидир, одам борки ҳайвон андин яхшидир» каби ҳикматлар ҳам фаолиятимда жуда асқатган. Навоийнинг ҳикоятларидан айтиб, одамларни инсофга, муроасага чақирганман.*

Танловнинг ҳар иккала шартда иштирокчилар ўзлари баён қилаётган шoirнинг ҳаёти ва ижоди, ёд айтаётган шеър мазмун-моҳияти ҳақида батафсил таълиқлаб, унинг тарбиявий аҳамияти ва оқоқол фаолиятидаги ўрни хусусида тўхталиб ўтишди. Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, Нурота туманидаги Гафур Ғулом номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Ҳалимов танлов ғолиби бўлди. Навоий шаҳридаги «Хаёт» йиғини раиси Мирсайд Мавлоновга иккинчи, Қизилтепа туманидаги «Сарой» маҳалласи раиси Гулчехра Примовага учинчи ўрин насиб қилди. Ғолиб ва номинатсия эгалари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгаши томонидан диплом ҳамда китоблар жамланмаси билан тақдирланди.

Х. САҒАРОВА
«Mahalla»

Мумтоз адабиётимиздаги эзгу ғоялар йиғинлар ҳаётига татбиқ этилмоқда

Шеърхонлик танлови Қашқадарё вилоятида ҳам юқори савияда ташкил этилди.



— *Маҳалла раиси ўзини халққа бағишлайди, халқ учун ҳолис хизмат қилиши керак*, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қашқадарё

вилояти кенгаши раисининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари Омон Хўшмуродов. — *Маҳалладошларни ҳамжиҳатликка, юрт равнақи йўлида жон куйдиришга даъват этиши, одамларни бир мақсад сари бирлаштириши, оилаларни мустаҳкамлаши, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиши каби юзлаб вазифаларни зиммасига олган маҳалла раислари мазкур танловга ҳам катта тайёргарлик билан келишди. Бу уларнинг ҳар иккала шартни бажаришида томошабинлар кўз ўнгига намоён бўлди.*

Қолаверса, ушбу танлов буюк адибларимизнинг нодир меросини, ибратли ҳаёти ва ижодий фаолиятини чуқур ўрганиш, улар асарларига жо бўлган умуминсоний ғояларни йиғинлар ҳаётига татбиқ этиш, фуқаролар йиғини раисларининг ижодий фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳам замин яратмоқда.

Вилоятдаги барча туман ва шаҳарлардан келган ғолиб раислар беллашувида Чирокчи туманидаги «Бешбулок» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алладўст Рўзиевга тенг келадигани топилмади. Энди у танловнинг республика босқичида қашқадарёлик маҳалла фаоллари шаънини ҳимоя қилади.

Ш. БОЗОРОВА
«Mahalla»

Тошлоқлик раис бўш келмоқчи эмас...

Хунармандлар юрти — кўхна Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номли ижодкорлар боғида маҳалла фуқаролар йиғини раислари ўртасида бўлиб ўтаётган шеърхонлик кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи ғолиблари аниқланди.

Унда танловнинг шаҳар ва туман саралаш босқичларида ғолиб бўлган 19 нафар шеърятга ошно раис ўзаро куч синашди.

Иштирокчиларнинг бари адабиётни чин дилдан севган,

мумтоз адибларимиз ижодини пухта ўргангани боис ғолибни аниқлашнинг ўзи бўлмади.

— *Шеърятдан кўнглим маҳкам топади, шу боис иш столида доим Абдулла Ориповнинг сайланмаси туради*, — дейди Тошлоқ туманидаги «Янги чека» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарофиддин Болтабоев. — *Эҳтимол, бузунги муваффақиятимни таъминлаган омил ҳам ана шу иштиёқим туфайлидир. Йиғинимизда шеърятга ошно бўлган оилалар, ёшлар кўнчиликини ташкил этиши эса шеърхонлик, китобхонлик*

кечаларини тез-тез ўтказиб турганимиздан. Насиб қилса, танловнинг юқори босқичида ҳам фаол қатнашиб, ғолиблик учун курашда бўш келмаймиз.

Кизиқарли ва мurosасиз курашларга бой бўлган танловда иккинчи ўрин Олтиариқ туманидаги «Полосон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Солижон Қирғизовга, учинчи ўрин эса Риштон туманидаги «Оқ томир» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алҳамжон Ориповга насиб этди.

Р. КАМОЛ
«Mahalla»

Беш ташаббус — беш имкон демакдир

Андижон вилояти Избоскан туманидаги «Ўзар» маҳалла фуқаролар йиғинида бешта муҳим ташаббус ижросига бағишланган кўргазмали тадбир ташкил этилди.



Андижон иختисослаштирилган санъат мактаб-интернатида ўтказилган тадбир аввалида 25-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ўзлари ёд олган шеърлари билан меҳмонларни хушнуд этган бўлса, санъат мактаб-интернати ўқувчиларининг расмлар кўргазмаси барчада катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, «Менинг шажарам» акцияси доирасида аж-доллари киёфасини ўз тасаввурида гавдалантирган ёш расмларнинг иши кўнчилиқнинг эътиборини тортиди.

Тадбир мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ва 12-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг жозибали рақслари, санъат мактаб-интернати ўқувчиларининг миллий урф-одатларимиз акс этган сахна кўринишлари билан давом этди. Иштирокчилар ўқувчилар томонидан тайёрланган хунармандчилик намуналаридан ҳам баҳраманд бўлишди.

Д.ТОҶИБОЕВ,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари.

Қизиқарли беллашувлар ғолибларни саралади

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Яккасарой туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Маҳалламиз стол теннисчилари» ва «Маҳалламиз бадминтончилари» мусобақаларининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Унда саралаш ўйинларида ғолибликни қўлга киритган 11 та туман жамоаси катнашди. Қизиқарли ўтган беллашувлар якунига кўра, «Маҳалламиз бадминтончилари» турнирининг 13-14 ёшли ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида Миробод туманидаги «Инокобод» маҳалласидан Артём Барисовга биринчилик насиб этди. Кейинги ўринларни Юнусобод ва Учтепа туманлари ёш спортчилари банд этишди. Қизлар баҳсида эса мос равишда Миробод, Юнусобод ҳамда Шайхонтоҳур туманлари вакиллари кучли учталиқни якунлаб беришди.

Стол теннисчилари беллашуви ҳам мurosасиз баҳсларга бой ўтди. Якунда қиз ва ўғил болалар ўртасида ҳам Чилонзор тумани ёшлари тенг келадиган рақиб топилмади.

Ғулом ХИДИРОВ.

Маҳалла полвонлари шоҳсупада

Тошкент вилояти Пискент туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида кураш бўйича «Маҳалламиз пахлавонлари» мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳарлардан сараланган 13-14 ёшдаги ўғил-қизлар уч вазн тоифасида гиламга чиқишди.




Барча беллашувлар ҳалоллик, тенглик, спорт принципларига хос тарзда ўтказилди. Ўғил болалар ўртасидаги баҳслар 46, 50, 55 кг. вазн тоифаларида ташкил этилди. Якунда чинозлик Сардор Умаржонов, Оккўрғон тумани вакили Оғабек Алишеров ҳамда пискентлик Сарвар Турсунбоев барча рақибларини мағлуб этиб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Қизлар ўртасидаги беллашувлар эса 44, 48, 52 кг. вазн тоифаларида ўтказилиб, унда бўкалик Шахноза Иброҳимова, Бўстонлик туманидан Дилфуза Иброҳимова ҳамда пискентлик Мавлуда Турсунбоева мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг турли даражадаги диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Энди улар республика босқичида Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилишди.

Нигора ЎРОЛОВА.



ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА ЯНГИ ҚЎМИТА ИШ БОШЛАЙДИ

У юртимиз хотин-қизлари ҳаётида нимани ўзгартиради?

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Сенат ахборот хизматининг маълум қилишича, қўмита «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер тенглигини таъминлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ равишда тузилган.

Аёлга эътибор — юрт келажagini белгилайди

Дунё яралибдики, аёл зотиға муносабат турлича бўлган. Жаҳондаги қўллаб-даватларда ханузгача аёллар билим олиш, касб-кор эгаллаш, юқори лавозимларда ишлаш каби қатор

палатасида тузилган янги қўмита аини муаммолар билан қандай курашади? Қўмитанинг асосий вазифалари нималардан иборат? Шу каби саволлар билан Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Сайёра БАРАТОВАга мурожаат қилдик.

Аёллар ҳуқуқлари камситилишига барҳам берилади

— Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасини тузиш таклифини Сенатнинг 20-ялпи мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев қиритган. Мазкур мажлисда Ўзбекистон тарихида илк бор аёл киши — Танзила Норбоева Сенат раиси этиб тасдиқланди,

риш бўйича умумэтироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, гендер тенглик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатлар нормаларининг амалиётга жорий этилиши ҳамда унда белгиланган тавсиялар ижро қилиниши юзасидан мониторинг олиб бориш вазифаси ҳам юклатилган.

Бу биринчи қадам эмас...

Президентимиз жамиятда хотин-қизлар мавқеини юксалтириш, уларнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Эркақлар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуни ишлаб чиқаришда аини шу йўлдаги муҳим қадамлардан биридир. Қолаверса, Президентимизнинг «Хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича таъқиқлар бекор қилинди. Тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланди. Эркақ ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланиши мустаҳкамлаб қўйилди. Бу каби мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Гендер тенглигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар юртимиз хотин-қизлари ҳаётида нималарда кўринади?

Қадриятларимиз, динимизда аёл беҳад эъзозланган, уни ардоқлаш шарт қилинган. Халқимиз табиятида ҳам аёлга ҳурмату эҳтиром юксак. Қундалик ҳаётимизни олайлик: жамоат транспортида эркақ киши ёши кичик бўлса-да, қаршисидан аёлга оғринмай ўрин бўшатади. Оғир юк кўтариб кетаётган бирон хотин-қизни кўрган йигит уни таниса-танимаса қўлидаги сумкасини олади. Бу иззат-икром минг йиллар давомида шаклланган миллий анъана ва қадриятларимиз туфайли.



Шундай бўлса-да, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашни даврининг ўзи такозо этаптир. Асосий муаммо шундаки, баъзи оилаларда қиз фарзандга нисбатан жамият ва оиланинг тўлақонли аъзоси эмас, кимнингдир ҳасми сифатида қараш ҳамон устун. Мабодо аёл киши олий маълумот эгаллаб, раҳбарлик лавозимларига кўтарилса-да, айрим сунъий тўсиқлар унинг меҳнат фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.


Янги қўмита шу каби масалаларда хотин-қизлар орзулари, интилишлари ва умидларини рўёбга чиқаришга туртки беради.

Бизда дипломат аёллар нега кам?

Айни пайтда республикамиз хотин-қизларининг қарийб 80

фоизи, асосан, икки ижтимоий соҳа — таълим ва соғлиқни сақлашда фаолият юритади. Энди сиёсатчи, дипломат, вазир каби давлат бошқарувидаги аҳамиятга эга лавозимларда уларнинг сонини кўпайтириш кўзда тутилган. Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлиси Сенати раислигига Танзила Норбоевнинг сайланиши мамлакатимиз учун мутлақо янги босқични бошлаб бериб, аёлларга нисбатан ишонч ва ҳурматнинг юксак ифодаси бўлди. Давлатимизнинг гендер тенглиги масаласида ташлаётган дадил қадамларини дунё кузатиб турибди. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар узок куттирмай, юртимиз аёллари ҳаётида акс этиши тайин.

Юлдуз ХОЖИЕВА
сўхбатлашди.



ҳуқуқлардан мосуво. Ачинарлиси, аёл бўлиб туғилгани учун камситилаётган, ҳўрланаётган, азобланаётганлар, ҳатто қурбон бўлаётганлар қанча...

Тан олиш керак, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда мамлакатимиз қатта ишларга қўл урган. Ўзбекистон Респуб-

— дейди С.Баратова. — Янги қўмитанинг мақсад ва вазифалари бир-биридан залворли. Жумладан, Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлашга ва хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этишига қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишга доир тавсиялар ишлаб

ДАРВОҚЕ...

БМТ томонидан аини йўналишида қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, 1954 йилдаги «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция», 1958 йилда маъқулланган «Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги Конвенция», «Аёлларга нисбатан қўлланиладиган дискриминациянинг ҳар қандай шакллариға барҳам бериш ҳақидаги Конвенция» каби ҳужжатлар бугунги кунда дунё мамлакатларининг соҳага оид ҳуқуқий ислохотларига асос бўлиб келмоқда.

ликаси Конституцияси, Оила, Меҳнат кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатлари юртимизда аёл ва эркақларнинг тенг ҳуқуқлилигини қафолатлайди. Аммо беш бармоқ тенг эмас, дейишганидек, хотин кишига уй бекаси, бола тўғиб парвартиладиган, рўзғор юмушларини бажарадиган шахс сифатида қараш, уни ҳўрлаш, ўз уйида унга қуч ишлатиб азоблаш билан боғлиқ ҳолатлар, афсуски, юртимиз ҳаёти учун ҳам бегона эмас.

Хўш, Олий Мажлис юқори

чиқилади. Гендер тенглик масалалари ва оила институти ривожлантиришга оид қонунлар мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Тегишли ҳулосалар берилади. Шу каби муҳим йўналишлар янги ташкил этилган қўмитанинг асосий вазифаларидир.

Қўмита зиммасига аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариға барҳам бе-

«MAHALLA» МАЪЛУМОТИ

Дунёнинг қўллаб-қувватлашида бўлгани каби Швецияда ҳам узок вақт давомида аёллар ва эркақлар ўртасида тенгсизлик жула қучли ва пафкатсиз бўлган. Қўп асрлар давомида швед аёллари олий маълумот олиш, касб танлашдан маҳрум эдилар, бир сўз билан айтганда, улар ўз тақдирларига ўзлари эгалик қилолмадилар. Ўтган асрнинг бошларида дунёда хотин-қизлар ҳуқуқлари учун кураш авж олди. Швеция аини жараёнда фаол иш юритди.

Замонавий швед жамиятида таъминланган асосий ғоя шундан иборатки, бу ерда ҳар бир шахс тенг ва ҳурматга лойиқдир, ҳеч ким бошқа бировга нисбатан зўравонлик қилишга ҳақли эмас. Бунинг исботини, оддий мисол — фарзанд туғилганда ота ва онага бериладиган таътил орқали ҳам яққол кўриш мумкин.

Швециядаги ижтимоий ҳимоя тизими ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам туғуруқ пайтида таътил олишини, бунинг билан фарзанд тарбияси фақат аёллар зиммасида қолмаслигини таъминлайди. Швеция қонунларига кўра, бир оилага 480 қунгача ота-она таътиллари берилади. Шу билан бирга, мавжуд қондалар ота-онанинг ҳар бири 480 қундан камида 90 кунини олиши, қолган 300 кунни тақсимлашда эса ўзаро келишиш мажбуриятини юқлайди. Бу меъёр оналарга бола туғилганидан кейин фаолиятини тўхтатмаслик, қиска муддатда боласини ишончли қўлга топшириб, ишта қилиш имкониятини тақдим этади.

Швецияда туғуруқ таътилини олган оталар кам эмас. Бу ҳуқуқдан деярли барча касб вакиллари — парламент аъзоларидан торттиб, қурувчилар ва полиция ходимларигача фойдаланишади. Оилаларда таъминланган бундай тенгҳуқуқчиликка қарамай ушбу мамлакатда, асосан, аёллар туғуруқ таътилига чиқадилар. Бу борадаги кўрсаткич, аёлларда 70,7 фоизи, эркақларда 29,3 фоизи ташкил этади.

Хотин-қизлар қўмитаси аёлларни тоифалайдиган рўйхат тузилишини қатъиян қоралади.

МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«TASHKENT CITY»ДА ҚУРИЛАЁТГАН 50 ҚАВАТЛИ
БИНО ҚАНЧАЛИК МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ?

«Tashkent City»да қурилиши бошланган ва Марказий Осиёдаги энг баланд бино бўлиши кутилаётган иншоот 50 қаватдан иборат бўлиб, баландлиги 215 метрни ташкил этади. Бино пойдеворида Эйфель минорасига сарфланган микдордаги темир ишлатилади.

«Murad Buildings» компанияси раҳбари Мурод Назаровнинг сўзларига кўра, бинонинг мустаҳкам ва зилзилага дош бериши тўғрисидаги масалаларга алоҳида эътибор берилган ва бу лойиҳанинг устувор вазибаларидан бири сифатида белгилаб олинган.

Бундан ташқари, пойдевор мустаҳкам бўлиши учун 700 маркали бетон ишлатилади. Қурилиши бошланган объектнинг пойдевори 20 метр чуқурликда, яъни 4 қават пастда қуйилади. Жорий йилнинг куз ойига қадар осмонўпар бинонинг пойдевори қуйилиши режалаштирилган.

«Тахминан ноябрь ойидан бинони қаватма-қават кўтара бошлаганимизда ҳамюртларимиз шуни гувоҳи бўлишадикки, ҳар 2 ва 3 қунда бинонинг бир қавати кўтарилди», — дея маълумот берган «Murad Buildings» компанияси раҳбари.

«РОҲАТ» КЎЛИ ЎРНИДА «ВАХТ
CITY» ҚАД РОСТЛАЙДИМИ?

Ёхуд тошкентликлар энди жазирамада
қаердан паноҳ топади?

Ижтимоий тармоқда пайдо бўлган «Бахт» кўли яқин келажакда номли видеоролик юртдошларимизнинг кизгин муносабат билдиришига сабаб бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизматининг facebookдаги саҳифасида жойлаштирилган ушбу видеороликда халқ орасида «Роҳат» кўли номи билан танилган «Бахт» кўли ҳудудида яқин йилларда сити қурилиши акс эттирилган. Ижтимоий тармоқ вакиллари билан баъзилар қолдирган изоҳларда пойтахт аҳолисининг сеvimли дам олиш маскани бўлган ушбу кўл ўрнида бино ва иншоотлар қад кўтаришига эътироз билдириб, сити учун бошқа жой танланса, максатда мувофиқ бўлишини таъкидлашган бўлса, айримлари қуриб баччиқа айланган сув ҳавзасидан кўра чиройли иморатлар бунёд этилишини маъқуллашган. Дарҳақиқат, нахот бир пайтлар тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари билан гавжум бўлган машҳур кўл энди тарихга айланса...

Бунёдкорлик бўлгани яхши,
аммо...

«Бахт» кўли ҳақиқатан бир пайтлар гавжум маскан эди, — дейди Яшнобод туманидаги «Катта Кўйлик» маҳалласида истикомат қилувчи Алишер Усмонов. — Ўтган асрнинг 70-80-йиллари бу ерга чўмилишга келувчиларнинг адоғи бўлмасди. Сўнгги йилларда кўлга эътибор сусайди, келувчиларнинг ҳам

қалами узилди. Натижада бора-бора ундаги сув ҳажми озайиб, қурий бошлади. Эски шухрати боис халқнинг оғзида фақатгина «Роҳат» кўли номи қолган, холос. Тўғри, бир неча йил бурун кўлни кутқариш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатларни яхши эслаймиз. Аммо кўрилган чоралар қутилган самарани бермади. Эшитишимизча, кейин санитария-гигиена ҳолати ёмонлашгани боис икки йил давомида кўлни қуритиш ишлари олиб борилган. 2016 йил июнь ойида кўл яна қайта ишга туширилди. 60 гектар ерни ўз ичига олган масканда кафелар, дўконлар, аттракционлар қурилди. 27 гектар майдонга эга кўл ҳудудида бир вақтнинг ўзида 5000 одамнинг дам олишига имконият яратилди. Аммо нимагадир кўп ўтмай бу ер яна хувиллаб қолди. Кўл ҳудуди эски ҳолатига қайтди. Ҳозирда кўл ўрнида улкан қурилишлар амалга оширилиши ҳақидаги гап-сўзларни эшитяпмиз. Гапнинг сирасини айтганда, кўлнинг бутунги ҳолатидан кўра бу ерда ҳашаматли бинолар қад кўтариши, атрофнинг кўркам кўриниш касб этиши мақбул ечим. Бирок шаҳар иклими, пойтахт аҳолиси учун иссиқ кунларда қулай дам олиш шароити яратилишини ҳисобга олган ҳолда, сув ҳавзасининг бурунги шухратини тиклаш ундан кўра маъқулроқ деб ўйлайман.

— Уч йилча аввал жазирама ёзда

«Бахт» кўлига бориб оилавий дам олгандик, — дейди журналист Саида Эшмўминова. — Куннинг иссиғида салқинлаш учун қулайлиги, шароитлари, энг муҳими, яшаш жойимизга яқинлиги маъқул тушиб, кўлга тез-тез борадиган бўлдик. Ўзингиз ўйланг, дам олиш кунлари қанча йўл босиб, «Чорвоқ» сув омбори бўйига бориб ҳордик чиқариб келиш қаерда-ю, шаҳар четидagi сўлим масканга бир пасда бориб кўнги

тамент вакиллари ҳамда инвесторлар иштирок этишган. Маскур учрашувада хорижлик инвестор билан тумандаги «Бахт» кўли инвестиция лойиҳаси юзасидан музокаралар олиб борилган.

Хабарда «Ilbay Insaat Enerji San. Tic» компанияси «Бахт» кўли инвестиция лойиҳаси бўйича тақдимот ўтказгани, туркиялик инвестор ушбу лойиҳада «Бахт кўли»даги 60 га. жойда замонавий кўп тармоқли туристик кўнгилочлар маскан барпо этиш бўйича ўз тақлифларини бергани ҳам айтилган. Шунингдек, учрашувада лойиҳа юзасидан икки томонлама ҳамкорлик қилиш масалалари кўриб чиқилди ва келгусида яна музокараларни давом эттиришга келишиб олинди, дея маълумот берилди.



ёзган қаерда. Масофанинг узоклигидан беихтиёр танангизда чарчок сезасиз. Афсуски, бу қулайлик узок давом этмади. Шундай ажойиб маскан қайта тикланган эди. Унинг яна эски ҳолига туширилишига нима сабаб бўлгани тушунарсиз ҳолат. Ҳали ҳам шу масалани мутасаддилар атрофлича ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Туркиялик инвестор
билан учрашув

Tourism Department of Tashkent city саҳифасида хабар қилинишича, жорий йилнинг 1 июль кунин Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлигида Тошкент шаҳар Туризмни ривожлантириш департаменти тақлифига биноан Ҳасан Илбай бошчилигидаги туркиялик инвесторлар билан учрашув бўлиб ўтган. Унда Бектемир тумани ҳокими, депар-

Ситидан қандай бинолар ўрин
эгаллайди?

Юқорида тилга олинган видеороликда «Бахт» кўли ҳудудида қад кўтарилиши кўзда тутилган бино ва иншоотлар ҳақидаги маълумотлар ҳам акс этган. Улар қуйидагилардир:

- 1-лот: Очиқ Аквакомплекс
- 2-лот: 3 қаватли «Миллий таомлар»
- 3-лот: 4 қаватли Ресторанлар мажмуаси
- 4-лот: 3 қаватли Мотель
- 5-лот: 5 қаватли Савдо мажмуаси
- 6-лот: 9 қаватли 5 юлдузлик меҳмонхона
- 7-лот: 12-20 қаватли Тураржой мажмуаси
- 8-лот: Картинг клуб
- 9-лот: Ёпик бассейн

Хулоса шуки, «Бахт» кўли ҳудудида барпо этиладиган сити мавзуси атрофида ҳар қанча фикр билдириш мумкин. Энг асосийси, ҳар қандай бунёдкорлик инсон маънавиятига, юрт ободлигига хизмат қилиши керак. Биз шундай хайрли натижаларни умид қилиб қоламиз.

Қамрон БЕК, журналист.

ДАРВОҚЕ...

ЎЗБЕКИСТОНДА НЕЧТА СІТУ ҚУРИЛАДИ?

2020-2025 йилларда комплекс уй-жойларни қуриш бўйича дастур лойиҳасига кўра, Ўзбекистонда 3993 та кўп қаватли уй-жойларни қуриш режалаштирилган. Қурилиш вазирлиги маълумот беришича, Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида 16 қаватли, кўп квартиралар 468 та уй, Нукус шаҳрида ва вилоят марказларида 12 қаватли 504 та уй-жой қурилиши ва туман марказларида 3021 та тўрт қаватли ва ундан юқори уйларни қуриш мўлжалланган.

Шунингдек, бутунги қунда «Toshkent city» намунасида «Olmazor city», «Yulussobod city», «Mirzo Ulug'bek biznes city»лар, вилоятларда ҳам шундай объектларни қуриш, яъни «Nukus city», «Andijon city», «Buxoro city», «Qashqi city», «Namangan city» ва «Samarqand city» каби мажмуаларни барпо этиш режалаштирилган.

Кўп квартиралар уйларни бошқариш тартиби тубдан такомиллаштирилади.

ЮРТИМИЗДА ЙИЛИГА 900 МИНГ ТОННА МЕВА-САБЗАВОТ ИСРОФ БЎЛАДИ

уни қайта ишлаб миллионлаб доллар даромад қилиш мумкин эди.

Жорий йилнинг июль ойида Россиянинг истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи «Роспотребнадзор» Федерал хизмати Москва шаҳри дўконларидаги мева-сабзавот маҳсулотларининг сифатини текширувдан ўтказди. Жараёнда Ўзбекистонда етиштирилган «Баҳор» навли гилос ҳамда «Шалах» навли ўриклар, Арманистондан келтирилган қулупнайлар таркибида витаминлар етишмаслиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, гилосларимизда — темир моддаси одатдагидан 6 баробар, С витамини — 3,5 баробар, калий — 3 баробар, магний ва фосфор — 2,5 баробар кам деб эътироф этилди. Текширув асбоблари 100 грамм гилосда 13 грамм натрий моддаси ўрнига 1,4 грамм, бета-каротин эса метъердан 10 баробар кўп эканлигини кўрсатди. Деярли шу каби ҳолат шаҳар дўконларига юртимиздан олиб борилган ўриклар билан ҳам кузатилади.

Бу арзимас воқеани эътиборсиз қолдирса ҳам бўларди. Аммо ривожланган бозор метъерларига кўникиб бораётган ҳамдўстлик давлатлари харидорларига оммавий ахборот воситалари орқали намойиш қилинган жараён «антиреклама» эффектини бериб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятига сезиларли зарар етказиши ҳам мумкин. Зеро, ҳозирда мазкур минтақалардаги мева-сабзавот бозорлари учун бир қанча йирик ишлаб чиқарувчилар кураш олиб бораётгани, МДХ мамлакатлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида фермер ва томоғкачиларимизнинг асосий ҳамкори экани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис бу каби ҳолатлар тегишли ташкилотлар томонидан зудлик билан чуқур таҳлил қилиниб, камчиликлар аниқланган тақдирда бартараф этилиши зарур.

Бизда бор-йўғи 10 та стандарт ишлайди

Хўш, серкуёш юртимизда

етиштирилган мева-сабзавотлар экспорт қилинишидан олдин қайси стандартларга жавоб бериши керак? Бозорни рақобатчиларимизга бой бериб қўймаслик учун яна қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Мамлакатимизда йилга 20 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Баҳромжон Обиджонов. — Уларнинг экспортини ташкил этишда белгиланган метъерларга амал қилинади. Зеро, экспортдаги рақобатбардошлик малакали лаборатория текширувига ҳам боғлиқ. Шунга қарамай, соҳада зудлик билан ҳал этилиши



шарт бўлган қатор камчиликларимиз бор. Мисол учун, озиқ-овқат маҳсулотларини синаш бўйича Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига кўра 775 та стандарт мавжуд. Мамлакатимизда уларнинг 100 тасигина жорий қилинган, булардан атиги 10 таси халқаро даражада аккредитациядан ўтган. Мазкур ҳолат қорхоналаримиз маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт товарларнинг эса сифатини текширишда қийинчиликлар туғдирамқода. Президентимиз бошчилигида мавжуд муаммоларни ҳал этиш борадида қатор ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, июль ойида «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли инспекцияларга озиқ-овқат сифати бўйича халқаро стандартларни 500 тага етказиш, тўлиқ синовлар ўтказиш имконига эга лаборатория-

лар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилган. Натижада тез орада стандартларимиз сони ошириб, экспорт салоҳиятимиз кенгайиши кутилмоқда. Қолаверса, бу импорт савиясини янада қатъий назорат қилиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда бошқа қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Ачинарлиси, етиштирилётган 20 миллион тонна мева-сабзавотларнинг саноат усулида қайта ишлаш даражаси атиги 15 фоизни ташкил қилмоқда. Шундан 7-8 фоизигина ташқи бозорга олиб чиқилади. Инфратузилма етарли эмаслиги ту-



кайта ишланиб, тансик маҳсулотлар тайёрланади. Хусусан, бир килограмм тарвуз уруғи ёғи жаҳон бозориди 28 доллар, анор уруғиники эса 350 доллар туради. Юртимизда ҳам ушбу маҳсулотларни йиғиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилса, йилига 250 миллион долларлик экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Янги қарорлар соҳани ривожлантира оладими?

Ўтган ҳафта Президентимизнинг соҳага дахлдор иккита қарори қабул қилинди. Жумла-

режа ишлаб чиқилган. Қарор билан 2019-2021 йилларда қабул қилинадиган озиқ-овқат саноати соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати ҳам белгиланган.

31 июлда эса давлатимиз раҳбари «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорни имзолади. Унга кўра, 2021 йилда қишлоқ хўжалиги техникаларининг 60 фоизини мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб

АНА ХОЛОС...

Вақтни бой бердик(ми?)

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноати кейинги ўн-ўн беш йил мобайлида ачинарли аҳволга келиб қолди. Уни ривожлантириш учун кўп вақт ва имкониятлар бой берилган. Тизимдаги қорхоналар йилига 26 минг дона техника ишлаб чиқариш қувватига эга бўлса-да, ўтган йили «Ўзғроптехсаноатхолдинги» қорхоналари томонидан 11,5 минг дона қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилган, холос. Жорий йилнинг биринчи ярмида 3 минг дона қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилди ва бу рақам ўтган йилгига нисбатан 50 фоиз кам, демаскир.

«Ўзғроптехсаноатхолдинги» АЖга жорий йилнинг олти ойида 2 минг 374 дона техникага буюртмалар келиб тушган бўлса-да, уларнинг маълум қисми бажарилмади. Ички бозор учун ишлаб чиқаришни ташкил қилишда маҳаллийлаштириш даражаси ўртача 25 фоиздан ошмаётти. Ишлаб чиқарилаётган техника воситалари нархи ҳам хориждаги бошқа турдош қорхоналарники билан рақобат қилолмади.

Ҳозирда тўланиб қолган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида 5 та қорхона ташкил этиш режалаштирилган, аини пайтда ҳамкорлар билан ушбу қорхоналарни ишга тушириш юзасидан изчил иш олиб борилаёттир.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати

Уруғини ҳам қайта ишлаш керак

Маълумки, маҳсулотни саноат тарзида қайта ишлаш даромадини бир неча баробар оширади. Қишлоқ хўжалигимиз айнан шу соҳада оксамқода. Ўтган йили мева-сабзавотнинг 19 фоизи, гўшт ва сут маҳсулотларининг 16 фоизигина саноат даражасида қайта ишланган. Бир мисол. Одатда узум, қовун, тарвуз, қовоқ ва анорнинг уруғи ташлаб юборилади. Хорижда бу уруғлар

дан, 29 июль кунги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра хорижий кредит линиялари ҳисобидан йирик агрологистика комплексларини ташкил этиш, соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш назарда тутилган. Шунингдек, синов лабораторияларини модернизация қилиш бўйича алоҳида

чиқарувчиларга яна қатор имтиёз ва имкониятлар яратиш режалаштирилган. Бундан ташқари, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида ургу берилган.

Ўйлаймизки, амалга оширилаётган чора-тадбирлар серкуёш юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириб, жаҳон бозориди мустаҳкам ўрин эгаллашга имкон яратади.

Ўлугбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Ўзбекистон дехқончилиқда космик технологиялардан фойдаланмоқчи

Кўплаб муаммоларга қарамай қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш соҳасида янгиланган қўл урилмоқда. Мамлакатимиз Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан OneSoil, Boston Consulting Group компанияси ўртасида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланишга оид битим имзоланди.

Мазкур битим «Ақли қишлоқ хўжалиги» Концепцияси доирасида қишлоқ хўжалигига рақамли технологияларни фаол татбиқ этиш, замонавий технологияларни қўллаш орқали Ўзбекистондаги ер майдонлари ва эканларини объектив хариталашга доир ишларни амалга оширишни назарда тутди.

«Ўзстандарт» агентлиги Россия сифат тизими (Роскачество) билан ҳамкорлик Меморандумини имзолади.

Мажбурий «буза-буз»лар захмати халқимизни кўпдан қийнаб келмоқда. 2013 йилда бу оғир ташвиш, ҳамқишлоқларим гарданига ҳам тушган эди. Унинг жароҳати ханузгача битиб кетмади.

Воқеа бундай кечган эди. Ўша йили А-373- М-39 автойўлининг Андижон – Дўстлик йўналишидаги 450-475-ракамли объектида реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Шу муносабат билан Хўжабод туманидаги «Шахрихонсой», «Фақирқишлоқ», «Ипакчи» ҳамда Бобур номли маҳаллаларга қарашли 666 та тураржой тўла ва қисман бузиб юборилди. Аввалига хусусий мулк эгаларига ҳеч қандай тоvon пули тўланмади. Бу ҳолат аҳолининг жиддий эътирозига сабаб бўлгани туфайли «Андижон баҳолаш фаолияти» МЧЖнинг 2014 йилдаги баҳолаш якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси

фойдасига ажрим чиқарди.

Дўк-пўписа, кўрқитиш замони ўтди ми?

Шу ўринда яна бир ҳолатни ёритиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ҳали-ханузгача кишини ўйлантирадиган воқеа шундан иборатки, ўша кезлари аксарият фуқаролар ҳовли-жойларининг давлат кадастр ҳужжатлари йўқ эди.

Ёлпасига бузиш ишлари бошланиши билан Хўжабод тумани «Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» томонидан бузилган бино иншоотлари ўлчамлари, чизмалари асосида тегишли кадастр ҳуж-



Бузилган уйлари баҳолаш мезонлари нимага асосланади?

Адолат юзасидан шунга таъкидлаш керакки, Андижон вилояти прокуратурасининг сайёҳ-харажатлари билан орадан тўрт йил ўтиб, «Шахрихонсой» МФЙда яшовчи уйи бузилган шахсларга 6 сотихдан ер майдони ажратилишига эришилди. Аммо бузилган уйлarning бозор эмас, кадастр баҳоси ҳам тўла қоплангани йўқ... Бундай алдов, риёкорлик, зулм ва менсимаслик туфайли ижтимоий тармоқларда турли шов-шувли хабарлар, мақолалар тарқалмоқда. Бу, ўз навбатида, Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган кенг қўламдаги эзгулик, инсонларварлик, меҳр-муруват ва халққа ғамхўрлик сиёсати туфайли эришилаётган муваффақиятларга соя солмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг 2 август куни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилишида халқнинг диққати мана шу оғрикларни рўй-рост ифодалади:

«Бундай зўравонлик сиёсати билан биз узокка боролмаймиз, – деди Президент. – Агар шу йўл ўзини оклаганида 30 йилда зўр бўлиб кетган бўлар эдик». Рости ҳам шу. Ана шу таҳдидли сиёсат туфайли одамларда нафақат эртанги кунга ишонч, айни чоғда ўзларининг шахсий бизнесини ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш, хориждан ҳамкорлар қидиришга қизиқиш ҳам сўниб бораётган эди. Тан олмоқ жоиз, кейинги йилларда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида жиддий ислохотлар амалга ошириляпти. Ўйлаймизки, ушбу масалада ҳўжабодликларнинг ҳам ҳақли талаби инобатга олинган, эски «снос»ларга белгиланган нарх-наво бутунги талабга кўра бозор баҳосида қайта қўрилади ва шу билан яна бир ижтимоий адолат қарор топади.

Абдумуталиб АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

Эски дарднинг очик яраси

ёки Андижондаги «буза-буз»лар қонуний олиб бориляптими?

Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси томонидан Андижон вилояти ҳокимлигининг махсус ҳисоб рақамига 6 миллиард 750 миллион 440 минг 471 сўм ўтказиб берилди. Аслида эса тоvon пули 15 миллиард 828 миллион 508 минг 208 сўмни ташкил этган эди.

Табиийки, бундай счим фуқароларни қониқтирмади. Улар ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида турли маҳкамаларга, ҳуқуқ-тартибот органларига тинимсиз мурожаат қила бошладилар. Ниҳоят, Хўжабод туманидаги «Фақирқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ҳасанбой Мўминов ва бошқаларнинг Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Автомобиль йўллари Давлат қўмитасининг умумий фойдаланишдаги йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси ҳамда Хўжабод тумани ҳокимлигига нисбатан «Бузишга тушган ҳовли-жой компенсация пулини ундириш ҳақида»ги даъвоси бўйича 1-4141 сонли фуқаролик иши 2018 йилнинг 22 май куни кўриб чиқилди.

Хўжабод туманлараро суд ҳайъати жавобгар ва даъвогарлар томонидан келтирилган ҳужжатлар, вазялар, иктибослар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланиб, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг топталган ҳақ-хуқуқларини тиклаш мақсадида даъвогарлар

жатлари тайёрланди.

Бу яхши, албатта. Лекин тайёрланган ҳужжатларга мулк эгаларининг имзо чекиш жараёни негадир тунда олиб борилади. Боз устига, ушбу кадастр ҳужжатлари икки нусхада тайёрланиб, улардаги ҳисоб-китоблар фуқароларга етарли тушунтирилмагани



одамларда шубҳа уйғотди.

Аммо бу борадаги мурожаатлар ҳам сувга отилган тош каби изсиз, жавобсиз қолди. Мана шу ҳолатнинг ўзи ўша кезлари маъмурлар фуқаролар фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашмай қўйганлиги, ҳар қандай вазифа ижроси зўравонлик, дўк-пўписа ва кўрқитиш йўли билан амалга оширилганлиги, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари қўпол равишда поймол этилганлиги, адолат

ва ҳақиқат талаб қилган шахс бошига мушкул савдолар солинишининг ҳаётий исботидир.

Афсусланарли жиҳати шундаки, бошқарувнинг бундай номақбул услуби яқин-яқинларга қадар давом этганлиги, шахсий мулк ва мулкдорларнинг ҳуқуқи амалда ҳимоясиз бўлганлиги, бунинг натижасида кишиларда ташаббускорлик,

суловнинг фикрларига кулоқ тутайлик:

– Фуқаролик ишлари бўйича Хўжабод туманлараро судининг даъвогарлар манфаатларини ўйлаб чиқарган

«Ушбу кадастр ҳужжатлари икки нусхада тайёрланиб, улардаги ҳисоб-китоблар фуқароларга етарли тушунтирилмагани одамларда шубҳа уйғотди.»

ажримдан сўнг қанчалар севинганимизни сўз билан ифодалаш қийин. Чунки тоvon пулининг тўланмай қолган қисми қўлимизга тегиши билан чала қурилган иморатларимизни тиклаб, теварак-атрофни ободонлаштириш учун имконият туғилади, деб ўйлаган эдик. Аммо Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти суди қуйи инстанцияси қарорини бекор қилиб юборди. Тасаввур қилинг, ўтган йилнинг айни жазирама иссиқ кунлари 181 нафар даъвогарни сарсон қилиб, ҳали вилоят, ҳали туман марказига чақирди. Энг таъсирли жойи судья Фахриддин Ҳайдаровнинг бизни менсимасдан қилган муомаласи бўлди. Майли, уйимиз бузилган кундан бошлаб бундай нописандликларга, кибру ҳаво ва дағдағаларга ҳам қўниқдик. Бирок энг алам қиладигани ҳали-ханузга қадар бу масаланинг ечими топилмаётганидир.

Ўзимни қўя турайлик, қўшнимнинг тўрт хонали тураржойи бутунлай бузиб ташланди. Унга аввал 11 миллион, сўнгра 16 миллион сўм маблаг ажратилди. Бу пулга оғирхона ҳам битмайди-ку...

бунёдкорлик ва янгидан-янги инновацион гоъларни ҳаётга татбиқ этиш иштиёқи бутунлай сўнишига олиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Иморатни тезда тиклаймиз деб ўйлаган эдик...

Хўжабод туманлараро судининг ҳал қилув қарори яшаб турган уй-жойидан ажралган ёки маълум қисми фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келган мулк соҳибларида яна давлатимизнинг одил ва инсонпарвар сиёсати, қонун қучига, хусусий мулк дахлсизлигига нисбатан ишончини оширган эди. Аммо уларнинг қувончи узокка бормади. Яхшиси, бу ҳақда даъвогарлардан бири – «Шахрихонсой» маҳалласида яшовчи Комилжон Абдура-

ДАРВОҚЕ...

Жорий йилда Андижон вилоятида шаҳарсозлик қиёфаси тубдан тақомиллаштириш мақсадида 3154 та иншоот (шундан 2436 таси тураржой) бузилиши режалаштирилган эди. Ҳозирга қадар 1046 та (698 таси тураржой) объект бузилди. Мулк эгаларига 2 млрд. 632 миллион сўм тоvon пули тўланди.

«МАХАЛЛА КУНИ» БИМА МАҚСАДДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ?

бу тадбирлар расмиятчиликдан холими?



Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Маҳалла куни» тадбирлари Наманган шаҳридаги «Адиблар хийбони»дан бошланди. Эрта тонгдан шаҳар ва туманлардан таширф буюрган ҳудудий кенгашилар масъул ходимлари, маҳалла фукаролар йиғинлари фаоллари, меҳнат фахрийлари, ёш авлод вакиллари «Адиблар хийбони»га гулчамбарлар билан кириб келишди. Дастлаб ўтганлар хотирасига ҳурмат кўрсатилиб, улуғ адиблар сиймоси пойи гулларга буркалди.

— Маҳалла бугун чин маънода маънавият ўчоғига айланган, — дейди шоир Носир Аббос. — Бугунги тадбирларга айнан шу масканда старт берилишида ҳам маълум бир маъно бор. Қайсики маҳаллада ижодкор, зиёли инсонлар сафи кўпайса, ўша ҳудуд ижтимоий-маънавий жиҳатдан тараққий топади.

Дарҳақиқат, Наманганнинг бугунги адабий муҳити вакиллари иштирокидаги «Истиклол фидойилари ҳамиша қалбимизда» деб номланган мушоира юракларни ларзага солди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари бошлаган мусобакани, хаваскор шоирлар мамнуният билан давом эттирдилар. Энг асосийси, эрта тонгдан бошланган тадбир одатдаги расмиятчилик билан эмас, балки дилларга завқ-шавқ бағишловчи туйғулар билан таассуротларга бой бўлди.

«Китобдайин дўст топмадим, биродарлар...»

«Адиблар хийбони»да бошланган ана шундай кўтаринкилик «Маҳалла куни» тадбирларининг янада файзли ва мароқли ўтишида бош омил бўлди. Айниқса, Наманган тумани Шўркўрган кишлоғида фойдаланишга топширилган «Кўл бўйи» маҳалла фукаролар йиғини биноси, хусусан, унга ёндош «Маҳалла кутубхонаси» тақдими ҳам бунга ёрқин мисолдир. Азалдан шоирлар, маърифатпарвар инсонлар маскани ҳисобланган маҳалла кўплаб ижодкорлари билан ҳақли равишда фахрланади. Бу ҳам бўлса, ҳудудда маънавиятга, энг асосийси,

китобга бўлган эътибор шарофатидир. Шу боис маҳалла идораси билан ёнма-ён ташкил этилган кутубхона фойдаланишга топширилган илк дақиқаларданок ўнлаб миқозларга хизмат кўрсатишни бошлаб юборди. Вилоят ҳокимлиги, Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгаш томонидан совға қилинган янги китоблар жамланмаса эса шўркўрганликларни янада қувонтирди. Тадбир сўнггида бу хайрли ишларга бош-қош бўлган хомийлар, фаоллар муносиб рағбатлантирилди.



Саҳнада беллашган шеърхон раислар

«Маҳалла куни»нинг асосий тадбирлари Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Шеърятга ошно бўлган асло кам бўлмайди» шиори остидаги шеърхонлик танлови билан давом этди. Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши

ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида маҳалла фукаролар йиғинлари раислари ўртасида илк бор ўтказилаётган шеърхонлик танлови кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотаётир. Шу боис саҳнага ҳудудий босқичларда ғолиб чиққан 12 нафар маҳалла раислари таклиф этилганида барча олқишлар билан кутиб олди. Иштирокчилар «Ўзбек мумтоз адабиёти билимдони» деб номланган дастлабки шартда Яссавий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Бердак, Фуркат, Нодирабегим, Увайсий каби мумтоз адабиётимиз намояндаларининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги саволларга жавоб кайтардилар. «Ижодим сенга, маҳаллам!» деб номланган кейинги шартда эса йиғин раислари томонидан ифодали ўқилган шеър ва ижро этилган кўшиқлар, бадиий саҳна кўринишларида аҳолини адабиётга жалб этиш орқали ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигини таъминлашга қодир етакчилар фаолияти намоён бўлди. Ҳар бир иштирокчининг маҳорати муносиб баҳолаб борилди ва яқунда энг юқори балл тўплаган Наманган шаҳридаги «Бўстон» маҳалла фукаролар йиғини раиси Олимжон Ҳасанов ғолиб деб топилди.

— Шаҳсий кутубхонадаги адабиётлар сони 2 мингдан ортди, — дейди О.Ҳасанов. — Бўш вақт топдим, дегунча қўлимга китоб оламан. Адабиётга қизиқишим боис ҳудудда ҳурмат-эътибор қозондим. Энг асосийси, шунинг ортидан маҳалладошлар билан ишлашда қийинчилик кўрмадим. Айниқса, жанжалли ва чигал вазиятларда бу қўл келмокда.

Танловда дамланган ош хатна тўйи дастурхонига тортилди

Шеърхонлик танловидан сўнг «Ёшлар маркази»да «Алла» танлови давом этган бўлса, «Нуроний» чойхонасида «Маҳалла куни» тадбирлари дастуридан ўрин олган «Ош танлови» ўтказилди. 12 қозонда дамланган палов 12 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйи муносабати билан ёзилган дастурхонга тортиқ этилди. Шу кунни ҳар бир шаҳар-тумандан бир нафардан эҳтиёжманд оиланинг фарзандига суннат тўйи ўтказилиб, Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича виллоят кенгаши томонидан уларнинг ҳар бирига бир миллион сўмдан маблағ ҳамда велосипедлар совға қилинди.

Хуллас, виллоят миқёсида ташкил этилган «Маҳалла куни» ана шундай эзгу ва хайрли тадбирлар билан «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» ҳоясига ҳамоҳанг ўтди ва иштирокчиларга бир олам маънавий озуқа берди.

«ОБОД МАРКАЗ»



Наманганда яна бир «Обод марказ» тақдим этилди

Наманган вилояти Норин туманида «Обод марказ» дастури асосида бошланган бунёдкорликлар ниҳоясига етди

Туман маркази Ҳаққулбод шаҳарчасида 2 та маданият ва истироҳат боғи, 7 та йўл, 10 та кўп қаватли тураржой биноси, 12 та савдо ва маиший хизмат шоҳобчаси, 2 та саноат қорхонаси, 7 та ижтимоий муассаса ва бошқа 16 та объектда реконструкция, қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

— Энг асосийси, дастур шарофати билан марказда жойлашган тўртта маҳалла фукаролар йиғинида инфратузилмавий муаммоларига барҳам берилди, — дейди Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фао-



лиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Муҳаммадийўлдош Тўраев. — Хусусан, узок йиллардан бери абгор ҳолда ётган йўллар қайта бунёд этилди. Ҳаққулбоднинг энг эътиборли жойида 2 миллиард сўм маблағ сарфланиб барпо этилган Хотира хийбонида она Ватан ҳимояси учун азиз жонини фидо қилган юртдошларимиз руҳига абадий эҳтиром сифатида Мотамсаро она ёлгорлиги ўрнатилди. Қолаверса, туман Бандликка қўмаклашиш маркази, Давлат хизматлари агентлиги, мактабгача таълим муассасаси, амфитеатр ва Ҳаққул ота макбараси ҳамда тадбиркорлар томонидан кўплаб савдо, маиший хизмат ҳамда ишлаб чиқариш объектлари қурилиб, ишга туширилди.

«Обод марказ» Дастури асосида барпо этилган объектларни фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали маросим янги қурилган амфитеатр ва марказий ўйингоҳда бўлди. Туман маданият уйи санъаткорлари, Наманган санъат коллежи талабалари ҳамда пойтахтдан таклиф этилган таниқли эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури барчага янада кўтаринкилик бағишлади.

Саҳифани «Mahalla» мухбири Илҳомжон РАХМАТОВ тайёрлади.

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси таҳлил қилинди.



Одамлар тушунади, сабр қилади,

фақат уларни алдамаслик керак...

АЙРИМ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАРНИНГ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИГА ЭЪТИБОРСИЗЛИГИ, ХАЛҚ ИЧИГА КИРИБ БОРИБ, МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДАН ҚОЧИШИ ОДАМЛАР НОРОЗИЛИГИГА САБАБ БЎЛМОҚДА



Расул КУШЕРБАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

Июль ойининг иккинчи ярмида Қашқадарё, Фарғона, Тошкент ва Хоразм вилоятларида юз берган воқеалар кўпчилигининг эътиборини тортди. Дастлаб Риштон туманидаги бузилишлар ва жазирама иссиқда бошпанасиз қолиб, мутасаддиларнинг бепарволигидан азият чекаётган фарғоналиклар ҳолати, сўнгра Яккабоғ туманидаги «Эски Яккабоғ» маҳалласида ўттизга яқин тadbirkорнинг бинолари ноқонуний бузиб ташлангани, Урганч шаҳридаги «Ашқобод» маҳалласи, Янгийўл шаҳридаги Самарқанд кўчасида аҳолининг турар жойлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиниб, тегишли компенсация маблағлари ўз вақтида тўланмагани туфайли келиб чиққан зиддиятли вазиятлар кун тартибига чиқди.

Хўш, юқоридаги ҳолатларнинг юзага келишига қайси омиллар сабаб бўлди? Нега жойлардаги «буз-буз»лар одамларнинг сабр косасини тўлдиряпти? Боз устига, ҳоким ўринбосарига ўт қўйиш, аҳолининг норозилик кайфияти ўз-ўзидан содир бўладиган вазият эмас-ку?

«Бузиш керакми, бузиш керак» қабилда иш тутиш ярамайди

Президентимизнинг «Халқ ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди» деган ҳаёт синовларидан ўтган гапи бор. Афсуски, айрим маҳаллий ҳокимликларнинг аҳоли мурожаатларига эътиборсизлиги, халқ ичига кириб бориб, муаммоларини ҳал қилишдан қочиши одамлар норозилигига сабаб бўлди. Аслида ҳар қандай вазият бўлмасин, халқимиз тушунади, сабр қилади, фақат уларни алдамаслик керак. Агар маҳаллий раҳбарлар бошидан шундай йўл тутганида, бундай нохуш ҳолатлар рўй бермасди.

Дарҳақиқат, кейинги пайтда халқимизнинг тилида «снос» деган сўз тез-тез айланмоқда, очигини айтганда, бу жумла кўнглимизда хавотир, ҳадик ҳам уйғотадиган бўлиб қолди. Чунки бутун жойларда амалга оширилаётган қурилиш-обodonлаштириш ишлари асносида айрим маҳаллий раҳбарларнинг ишни пухта режалаштирмай, халқ билан бемаслаҳат, одамларни рози қилмасдан туриб, «бузи-бузи»ларга зўр бериб юборгани кўпчилигининг ҳақиқий эътирозига, ўрни келганда, кескин норозилигига сабаб бўлмоқда. Шунинг оқибатида баъзи туманларда одамлар «қурилиш, обodonлаштириш» деб аталадиган ишлардан беизб қолаётгани ҳам, афсуски, ҳақиқат.

Жойларда бўлаётган қурилишларни таҳлил қилиб, айрим ҳокимларнинг ҳақиқатда одамларга фаровонлик яратиб беришга бўлган иштиёқи ус-тулиги, баъзиларида эса нима бўлишидан қатъи назар, берилган топшириқни бажариб, «юқори»га яхши кўринишга

бўлган уринишлар кўзга ташланади. Агар халқимиз ўйлаган ҳоким бўлса, қандай оғир топшириқ бўлмасин, албатта, халқ билан маслаҳатлашиб, ҳисоблашиб иш қилади. Аммо натижа учун ишлаётган ҳокимлар нима бўлиши, ким норози бўлишидан қатъи назар «бузиш керакми, бузиш керак» қабилда иш тутишмоқда.

Ер участкалари аслида қандай тартиб асосида олинади?

Хўш, аслида бу ишлар қандай қилиниши керак? Ер участкаларининг давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиниши амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда, тартибларда қандай белгиланган?

Айтиш керакки, шаҳар-созлик фаолияти, Давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида фуқаролар ва тadbirkорлик субъектларига тегишли иншоотлар жойлашган ер участкаларини олишда мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатлари, уларга етказилган зарарларнинг қопла-нишини таъминлаш масаласи қонунчилигимизда белгилаб қўйилган. Жумладан, ер участкаларини давлат эҳтиёжи учун олишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги марказлаштирилган жағмарма билан мажбурий тарзда келишиш лозим. Участкаларни манфаатдор шахслар билан очик муҳокама ўтказилиб, фойда ва харажатлар баҳоланганидан сўнггина олиш мумкин. Кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қоплангандан кейингина иморат ва иншоотларни бузишга рухсат бериллади.

Кўриниб турибдики, уй-жойи, кўчмас мулки бузилишига

тушган фуқаро ёки тadbirkорнинг барча ҳуқуқ ва манфаатлари аслида мамлакатимиз қонунчилиги билан қафолатланган. Бироқ, тан олиш керак, охириги пайтларда бу борада жойларда қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйилди.

Энди «снос» масаласида янги тизим жорий этилади

Жорий йилнинг 2 август куни Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида тadbirkорлар мулкларини компенсация тўла-масдан бузиш ва ер майдонларини олиб қўйишга мутлақо йўл қўймаслик бўйича Ишчи гуруҳ тузиш, улар жойларга чиққан ҳолда тadbirkорларга етказилган зарарини ҳатловдан ўтказиб, бу маблағларни бозор қиймати асосида тўлаб бериш зарурлиги таъкидланган эди. Йиғилишда айрим ҳокимларнинг бу борадаги ишига жиддий танқидий баҳо берилганди.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг 2019 йил II чорагида бажарилиши юза-сидан Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасига берган ҳис-сobotида қайд этилишича, ҳозиргача юридик шахсларнинг бузилишга тушган 3 минг 800 та объекти жами компенсация миқдорининг 70 фоиз маблағи тўланмаган. Бу қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Энди бундай бўлмайди.

P/S. Мақоламиз аввалида Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги зиддиятли вазиятларни тилга олгандик. Президент Шавкат Мирзиёев 2 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида мазкур учта вилоят ҳокимини қаттиқ танқид остига олиб, уларга халқдан кечирим сўрашини тайинлаганди. Қуни кеча Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рузиев, Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев ҳамда Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод Эрманов фуқаролар билан учрашиб, ўз хатолигини тан олиб, аҳолидан кечирим сўради.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 августдаги «Фуқаролар ва тadbirkорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи қафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тadbirkорлар тўғрисида»ги фармойиши-га биноан, 5 августдан бошлаб бу борадаги ишлар қатъий тартибда ташкил этилади. Асосий эътибор — мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш, етказилган зарарларни қоплашда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилади.

Янги тизим бўйича вилоят ҳокимлари томонидан бузилиш режалаштирилган ҳудуд бўйича материаллар Вазирлар Маҳкамасига киритилади. Вазирлар Маҳкамасида шаҳар-созлик талаблари ва молиявий ҳисоб-китоблар бўйича ҳулосалар тайёрланади. Ҳулоса Бош вазирга қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун киритилади. Фақат шундан сўнггина бузиш масаласи бўйича бир қарорга келинади.

Агар ҳоким зарар етказса, энди унинг ўзи тўлайди

Фармойишда жойлардаги раҳбарларнинг айна соҳадаги масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни эндиликда ҳокимлар ер участкаларининг олиб қўйили-шида қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этилиши учун шахсан жавобгар бўлади.

Шунингдек, ҳужжат бўйича тузилган ишчи гуруҳлар фуқаролар ва тadbirkорлик субъектларига етказилган зарарларни жойларга чиққан ҳолда ҳатловдан ўтказиб, уларнинг қонунчиликка мувофиқ бозор қиймати асосида ҳаққоний ва адолатли миқдорини белгилашни таъминлайди. Агар зарар мансabdор шахсларнинг қонуний қарори оқибатида етказилган бўлса — зарар мазкур мансabdор шахслардан регресс тартибда ундириб олинади. Бу қонданнинг ўрнатилиши келгусида ҳокимларни «снос» масаласида қарорларни етти ўлчаб эмас, етмиш марта ўлчаб қабул қилишга ундайди.

Эндиликда Давлат дастурлари, йирик инвестиция ва бошқа лойиҳалар ҳудуддаги кўпчилик аҳолининг фикри инобатга олинган ҳолда амалга оширилади. Ҳуллас, эндиликда эгасини рози қилмай, амалдаги қонуний талабларни бажармай туриб, аҳолининг уй-жойлари, тadbirkорлар бино-иншоотининг битта гиштига ҳам теги-лмайди. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган юқори-даги фармойишда бу принцип қатъий белгилаб қўйилди.

«Жаслик» колонияси ёпилишининг асл сабаби нимада?

ёхуд зулмга қўйилган ҳайкал қуладими?



ДАРВОҚЕ...

Юртимизда маҳбусларни афв этиш институти жорий қилинган. 2017 йилда бир марта, 2018 йилда 3 марта ва 2019 йилда 1 марта афв эълон қилиниб, 4 мингдан ошқ маҳбус уйига қайтарилди. 2018 йилда иккита жазони ўташ муассасаси ёпилиди. Ўзбекистонда 100 минг аҳолига нисбатан 150 маҳбус тўғри келгани учун халқаро рейтингда 105-ўринни эгаллаган эдик. Ҳозирда 100 минг аҳолига 94 маҳбус тўғри келмоқда.

Султонов. — Аммо бу нотўғри қараш. «Жаслик» барча ихтисослашган жазони ижро этиш муассасалари каби колония. Унда шу турдаги муассасаларга мос кун тартиби жорий қилинган. Бу маҳбуслар азобларга дучор қилинади, дегани эмас. Овқатланиш, дам олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш ва бошқа зарур шароитлар яратилган. 2017 йилда БМТнинг дин ва эътикод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Ахмад Шаҳид Ўзбекистонга сафари давомида «Жаслик» қамқонхонасини ҳам бориб кўрганди. У барча жойни кўздан кечириб, маҳкумлар учун етарли шароит яратилганига гувоҳ бўлган. Унинг ташифи давомида ОАВдаги «Жаслик»да маҳкумларга тазйик ўтказиш учун ҳар хил ертўлалар ёки турли қийноқларга солинадиган алоҳида хоналар борлиги бўйича хабарлар тасдиқланмаган. Бундан ташқари, мазкур колонияда диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахслар сақланиши тўғрисидаги таъкидлар ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Мисол учун, охири пайтда «Жаслик»да 395 нафар маҳкум сақланган бўлса, уларнинг 10 фоизга яқинигина юқоридаги модда бўйича жазо ўтаган.

«Жаслик» — зулм маскани эдими?

Мутасаддиларнинг бу каби қўлаб таъкидларига қарамай, колония атрофидаги махфийлик пардаси у мавжуд бўлган йигирма йил мобайнида заррача ҳам ойдинлашмади. «Жаслик» ёмон-отликка чиқиб бўлди. Оммавий ахборот воситалари томонидан «зулм маскани» сифатида талқин қилинди. Муассасанинг ёпилиши халқимиз, халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари орасида ана шу миш-мишларга барҳам берди. Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари кўчиш бўйича ишларни бир ой мобайнида якунига етказиш, маҳбуслар



ўз доимий яшаш жойларидаги жазони ижро этиш муассасаларига тақсимланишини таъкидламоқда. Бундан ташқари,

муассаса ходимлари ҳам тизимдаги бошқа ишларга ўтказилиб, иш билан тўлиқ таъминланади. Кўчиш ишлари якунига етказилгач, журналистлар учун колониянинг бўшаб қолган биносига медиа-тур ўтказилиши ҳам мумкин. Аммо бинонинг кейинги тақдири нима бўлиши, ундан қандай мақсад-

— «Жаслик» колониясини ёпиш юртимиз имижига учун ўта муҳим қарор бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўринбосари Баҳромбек Адилов. — Авваламбор, жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар оила аъзоларининг мушқули осонлашади. Колония 1999 йилда қурилган. У юртимиздаги энг замонавий қамқонхоналардан бири бўлган. БМТнинг қийноқларга қарши кураш қўмитаси колониянинг ёпилишини тарихий воқеа, деб эътироф этди.

Мазкур мақолани тайёрлаш жараёнида Ички ишлар вазирлиги мутасаддилари «махфийлик» ва «ёпиқ маълумот» сингари «қутқарув ёстиқларига» таяниб, «20 йил мобайнида «Жаслик»да қанча маҳбус вафот этди?» ёки «Колония фаолияти учун бир йилда қанча маблағ сарфланади?» сингари қўлаб саволларга жавоб бермади. Бизнингча эса, махфийлик миш-мишларнинг янада авж олишигагина сабаб бўлиши мумкин. Ёпиқ маълумот очилмас экан, Қорақалпоғистон Республикасидаги 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колонияси халқимиз онгида зулмга қўйилган ҳайкал сифатида сақланиб қолаверди.



да фойдаланилиши бўйича ҳозирча аниқ қарорга келингани йўқ. Маълуми — бу ерда қайта қамқонхона ташкил этилмайди.

Улугбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Махфийлик миш-мишларнинг онасидир

Дарҳақиқат, одамлар орасида «Жаслик»да маҳкумларнинг чидаб бўлмас шароитларда сақланиши, камера ва дахлизларнинг шифти пастлигидан ҳибадагилар доимо тиз чўкиб юриши, боз устига полдан мунтазам зах ва шўр сув оқиб туриши, маҳбуслар қал-тақланиши ва бошқа азобларга дучор қилиниши тўғрисида миш-мишлар таркаган, бу гапларга халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ҳам муносабат билдираётган эди. Жумладан, шу йил апрель ойида Америка Қўшма Штатлари вакиллари дунёдаги диний эркинлик тўғрисида ҳисобот тақдим этиб, Ўзбекистонга «Жаслик» қамқонхонасини ёпиш тавсия этди. Ўзбекистон мутасаддиларининг таъкидлашча, аслида бу иддаолар остида етарли асос мавжуд бўлмаган. Миш-мишларнинг авж олишига колония билан боғлиқ маълумотларнинг сир тутилиши сабаб ҳисобланади.

— Афсуски, чет эл оммавий ахборот воситалари, ҳар орқали маҳаллий аҳолимизда ҳам «Жаслик» қамқонхонаси маҳкумга тазйик ўтказиладиган жой сифатида рамзий маъно касб эта бошлади, — дейди ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси Тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Жамшид

МЕНДА САВОЛ БОР...

Маҳкум билан учрашиш тартиби қандай?

— Яқинда турмуш ўртоғим жиноят содир этгани учун қамалди. У билан учрашиш имконим борми?

Н. САТТОРОВА,
Фарғона вилояти.

Қутбиддин БУРХОНОВ, Ички ишлар вазирлиги жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси бошлиғи:

— Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги овозидан маҳкум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига, асосан, маҳкумларга қисқа муддатли ва узок муддатли учрашув ҳуқуқи берилди. Учрашувлар туркум бошликлари томонидан ҳар ойда тузиладиган ва ЖИЭМ бошлиғининг тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади. Рағбатлантириш тарикасида берилган

қўшимча учрашувлар эса маҳкумнинг розилиги билан навбатдаги ойда бериладиган учрашувлар жадвалига қўшиб қўйилиши мумкин.

Бунда учрашувга келган шахслар томонидан ариза ва уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (маҳкумнинг узок муддатли учрашувга келган яқин қариндошлари учун уларнинг яқин қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим этилиши керак. Учрашувга келган шахслар ЖИЭМ бошлиғи ёки унинг тартибот ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан қабул қилиниб, учрашув ўтказишнинг тартиб-қоидалари билан таништирилади ва мазкур қоидаларни бузганлик учун учрашув тўхтатиб қўйилиши ҳақида огоҳлантирилади. Маҳкумга бир вақтнинг ўзидикикитадан ортиқ бўлган вояга етган шахслар билан учрашувга рухсат этилмайди. Учрашувга келган шахсларнинг пул ҳамда ЖИЭМга олиб кириш тақиқланган нарса ва буюмлари сақлаш учун тилхат асосида назоратчига топширилади.

Мажбурий меҳнат муаммоси: ҳашар билан унинг фарқи нимада?



**ХАЛИ-ХАНУЗ ҲИТУВЧИЛАРДАН
МАРДИКОР ЯРАТМОҚЧИ БЎЛАЁТГАН
МУТАСАДДИЛАР БОРЛИГИ АЧЧИК
ҲАҚИКАТ. АЧИНАРЛИСИ, УЛАР ЎЗ
АЙБИНИ ИХТИЁРИЙ ҲАШАР НИКОБИ
БИЛАН ЯШИРИШГА УРИНАДИ**

Халқимиз доимо инсонларни меҳнат қилишга ундаган. Ишқмас, дангасаларни эса танқид қилиб, умр бўйи ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратганларни уларга ибрат қилиб кўрсатган. Шу билан бирга, мажбурий меҳнат ҳамма замонларда ҳам қораланган. Негаки, «мажбурий» сўзининг ўзиёқ кишида норозилик кайфиятини уйғотади. Афсуски, инсон ҳуқуқлари тўла таъминланган, уни таҳқирлашга умуман йўл қўйилмайдиган даврда ҳам мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатлари кузатишмоқда.

ҲИТУВЧИ ХИЗМАТКОР ЭМАС!

Жорий йилнинг июнь ойи охирида Наманган вилояти Қосонсой туманидаги Намуна кишлоғи яқинидаги анҳор бўйида мактаб ҳитувчилари қурилиш ишларига мажбуран, ҳар хил дўк-пўписалар билан олиб чиқилган. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги вазиятни ўрганиб, унга ҳолис баҳо берди. Маълум бўлишича, мажбуран туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари М.Исомиддинов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

51-моддасига асосан, маъмурий жавобгарликка тортилган.

Афсуски, бу ягона ҳолат эмас. Биз ҳитувчи ва шифокорларнинг оммавий равишда мажбурий меҳнатга жалб этилишига қайсибир маънода қўникиш ҳам қолганмиш. Энг ёмони, буни нормал ҳолат деб қабул қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Тан олиш керак, яқин-яқингача ҳитувчилар дараддан бўш вақтида фермерлар дала-сидаги юмушларни беминнат бажариб беради. Кескин танқидлардан сўнг бундай ҳолатларга қарши жиддий кураш бошланди. Лекин ҳамоно ўша даврни кўмсаб, ҳитувчилардан мардикор яратмоқчи бўлаётган мутасаддилар борлиги аччиқ ҳақиқат. Ачинарлиси, улар ўз айбини ихтиёрий ҳашар никоби билан яширишга уринади.

Ҳашар нимаю мажбурий меҳнат нима?

Ҳашар — халқимизнинг асрлар оша бизгача етиб келган қадрият. Маҳалла аҳли ҳашарга қатнашмайдиган, эл хизматидан ўзини олиб қочаётганларни доимо танқид қилган. Оқсоқоллар бун-

БИЛАСИЗМИ?

«Иш вақтида соғлиғим ёмонлашса...»

Қонунларимизга кўра, ҳодим иш жараёнида ўзининг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келгани тўғрисида иш берувчига дарҳол хабар қилиши керак. Меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига риоя этилишини текшириб бориш ва назорат қилиш билан шуғулланувчи органлар бу ҳолатни ростдан ҳам инсон соғлиғига таҳдид солувчи вазият, деб баҳолаша, иш берувчи буни бартараф этиш чораларини кўради. Агар зарур чоралар кўрилмаса, ҳодим ўзининг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи ҳолатлар бартараф этилгунга қадар тегишли ишни бажаришни рад этишга ҳақли. Ана шу давр мобайнида ҳодимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

дай кишиларни ўзи яшайдиган кўчани, қабристон ҳудудини тозалаш ишларида фаол бўлишга қажирган.

Агар бугун ҳам шундай ҳолат — оқсоқол маҳалла аҳлини кўча-кўйини тозалашга ёки қасрдадир йиғилиб қолган чиқиндини йўқотишга қажирса ва айрим ишқмас, бокибега қимсалар бунинг мажбурий меҳнат эканини айтиб, шикоят қилса нима бўлади? Умуман, мажбурий меҳнат билан ҳашарнинг маълум чегараси борми?

Айни ҳолатни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Шерзод Қудбиев шундай изоҳлайди: «Ҳашар халқимизнинг қадимий урф-одадларидан ҳисобланади. Қўни-қўшини, қариндошлар ёки бир маҳалла аҳлининг уй қуриш, боғ барпо этиш ёки кўча-кўйини тартибга солиш учун бирлашиб амалиёти халқимиз маданиятининг бир қисми саналади. Лекин, масалан, эрта тонгдан шифохона ёки мактаб ҳодимларини уларнинг розилигини сўрамасдан автобусга солиб, автойўллар бўйидаги ҳудудларни сутуришга олиб кетиш — бу ҳашар эмас, балки мажбурий меҳнатдир. Ундан ҳам ёмони, бу каби «ҳашарлар»да қатнашадиган бош тортгани учун ҳодимларга нисбатан ишдан бўшатилиш даражасигача интизомий чоралар қўрилишидир. Ҳашар ва мажбурий меҳнат ўртасидаги фарқни аниқ тушуниб олиш керак. Ҳашар — ўзаро ихтиёрий қўмаклашиш ва байрам. Мажбурий меҳнат — бирор эҳсо қўллаш таҳдиди остида иш бажарилишидир».

Мажбурий меҳнат ҳамон давом этапти... ми?

Дарвоқе, шу кунларда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда Сурхондарё ва Андижон вилоятларида айрим ташкилот раҳбарлари ва ҳодимлари мажбурий меҳнатга сафарбар этилгани ҳақида хабарлар тарқалди. Бундан бироз олдин Бухородаги «Ҳазрати Имом» қабристонини

ободонлаштириш ишларига бюджет ташкилотлари ҳодимлари ва ҳарбий хизматчилар мажбурий равишда жалб этилаётгани тўғрисида ҳам маълумотлар берилганди.

Сўнгги ҳолат бўйича Бухоро вилояти ҳокимлиги муносабат билдирди. Унда: «Ота-боболари ётган муқаддас қадимий обод қилишга ҳисса қўилиш қадимий урф-одад эмасми?! Айтинг-айтинг, бу иш миллий маданиятимизга қачондан ёт тушунчага айланди?! Ёки бугун ижтимоий тармоқларда бонг ураётганларнинг қайси бири «Ҳазрати Имом» қабристонига эрта азонда мактаб, боғча, шифохона ва бошқа соҳа ҳодимларининг, вазир айтмоқчи, рози-розилиги олинмасдан автобусга солиб, меҳнатга мажбурланганини кўрибди? Қани олали, қани исбот? Ёзилганларнинг, айтилганларнинг бари олди-қочди гаплар, ўз-ўзига «қаҳрамон» ясаб олишдан бошқа нарсаси эмас», дейилади. Андижондаги вазият бўйича ҳам вилоят ҳокимлиги муносабат билдирди, ижтимоий тармоқларда тарқатилган ҳужжат матни сохта эканини таъкидлади.

Кўринадики, ҳашар, унга фуқароларни жалб этиш борасидаги муносабатларга аниқлик киритиш зарур. Бу чегарани қонун билан аниқ белгилаб олиш керак. Бунинг учун кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, шунга қараб қонун-қоида ишлаб чиқиш фурсати етди, чамамда.

Арзимас жарима жазо бўлмади!

Мажбурий меҳнатга қарши курашиш учун қонуний асос яратилган. Қонунчилигимизга кўра, мажбурий меҳнатга жалб этган шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўрилади. Мисол учун, юқорида келтирилган ҳодиса — Қосонсой тумани ҳокими ўринбосари М.Исомиддинов ҳитувчиларни мажбурий меҳнатга жалб этгани учун 669 минг сўм (!) жарима тўлаган. Шунингдек, у тушунтириш хати ёзиб, келгусида ҳодимларни мажбурий меҳнатга жалб қилмасликка ваъда берган.

Эътибор қилинг, мактаб ҳитувчилари оммавий равишда мажбурий меҳнат қилапти. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқини паймол қилган шахс эса арзимас жарима билан қўтилиб қолмоқда. Бу инсонийлик жиҳатдан ҳам, қонун устуворлиги томонидан ҳам ўзини оқлайдиган ҳолат эмас, назаримда. Шу кунларда масъуллар томонидан бу масала ижобий ҳал этилиб, қонунларга мажбурий меҳнатга жалб этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ ўзгариш киритилиши ҳақида фикрлар билдирилди. Бу амалиётга жорий этилса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатлар қамайиши тайин.

Мажбурий меҳнатга тўла барҳам бериш учун давлатимиз томонидан янгиланишлар олиб бориляпти. Ана шу ўзгаришлар жараёнида ҳар биримиз бирдек иштирок этиб, мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатларга бепарво бўлмасак, бу янгиланишлар биз истайдиган-да яхшироқ натижа беради.

ЛУҚМА

Нега кўп вақт ишлаб, кам иш бажарамиз?

Яқинда хорижга бориб келган танишим Германияда одамлар саккиз соатдан кўп ишламаслиги, улар ўзи истаса-да, иш ҳажми кунлик нормадан ортиб кетмаслиги лозимлиги ҳақида айтиб қолди. Бунга амалдаги қонунчилик йўл қўймак экан. Агар сиз иш вақтидан кейин қолиб ёки ундан аввал келиб ишласангиз, сарфланган энергия учун қўйилгангиздан ҳақ тўлар экансиз.

Қолаверса, бундан хабар топанг сугурга компанияси соғлигингизга зарар етказадиган ҳаракатингиз учун жарима ундиради экан. Шу тариқа немислар ишни ўз вақтида бажаришга уринар, ақс ҳолда моддий йўқотишга дуч келар экан. Биз эса баъзида ишга улгура олмастганимиз, шу сабаб ярим кечгача қолиб ишлайётганимиз шунга яраша ҳақ олмаётганимиздан ноллиймиз. Тан олиш керак, аксарият ҳолларда ишимизни ўз вақтида бажаришга улгура олмаймиз. Бунга эса қўшимча топшириқларнинг кўпчилиги билан бирга, вақтни тўғри тақсимлашни билмаслигимиз ҳам панд беради. Иш вақтини тўғри тақсимлаш эҳ ҳақ олади.

Ҳар бир кишининг ишда фаол бўладиган ва сўзлашадиган вақти бўлади. Сиз масъулиятли вазифаларни қайси пайтда фаол ишлашингизга қараб режалаштиринг. Имкони бўлса, ўзингизга ёқмайдиган ишни энг аввал ва тез бажаришга ҳаракат қилинг. Бунинг учун ҳар кун эрталаб кун давомида эришмоқчи бўлган бирор нима мақсадни белгиланг. Кун давомида бажариладиган ишларни ҳам йўналишига қараб ажратиб олинг. Мухими, вазифага киришингиздан аввал ўзингизга бу ишни бажариш учун вақт чегарасини белгиланг. Бу куч ва вақтингизни жамлаб, шу ишга йўналтиришда ердан беради.

Саҳифани «Mahalla» мухбири Боборовшан ҲОЗИДИНОВ тайёрлади.

Самарқандда биринчи ҳарбий газета чоп этилди.

МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУГУРТА:

аҳоли маблағлари ҳисобига шакллантириладими?

ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН МАЖБУРИЙ ТИББИЙ
СУГУРТА ТИЗИМИДА АҲОЛИДАН УМУМАН ПУЛ
ЙИГИЛМАЙДИ, БАЛКИ БАРЧА ХАРАЖАТЛАР
ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ЖАМҒАРМА ҲИСОБИДАН
АМАЛГА ОШИРИЛАДИ




Соғлиқ — инсон учун энг катта бойликдир. Шу боис барча мамлакатларда тиббиёт соҳасига катта эътибор қаратилади. Юртимизда ҳам бу йўналишда салмоқли ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳам соҳа ривожига муҳим қадам бўлди.

Ушбу фармон билан 2021 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда мажбурий тиббий сугурталашни босқичма-босқич жорий этиш белгиланди. Шу мақсадда ишлаб чиқилган «Мажбурий тиббий сугурта тўғрисида»ги қонун лойиҳаси яқинда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамалари порталига жойлаштирилди ва кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Хусусан, «Мажбурий тиббий сугурта ўзи нима?», «У қандай мақсадда жорий этилмоқда?», «Унинг аҳоли ва давлатга қандай фойдаси бор?» деган саволлар кўпчиликни кизиқтирди.

Мажбурий тиббий сугурта нима дегани?

Мажбурий тиббий сугурта — дунё мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, аҳолини соғлиқни сақлаш харажатларидан сугурталайди. Яъни давлат томонидан аҳолининг мавжуд бепул тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланишини кафолатловчи тизимдир. У дастлаб Германияда пайдо бўлган. Аввалига бу хизмат фақатгина ишловчилар учун жорий этилган, улардан ишсизлар фойдалана олишмаган. Ҳозир эса ундан барча фуқаролар бирдек фойдаланиши



мумкин.

Ушбу тизим аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифатини ошириш, тиббиётнинг хусусий ва давлат секторлари орасидаги соғлом рақобатни шакллантиришда қўл келади. Шунингдек, тиббий хизматлар учун норасмий тўловлар даражасини камайтириш, давлатнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатларини оптималлаштириш ва тўғри йўналтириш имконини беради.

Мажбурий равишда пул йиғилмайди

Мажбурий сугурта деганда, аксарият одамларнинг кўз олдида пулни йиғиб олиб, сугурта ҳодисаси содир бўлганда миқдори маблағларни тўлаб бериш ўрнига, ҳужжатбозлик билан уни сарсон қилувчи, иложи борича пул тўламаслик пайида бўладиган хатти-ҳаракатлар манзараси гавдаланади. Аммо мажбурий тиббий сугурта полисига эга бўлишда аҳолидан ҳеч қандай тўлов талаб этилмайди.

Таклиф этилаётган мажбурий тиббий сугурта тизимида аҳолидан умуман пул йиғилмайди, балки барча харажатлар ташкил этилаётган жамғарма ҳисобидан амалга оширилади. Жамғарманинг даромадлари манбаси сифатида давлат

бюджети ҳамда аҳолининг соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулот (алкоголь, тамаки ва шу каби бошқа товарлар) ишлаб чиқарувчиларга қўшимча равишда тўловлар жорий қилиш таклифи илгари сурилмоқда. Тўловни тўлаш клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун тўлаш тизимида амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Сугурталанган шахсларга аккредитациядан ўтган, у давлат ёки хусусий тиббиёт муассасаси бўлишидан қатъи назар, ўзи хоҳлаган муассасага мурожаат қилиш имконияти яратилиши назарда тутилмоқда.

Сугурталаш уч босқичда жорий этилади

«Мажбурий тиббий сугурта тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилиниб, унда айрим камчиликлар ҳам мавжуд эканлиги тилга олинди. Жумладан, лойиҳада кўплаб масалаларга аниқлик киритилмаган. Масалан, тиббий сугурта доирасида кафолатланган тиббий ёрдам ҳажми, фуқароларнинг бепул тиббий хизмат кўрсатиладиган тоифаларига нисбатан тиббий сугурта шартлари қандай қўлланилиши, мажбурий тиббий сугуртага жалб этилмаган аҳолига қандай тиббий ёрдам кўрсатилиши, шойлинич ва тез тиббий ёрдам хизматлари қай даражада камраб олиниши каби масалалар етарлича очиқ берилмаган.

Мазкур ҳолатлар қонун лойиҳасини қабул қилгандан сўнг бир нечта қонун-оҳисти ҳужжатларини ҳам ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради. Таъриба 2021 йилда Сирдарё вилоятида ўтказилди, 2023 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида, 2025 йилдан эса бутун мамлакат бўйлаб жорий этилади.

Янги лойиҳа юртимиз тиббиёт соҳасини бир қарра юксалтириши шубҳасиз. Бундай лойиҳаларнинг барчаси аҳолига кенг қулайликлар яратиш, сифатли хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш ҳамда фуқароларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Унинг қанчалик самарали лойиҳа эканига эса оз фурсатларда аҳолининг ўзи баҳо беради.

Комилжон ЭРНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

ДАРВОҚЕ...

Инсон саломатлигининг баҳоси қанча?

Америка Қўшма Штатлари бир инсон саломатлиги учун энг кўп пул сарфлайдиган (бунда давлат томонидан ва аҳолининг шахсий харажатлари ҳам инобатга олинмоқда) мамлакатдир. Бироқ шундай бўлса-да, АҚШ кўпгина кўрсаткичлар бўйича ортда қолмоқда.

Хусусан, ўртача ёш кўрсаткичи ва тиббий сугурта бадалларини қоплашда илгор эмас. Келинг, саломатлик учун энг кўп маблағ сарфлайдиган мамлакатларни санаб ўтамиз. Ҳўи, инсон саломатлигининг нархи қанча?



➤ **АҚШ**да аҳоли жон бошига соғлиқ учун 9,5 минг доллар тўғри келади. АҚШ ўз фуқароларига универсал ва кенг қамровли тиббий сугурта тизимини кафолатламайдиган ягона ривожланган мамлакатдир. У ерда мавжуд тиббий сугурта шакллари ҳам президент Дональд Трамп йўқ қилишга қарор қилган. Ҳатто бу унинг сайловолди кампаниясида ҳам ўз аксини топган эди.

➤ **Швейцария**да аҳоли жон бошига соғлиқ учун қарийб 7 минг доллар тўғри келади. Ушбу мамлакатнинг тиббий хизмати, асосан, мажбурий тиббий сугуртага асосланган. Бу ерда тиббий сугурта хизмати хусусий секторга қарашли, аммо аҳоли учун жуда қўлай. Мамлакатда бу хизматни 130 та компания олиб боради. Сугурталанган одамлар сони бўйича Швейцария жаҳонда биринчи ўринда туради.

➤ **Германия**да аҳоли жон бошига соғлиқ учун 5,2 минг доллар тўғри келади. Мамлакат аҳолисининг кўп қисми давлат тиббий сугурта компаниялари томонидан сугурталанган. У ерда сугурталашнинг давлат тиббий сугуртаси пенсия сугуртаси, бахтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш, ишсизликдан сугурта қилиш ва соғлиқни сақлаш сугуртаси каби турлари мавжуд.

➤ **Япония**да аҳоли жон бошига соғлиқ учун 4,2 минг доллар тўғри келади. Мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизматлар беморга бепул, давлат томонидан ва маҳаллий ҳокимият томонидан антенатал парваршиш ва юқумли касалликларни назорат қилиш тизими бўйича тўлаб берилади. Японияда қатъий сугурталаш тизими яратилган.

Сирдарё вилояти — улкан ўзгаришлар, юксалишлар оғушида

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ТОМОНИДАН УШБУ ВИЛОЯТДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МЕДИА-ТУР ЁРҚИН ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

8 та туман дотацияда эди, бугун эса...

Ўтган асрда «одам юрса оёғи, куш учса каноти куяди» дея таърифланган, бийдай чўлдан иборат бўлган Сирдарё вилоятини ота-боболаримиз яхши ниятларда ўзлаштирган бўлсалар-да, етарлича эътибор ва маблағ ажратилмаганидан бу жой республикадаги энг қоллоқ ҳудудлигича қолиб кетди. Асосан, аграр соҳага йўналтирилгани боис вилоятда саноат соҳаси ривожланмади, иш ўринлари яратилмади. Ҳатто бутун вилоятда кўзга кўринарли мухташам бинолар йўқлиги, чанг ва туپроқли кўчалар, пасткам уй-жойлар, коммунал хизматларга ёлчимаган ва абзор кўринишга келган кўп қаватли уйлар боис Сирдарё томонларга боришга ҳеч қимда ҳафсала бўлмади. Яқин ўтган йилларда эса Гулистон том маънода гўзаллашмоқда. Вилоятнинг ички имкониятлари, иқтисодий салоҳияти ортиб, кўплаб хорижий сармоядорлар ҳудудга фаол инвестициялар жалб қилишмоқда. Ўзгараётган Сирдарё бугун кўпчиликнинг эътиборини тортиб олгудир.

— Илгари вилоятимиз чўлга киёсланарди, бугун эса, аксинча, обод масканга айланмоқда, — дейди Сирдарё вилояти ҳокими Ғафуржон МИРЗАЕВ журналистлар билан учрашувда. — «Обод кишлоқ», «Обод маҳалла», «Обод марказ» дастурлари бунда муҳим ўрин тутаетир. Яна икки йилдан кейин ҳудудимиз бутунлай ўзгача чирой оқади. Биз инвестиция киритиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича жиддий ишляймиз. Бундан, 2-3 йил илгари 8 та туман дотацияда эди. Бугун ишни тўғри ташкил қилганимиз учун вазият тубдан ўзгарди, яъни биргина ўтган йили давлат бюджетига 3 млрд. сўмга яқин маблағ туширдик. Бу йил ЯИМни 1,5 трлн.га етказишни кўзлаб турибмиз. Қолаверса, йил



яқунига қадар 178 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритмоқчимиз. Бу борадаги режа дастлабки олти ойда қарийб 60 фоизга бажарилди. Айни ҳаракатлар вилоятнинг 850 мингдан ортиқ аҳолиси фаровонлиги учун муҳимдир.

Дарҳақиқат, делегация аъзолари вилоятдаги ана шундай ислохот одимлари, ўзгариш ва эврилишлар, асосан, Президентимизнинг 5 та ташаббуси ижросининг Сирдарё намунаси, илғор тажрибаларини ўз кўзлари билан кўришга муваффақ бўлдилар.

Бежирим шиша идишлар хомашёси қаердан келтирилмоқда?

Журналистлар медиа-тур доирасида дастлаб Сирдарё туманидаги «Сирдарё Универсал Ойна» МЧЖ корхонаси фаолияти билан яқиндан танишишди. Корхонада фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун шиша идишлар ишлаб чиқарилади. Гуриллаб ёниб турган олов тафтида турфа хил шаклда шиша идиш тайёрлаш техникасини ўзлаштирган ёшлар меҳнат қилаётир. Ушбу корхона қисқа муддатда вилоятдаги йирик экспортёрлардан бирига айланди. Бежирим идишлар ишлаб чиқаришда юз фоиз маҳаллий хомашёдан фойдаланилаётгани манфаатдорлигини кучайтираётир: йиллик ҳажми 102 млн. сўмга тенг. Экспорт шартномаси

эса 200,0 минг АҚШ долларини ташкил этади.

«Peng Sheng» — икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаётир

Сирдарё туманида жойлашган 60 дан зиёд маҳсулот турлари ишлаб чиқариладиган «Peng Sheng» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси вилоятда ишлаб чиқариш ҳажми катталиги билан алоҳида ўринга эга. Корхона ҳудудида сўлим боғ, ўзбек ва хитой болалари ахил-иноқликда тарбияланаётган мактабгача таълим муассасаси бор. Ушбу масканда таълим-тарбия жараёнлари ўзбек, рус, инглиз ва хитой тилларида олиб борилади. Кафел ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех, иссиқхоналар ташкил этилган. Пештоқига «Peng Sheng» кўргазма савдо уйи» деб ёзилган бинода қўшма корхонада ишлаб чиқариладиган даярли барча маҳсулот турларидан намуналар намойиш этилган. Савдо маркази, банк шохбаси каби қатор хизмат кўрсатиш нукталаридан иборат ушбу кенг ва баҳова манзил кичик шаҳарчага менгзайди.

«Ақлли эшиклар» учун қалит шартмас

Нахотки?! Ҳа, худди шундай. Бу ҳақда журналистлар медиа-тур давомида билиб олишди. «Peng-sheng» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида янги инновация — эшик қулфларининг янги модели яратилди. Айни пайтда бу ерда қулфнинг бир нечта турлари ишлаб чиқилган. Қизғин шундаки, ушбу технология сенсорли, у уй эгаси ва унинг аъзоларини қўл бармоғи изларидан «танийди» ва шундан сўнггина очилади. Бегоналар учун эса эшик мутлақо ёпиқ. Мутахассисларнинг айтишича, янги қулфлар дастлабки эксперимент тарзида ишлаб чиқарилади. Бўнинг учун хона-

донда яшовчиларнинг бармоқ излари «эшик хотираси»га киритилади. Бундан ташқари, медиа-тур давомида журналистлар тери маҳсулотлари, гидропоника ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари фаолияти билан танишдилар.

Пойтахтдаги мажмуадан қолишмас экан...

Делегация аъзолари йўл-йўлакай Сирдарё туманидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб, Сайхунбод тумани Сайхун шаҳарчасидаги «Sayxun planet» савдо марказига ташриф буюришди. Улар бу ердаги аҳоли учун яратилган имкониятлар билан танишдилар.

«Sayxun planet» савдо марказида яратилган шарт-шароитлар пойтахтимиздаги кўнгилочар мажмуалардан асло қолишмайди. ОАВ вакиллари бир овоздан шундай хулосага келишди. Салқин ва шинам бино, замонавий аттракционлар болаларга завқ бағишляпти. 28 та янги ишчи ўрнига эга мажмуа дам олиш кунларисиз эл хизматига.

«Ховос сити»га бориб кўрганмисиз?

«Xovos city» — Ховос туманидаги 42 гектарли ерда бунёд бўлмоқда. Ушбу лойиҳада, асосан, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Давлат хизматлари агентлиги, тижорат банклари, тураржойлар, мактаблар, истироҳат боғи, Хотира майдони, кутубхона, китоб дўкони, кинотеатр, дехкон бозори, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, вилоятда ташкил этиладиган 32 та тикувчилик ва тўқимачилик корхоналарининг иккитаси айнан шу ҳудудда қад ростлайди. Айни кунларда янги марказда 30 та кўп қаватли уй қурилмоқда. Шундан 20 таси Ховосда илк бор қад ростлаётган 5 қаватли уйлардир. Уларда икки ва уч хонали 760 та хонадон бўлиб, шундан 600 таси арзон уй-жойлар экани вилоят ахлининг эҳтиёжини қоплашга хизмат қилади.

Ховос тумани ҳокимининг ўринбосари Отабек Данабоевнинг айтишича, шу кунгача эски Ховос шаҳарчасида 78 та кўп қаватли уй таъмирланиб, чор-атрофда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 100 та объектнинг архитектуравий қиёфасини ўзгартариш, янгилаш ишлари бошлаб юборилган. 46 километрли туман марказий кўчалари, янги қуриладиган кўп қаватли уйларга

кириш, ички йўлақлар ва кўчаларни таъмирлаш, асфальтлаш ишлари давом этмоқда.

Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида


Журналистлар нигоҳидаги сўнгги манзил Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби бўлди. 150 ўринга мўлжалланган ушбу мактабга қабул жараёни бошлаб юборилган. Республикада бунёд этилаётган ушбу мажмуа ёшларимизнинг адабиёт борасида билимларини ошириш, иқтидорли қаламкашларни улғайтиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз 2019 йил 19 февраль кунин Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Ҳалима Худойбердиева ижод мактабини ташкил этиш тақлифини илгари сурганди. Бу тақлиф бир овоздан қўллаб-қувватланиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 18 май кунин «Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этиш тўғрисида» қарор чиқарилди. 2019 йил 13 март кунин эса, Гулистон шаҳрида 150 ўринга мўлжалланган зиё маскани — Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёти фанига ихтисослаштирилган мактаб-интернати барпо этиш учун тамал топи қўйилди. Қисқа фурсатда қурилиш ишлари бошланди. Бу мактаб билан алоқадар яна бир янгилик — ушбу муассасага Сирдарёнинг яна бир жонқуяр фарзанди, таникли шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Муҳаммад Исмоил раҳбар этиб тайинлангани вилоят ахлини яна шодлантирди.

Делегация аъзолари ушбу ижод даргоҳи билан танишдилар. Шундан сўнг Гулистон шаҳрида «O'qituvchi» бренди остида ишга туширилган замонавий китоб дўконига ташриф буюришди. 10 минг нусхадан зиёд китоб фонди ва кафега эга замонавий Book Cafeда китобсавар ижодкорлар нодир адабиётлар билан танишди.

Шунинг билан Сирдарё вилоятига ташкил этилган бир кунлик медиа-тур якунига етди. Тадбир таассуроти эса марказий наشرларимиздаги кўплаб мақолаларга ғоя бериши, унинг акс садоси китобхоналар завқини ошириши тайин.

Юлдуз ХОЖИЕВА
«Mahalla»



«Толариқ»даги маҳмашаларнинг охири борми?

ЁХУД ЯНГИ САЙЛАНГАН МАҲАЛЛА РАИСИ
ФАОЛИЯТИДАН ФУҚАРОЛАР НЕГА НОРОЗИ БЎЛМОҚДА?

«Ассалому алайкум, «Mahalla» газетаси ижодкорлари! Сизларга бир муаммоли масала юзасидан мактуб йўлламоқдамиз. Шу десангиз, сўнгги вақтлар биз яшаётган Тошкент шаҳар Миробод тумани «Толариқ» маҳалласида хунук воқеалар содир бўлмоқда. Мана, янги маҳалла раисини сайлаганимизга ҳам 3 ойдан ошди. Афсуски, шундан кейин ҳудудда яшовчи одамлар орасида парокандалик бошланди. Чунки раис ўз атрофида масъулиятсиз, фуқаролар муурожаатлари билан ишлашни билмайдиган бир гуруҳ яқин инсонларини йиғиб, «ўзи хон, қўланкиси майдон» қабилида иш тутмоқда. Қолаверса, сайлов ҳам адолатли ўтганига ишонмаймиз. Шу сабабли сизлардан илтимос, ушбу муурожаатимизни атрофлича ўрганиб, бизга ёрдам берсангиз...»

«Газетага ҳам ёзишибди-да!»

Фуқаролар — Отаҳон Сапаров, Жамол Шарипов ҳамда Ира Данкутян номидан келган мактубда кўтарилган масалаларни атрофлича ўрганиш мақсадида «Толариқ» маҳалласида бўлди. Фуқаролар йиғини биносига кириб борганимизда 5-6 нафар фуқаро раис билан учрашиб учун унинг хонаси олдига навбат қўтиб турган экан. Чамаси ярим соатлардан сўнг, қабулни аяқидан раис бизни ичкарига тақлиф этди. Ҳол-аҳвол сўрашган, унга газетадан эканимизни, маҳаллада яшовчи фуқаролар номидан шикоят хати тушганини айтдик. Раис эса хат муаллифларини таниди чоғи, «Нихоят, газетага ҳам ёзишибди-да!» дея мийғида кулиб қўйди. Гап нимада эканини билмай, уларнинг сўзларига кулоқ тутдик.

— Маҳалламизда 3811 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Толариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шерали Тошев. — Бундан уч ой аввал фуқаролар йиғини раиси сайлови очилди, ошкоралик, муқобиллик ҳамда адолат тамойиллари асосида ўтди. Якунда 136 та овоз билан раисликка сайланди. Аммо ўтган қисқа вақт ичида бошимизга тушган ташвишлар, асоссиз бўҳтонлар, тумхатларни айтсам, ишонмайсиз. Негадир маҳалламизда айрим кекса ёшли фуқаролар ҳалигача раис бўлиб сайланганини қабул қила олмайдилар. Бугунга қадар бир неча бор асоссиз вазият билан юқори ташкилотларга устимдан шикоят хатлари юборди. Бунга эса турли сабаблар бор.

Янги раис бўлиб сайланган вақтлар хонанда йиғиннинг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис Зухра Ҳақимова ҳам фаолият юритарди. Аслида маҳалла раиси фаолият юзасидан кўпроқ масъула котиб билан ишлайди. Шунини ўйлаб, Зухра опа бор вазиятни тушунишига ҳаракат қилдим. Улар учун қийин хонани таъмирлаб беришимни, бу ерда эса котибнинг ишлаши

фаолиятимиз самарадорлигига хизмат қилишини айтдим. Тўғриси, бундай йўл тутишимизга яна бир сабаб бор эди. Биласиз, ҳар куни маҳалла раиси олдига фуқаролар ўзларини қайнаётган муаммоларга ечим топиш мақсадида келади. Уларнинг орасида кўпчилиги муурожаати сир бўлиб қолишини истайди. Аммо қисқа фаолиятим давомида бундай муурожаат тафсилотлари бир неча бор бутун маҳаллага ёйилиб кетди. Шундан сўнг, энг аввало, ўзимга эҳтиёт бўлишга қарор қилдим. Бу эса мутахассис Зухра Ҳақимова ва унинг турмуш ўртоғи Отаҳон Сапаровга ёқмади. Ҳамма келишмовчиликлар ана шундан кейин бошланди. Ҳатто, бир гал Отаҳон ака йўлимни тўсиб, менга қўл кўтаришгача борди. Ўзингиз ўйланг, ёши улус, маҳалла аҳлига ўрнак бўладиган инсонни бундай номақбул ишлар қилиб юриши тўғрими? Яна сизларга устимдан шикоят хати ёзганини қаранг!

Сайлов адолатсиз ўтган... (ми?)

Раиснинг фикрларини тинглагач, хатда номи келтирилган фуқаро Ира Данкутяннинг сўзларига ҳам кулоқ тутдик.

— Маҳалла сайлови адолатсиз ўтган, — дейди Ира Данкутян.

— Сайловдан аввал бир неча бор ҳокимиятга бориб, «муҳим сиёсий тадбир олдидан маҳаллада нега аҳоли билан учрашувлар, йиғилишлар ўтказмайясиизлар» дея мутасаддиларга шикоят қилганмиз. Уша вақтда 33- ва 35-уйда яшовчилар ўзларининг 10 нафар ишончли вақили билан мажлис ўтказган. Сайловнинг санок ко-



миссиясига маҳаллада доимий рўйхатда турмайдиган одамлар киритилган. Улар эса янги сайланган раиснинг яқинлари бўлган.

Ира Данкутянга «Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) сайлови тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонунининг 29-моддасида белгиланганидек, сайлов натижалари бўйича судга шикоят қилиш мумкинлигини айтганимизда, «Бугунга қадар бирор жойда муаммоларимизга ижобий ечим топишгани йўқ» деди. Шунингдек, маҳалланинг кекса фуқароси Жамол Шарипов ҳам янги раиснинг эгallaб турган лавозимига муносиб эмаслиги, у маҳаллада яқиндан бошлаб яшаётганини, олий маълумоти йўқлигини таъкидлади. Сайлов санок комиссияси раиси Мая Умарова эса сайловда сохта бюллетенлар бўлганини айтди.

Санок комиссиясини ким сайлаган?

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори низомига муурожаат қиламиз. Ушбу ҳужжатнинг 3-бандида «Фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшаётган шахслар қатнашади» дея белгиланган бўлиши билан кўринадики, санок комиссияси таркибига маҳаллада доимий рўйхатда турмаган шахсларнинг қиритилганлиги ноқонуний. Аммо ҳолат аслида қандай бўлган?!

— «Толариқ» маҳалласи раиси сайловида 3 нафар — Дариқа Қўйбоева, Низомиддин Раҳимов ҳамда Мая Умарова кўпчилигининг розилиги билан санок комиссияси аъзолари бўлган, — дейди сайлов

комиссияси раиси, ҳудуддаги 125-умумтаълим мактаби директори Нилуфар Ҳошиматова. — Номзодларни сайлашда фуқароларга ҳеч қим таъсир ўтказмаган. Аъзолар орасидан Мая Умарова санок комиссияси раиси этиб сайланган. Комиссия аъзоларининг барчаси пойтахтда доимий рўйхатда туради. Уларнинг ҳужжатларини текширишингиз ҳам мумкин. Қолаверса, комиссия раиси сифатида шунини айтманки, сайловда ҳеч қандай сохта бюллетенлар бўлмаган. Отаҳон Сапаров билан сайловдан чамаси 5-10 кун олдин сўхбатлашганимизда ўтаётган сиёсий тадбир ва номзодлар ҳақида мутлақо салбий фикр билдирмаган. Қолаверса, улар жорий йил 2 июлда маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши аъзоларини сайлашда ҳам фаол иштирок этган. Ордан маълум вақт ўтиб, уларнинг сайлов ва раис тўғрисидаги фикрлари ўзгариб қолгани қизиқ!

«Баъзилар янги раиснинг ишлашига имкон бермапти»

Яна бир гап. «Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) сайлови тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) лавозимига кўрсатилган номзод Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши, қонда тарикасида олий маълумотли, бевосита сайловга қадар қамқода беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаган, тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибаси ҳамда ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши кераклиги айтиб ўтилган. Бундан кўринадики, маҳалла ҳудудида 5 йилдан бун доимий яшаётган, ўрта-маҳсус маълумотга ва тадбиркорлик лаъқатига эга бўлган янги раиснинг шахсий ҳужжатларида қонун бузилиш ҳолатлари йўқ. Қолаверса, шу куни маҳалла аҳли билан сўхбатлашганимизда кўпчилик фуқаролар раис ҳақида анчайин илик фикр билдирди.

— Шерали Тошев бир неча йилдан бун тадбиркорлик билан ишгулланади, маҳаллада муносиб обрў-эътиборга эга, — дейди «Толариқ» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Бахтиёр Йўлдошев. — Аммо негадир ҳудудда яшовчи айрим кексалар

янги раиснинг ишлашига сира имкон бермапти. Қизиги, бутун маҳалла аҳли бир томон, шикоят йўллаганлар эса бир томон. Истасангиз, бошқалардан ҳам раис тўғрисида сўрашингиз мумкин, ҳеч қим салбий фикр билдирмайдилар. Ахир иш бошлаганига эндигина уч ой бўлган одамга ўзини кўрсатиш учун шароит, имконият яратиб бериш керак эмасми? Ваҳоланки, Ш.Тошевнинг боши аъводан чиқмапти. Шунга қарамай, уларнинг савй-ҳаракати билан маҳалламизнинг кираверишига янги дарвоза, ҳудудимизда автомобиллар учун тураргоҳ қуришмоқда. Гап келганда айтмай, сизларга шикоят хати йўллаган Жамол Шарипов маҳаллага тегишли бўлган ва кексалар ҳордиқ чиқарадиган чойхона қалибини қачондан бери ҳеч қимга бермайдилар. Эмишқил, улар бу масканнинг қурилишида иштирок этган. Раис, қолаверса, маҳалла аҳли бир неча бор ундан қалишни беришни сўради, лекин фойдаси бўлмади. Оқибатда эънинг эжасирама қуналарида кексалар сарсон бўлмоқда.

Шароит ва имконият бор, аммо...

Бугун мамлакатимизнинг барча жабхаларида туб ўзгаришлар, янгиланишлар кузатишмоқда. Бунга эса барчамиз бирдек гувоҳимиз. Айниқса, изчил ишловчиларнинг ҳозирги шиддатли босқичида маҳаллаларни янада қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, уни аҳолига энг яқин ва халққил тузилмага айлантириш муҳим вазифа, керак бўлса, давр талабига айланди. Натижада маҳаллаларнинг жамиятдаги обрў-нуфузи ортиб, халқ билан давлат ўртасидаги кўприкка, одамларнинг қувонч ташвишлари, муаммоларига ечим топадиган, дардини, тақлифини айтадиган, ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган ажойиб масканга айланди.

Аммо тан олиш лозим, тизимда ҳали ҳам қилиниш лозим бўлган ишлар, муаммолар талайгина. Жумладан, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда муурожаат маданиятини юксалтириш лозим. Эътибор берсак, кейинги пайларда маҳаллаларда бўлаётган турли низолар ҳуқуқий саводхонлиқнинг етишмаслиги оқибатида ўз бермоқда. Бу эса жамиятда носоглом муҳит пайдо бўлишига, одамлар ўртасида турли тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу муаммоли масалага туман мутасаддилари, тегишли ташкилот вакиллари жиддий эътибор қаратиб, унинг ижобий ечим топишига, низога барҳам берилишига яқиндан қўмақлаштишди, деган умиддамиз.

Савдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»



Пойтахтда 15 августдан иситиш тизими ва иссиқ сув нархи оширилмоқда.

Маҳаллаларда радиоузеллар ташкил этиш таклиф этилмоқда. Нега?

Инсоният яралибдики, барча давру замонларда унинг ахборот олишга бўлган талаб ва эҳтиёжи юқори бўлган. Мавжуд қулайлик, имконият ва шарт-шароитларга қараб одамзот ўзининг ана шу эҳтиёжини қондириб борган.



«Одамлар янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлади»

XXI асрга келиб, ахборот олишининг манбалари, имкониятлари янада кенгайди. Айниқса, интернетнинг «тандирдан узилган» қайноқ янгиликлари ҳаётимиз ва онгимизни тобора забт этаётир. Бироқ бизга тақдир этилаётган ахборотларда ўзимиз яшаётган маҳалла ёки қишлоқ ҳаёти ҳақида доим ҳам сўз боравермайди. Натижада яшаб турган ҳудудимизда қандай муҳим воқеалар, янгиликлар содир бўлаётганидан беҳабар қолиб кетамиз.

Бу муаммони бартараф этиш мақсадида «Менинг фикрим» жамоавий мурожаатлар порталига маҳаллаларда радиоузеллар ташкил қилиш ҳақида мурожаат жойланди. Унда муаллиф Баҳромжон Мирзаахмедов авваллари туман марказларидаги радиоузеллардан кунда бир бор ҳудуд ҳаётига доир муҳим янгиликлар бериб боришгани, маҳал-

лий ҳокимият органларининг мурожаатини эса хонадонларда ўрнатилган радио қурилмаси орқали одамлар киска муддатда эшитиш имконига эга бўлганини таъкидлайди.

«Тўй-ҳашамлар ва турли маросимларни тартибга солиш учун маҳалла раисларининг аҳоли билан очик мулоқот ўтказиши, одамларни йиғиб суҳбатлаштириш учун доим ҳам имконият ва шарт-шароит бўлавермайди. Шу боис мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун ҳар бир маҳаллада алоҳида радиоузел ташкил қилиш керак. У орқали ҳеч бўлмаганда ҳафтада 2-3 мартаба (ҳар кунни бир мартаба бўлса ҳам) бир хил вақтда маҳалладаги янгилик ва эълонларни бериб бориш, хонадонларга ўрнатилган радио қурилмаси ёрдамида маҳаллий янгиликлардан хабардор бўлиш барча учун фойдали. Бу, ўз навбатида, маҳалла ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларнинг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Фуқаролар ҳам янгиликлардан ўз

вақтида хабар топади» — дейди муаллиф.

«Радиоузеллар катта маблағ талаб этади»

Ҳўш, бугунги ахборот технологиялари тараккий этган тезкор замонда худди ўтган асрнинг 70-80-йилларида бўлгани каби маҳаллаларга радиоузеллар ўрнатиш қанчалик самара беради? Бу қулайлик аҳолига зарур маълумотларни етказишда муҳим алоқа воситаси бўла оладими? Унинг техник имкониятлари қандай?

— Умуман олганда, ҳозирда маҳаллаларда радиоузелларни ташкил қилиш учун техник ечимлари топса бўлади, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги етакчи мутахассиси Сабоҳат Қурбонава**. — Лекин бунда лойиҳани молиялаштириш, қуриш, техник қурилмаларни харид қилиш масалаларини ҳал этиш лозим. Радиоузеллар FM тўлқинларидан фарақли ўлароқ, барча маълумотларни сим орқали етказиш керак. Бунинг учун радиоузелни дастурлар тайёрловчи студия қурилмалари ҳамда юқори қувватли овоз қучатирилгичлари билан жиҳозлаш, маҳаллада янги сим ёғочлар ўрнатиш, жасоат биналари ва уйларга алоқа тармоқлари тортиш зарур. Яна бир жиҳати, радиоузелларнинг охирилари қурилмалари (радионукта — симли радиоприёмниклар, баландогитрилгич — «карнайлар») доимо ёқилган ҳолда туриши зарур бўлади, акс ҳолда тингловчилар зарур маълумотни эшитмай ўтказиб юбориши мумкин. Лекин доимо «гаптириб» турувчи радионукта ҳаммага ҳам маъқул бўлавермайди. Шунингдек, радиоузел фаолияти, ундан тарқатилган маълумотлар учун масъул шахслар, қурилмаларнинг доимий ишлаши, симли алоқа тармоқларини назорат қилиш, техник хизмат кўрсатиш учун қўшимча юқори малакали мутахассислар керак. Мазкур омиллар сабабли дунё мамлакатлари симли радиотрансляция тармоқлари хизматларидан олдинма-кетин воз кечилган. Ҳозирда бундай умумфойдаланиш тармоқлари санокли давлатларосида қолган. Ўзбекистон Республикасида ҳам умумфойдаланишдаги радиотрансляция тармоқлари кўрсатилган техник камчиликларни ҳамда ишлатишдаги самарасизлиги учун фойдаланишдан чакрилган эди.

Радиотрансляция тармоқлари айрим йирик корхоналар-

ИНФОГРАФИКА:

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 20 миллион.



Рақамли телевидение билан камраб олиш даражаси 100 фозга тенг.

Мобил абонентлар сони эса 21,9 миллион нафарни ташкил этмоқда.

да технологик-ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш учун ёки фавқулодда ҳолатларда хабар бериш учун фойдаланиб келинмоқда.

Ушбу ўринда, агар радиоузел оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият юритадиган бўлса, уни рўйхатдан ўтказиш, лицензия олиш каби ташкилий масалаларни ҳам ҳал этиш лозимлигини унутмаслик керак.

«Ижтимоий тармоқлар радиоузеллардан кўра фойдали»

Мамлакатимизда ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳукуқи кафолатланган. Жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб ахборот олиш ҳукуқи чекланишига йўл қўйилмайди. Шу нуктаи назардан олиб қараганда радиоузеллар орқали тарқатилган хабарлардан ҳам барча бирдек фойдаланиш мумкин. Аммо бугунги тезкор ахборот асрида унинг таъсири қандай бўлади?

— Ўйлашимча, радиоузеллар ташкил қилиш анча мураккаб, — дейди **Самарқанд шаҳридаги «Бого Темур» маҳалласи раиси Тўлқин Файзуллаев**. — Унинг ўрнига ижтимоий тармоқларда маҳалла ёки қишлоқ учун гуруҳ ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Агар шундай қилинса, гуруҳ аъзоларининг ҳар бири маҳалла ҳудудидида ўзи гувоҳ бўлган муҳим воқеа-ҳодиса тафсилотларини ижтимоий тармоқлар орқали зудлик билан одамларга етказиш мумкин. Маҳалла раиси эса ҳар бир муаммоли вазиятни назоратга олиш, унга ечим топиш имконига эга бўлади. Фақат бу ишга бирор масъул одам тайинлаш, у эса гуруҳ фаолиятига жавобгар бўлиши керак. Эътибор берсак, бугун ҳаммамнинг қўлида уяли телефон бор. Юртдошларимизнинг

аскарияти мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган янгиликлардан энг биринчи бўлиб ижтимоий тармоқлар орқали хабар топишмоқда. Бу эса керакли аудиторияга ахборотни ўз вақтида етказиш учун энг самарали усул ҳисобланади. «Кексалар нима қилади, ахир уларнинг ҳаммаси ҳам интернетдан фойдаланишни билмайди-ку?!», дейишингиз мумкин. Бироқ бу ҳам вақтинчалик ҳолат. Агар эътибор берсангиз, бугун қўлаб ёши катта инсонлар ҳам замонавий ахборот телекоммуникация воситаларидан қийналмай фойдаланмоқда.

«Радиоузел фавқулодда ҳолатларда асқатади»

— Болалигимизда қишлоқларда радиоузеллар бўларди, — дейди **андиёхонлик Сардор Ҳакимов**. — Отам куз мавсумида радиоузел орқали қишлоғимизда нахта резасини топишган дехқонлар ҳақида ҳисобот ўқиб эшиттирарди. У вақтларда ахборот олиш манбалари чекланган, одамлар, асосан, радио орқали керакли маълумотларга эга бўларди. Ўйлашимча, ҳозир ҳам маҳаллаларда радиоузеллар бўлиши зарар қилмайди. Эътибор берсак, айни пайтда қишлоқларда одамларни фавқулодда ҳолатлардан оммавий тарзда огоҳлантирадиган восита йўқ. Тўғри, уяли телефонлар орқали фуқароларга фавқулодда ҳолатларда SMS-хабарномалар юборилади, бироқ бу маълумотларнинг қамрови доираси анча кенг. Радиоузел эса кичик ҳудуд учун бундай ахборотларни етказишда асқатади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, XXI асрда ахборотни аудиторияга тез ва сифатли узатишда сўнгги ахборот телекоммуникация воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳам молиявий, ҳам вақт масаласида энг тўғри йўлдир.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Норвегия FM-радио тармоғини рақамли радиога тўлиқ алмаштирган дунёдаги биринчи давлат ҳисобланади. Мамлакат рақамли радиога ўтишни 2017 йил январь ойида бошлаган эди. Уша йил сўнггида энг шимолий минтақалар ва Арктикадаги Свальбард архипелаги охири бўлиб рақамли аудиоэшитиришга ўтказилган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, рақамли радио овознинг аъло сифати ва кўпроқ каналларни таклиф этади.

Шунингдек, тингловчиларга ўтказиб юборган дастурларини қайта тинглаш имкониятини яратади ва фавқулодда вазиятларда шошилинч хабарлар етказишни енгиллаштиради.



Хитой телевидениесиди ўзбекистонлик мухбир фаолият бошлайди.

«БЕГОНАЛАШАЁТГАН БОЛАЛАР»: бунга ким ёки нималар сабаб бўлмоқда?

БОЛАЛИК ТАСАВВУРИДАН АЙРИЛИБ ҚОЛИШ — ЎЙСИЗ, ХИССИЗ ВА МАҚСАДСИЗ КИШИГА АЙЛАНИБ ҚОЛИШДИР. МАҚСАД ВА ОРЗУЛАРСИЗ ЭСА МАЗМУНЛИ ҲАЁТ КЕЧИРИБ БЎЛМАЙДИ

Бир кун компьютерга тикилиб, ҳужжатларга қўмилиб ўтирган отанинг олдида ўғли келиб сўрабди. «Дадажон, сиз бир соатда неча пул ишлаб топасиз?» Ота бироз ўйлиниб: «Чамаси беш доллар», — дея жавоб берибди ва яна ўз машғулотига ийғиб кетибди. Кейин эса яна саволга оғиз жуфтлаётган боласига қараб: «Онанинг ёнига бориб ўйна, мен ишляпман», — дебди. Бола бошини ҳам қилиб ошхонада қўйманган отанинг ёнига борибди. Тагин отанини сўроққа тутта бошлади: «Онажон, менга беш доллар бера оласизми?» Отаси: «Ха ўғлим бераман, аммо сен беш долларни нима қиласан», — дея қизиқибди. Болакай эса: «Отанинг бир соатини сотиб оламан», — деган экан...

Ха, бугунги ота-оналар шунчалик банд бўлиб кетганки, баъзан ўз фарзандларига-да вақт ажратолмайди. Шунчалик кўп ишляптимиз, дейсизми? Йўқ, бундай эмас, аммо боласи олдида бўлса-да, ўз оламидан ажралолмаяпти. Буни кўча-қўйда фарзандини боғча, мактабга олиб бораётган ота-оналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Эътибор берсангиз, уларнинг бир қўли сумкада бўлса, бошқасидан телефон тушмайди. Фарзанди эса мултифильмлардагидек унинг ортидан эргашиб борапти.

Агар ўша ота ёки онадан бир соатдан сўнг «Болангизни бугун қандай кийимда мактабга олиб бордингиз», деб сўранг, эслашга ҳам қийналади. Энг дахшатлиси, бугунги болалар ҳам турли юмушлар билан банд ота-онанинг бир соатини сотиб олишга уринмайди. Чунки уларнинг-да қўлида телефон. Бу ҳолатларни кузата туриб, ҳозирги ота-оналар фарзандини моддий томондан ортқи билан таъминлаб қўймоқда, аммо уларга эътибор, меҳр бериш кераклигини бироз унутатгандек тасаввур уйғонади.

Болаларни «химоясиз майдон»га чиқариб қўйманг!

— Ота-она томонидан фарзандга бериладиган икки хил меҳр бор, — дейди психолог Лутфулла Турсунов. — Биринчиси, биологик-психологик меҳр бўлиб, бунда ота-она боласини бағрига босади, эркалайди, ижтимоий ҳаётдаги эҳтиёжлар, масалан, озуқа эҳтиёжини қондиради. Илм ва ҷиройли тарбия бериш ҳам шу меҳр ҳиссасидир. Айтиши жоизки, бу меҳр қанчалик кўп берилса, бола ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини осон топиб, қомил инсон бўлиб вояга етади. Агар бола шу меҳрнинг тўямаса, билинги, унинг руҳиятида салбий ўзгаришлар пайдо бўлади.

Иккинчи меҳр эса боланинг ортқида эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ. Ортқида кийим-кечак, зебу зийнат, ўйинчоқлар олиб бериш орқали

фарзандининг меҳрини қозонишга интилишидир. Афсуски, аксар ота-оналар шу хатти-ҳаракатлари оқибатини ўйламайди. Эътибор берсангиз, кўпчилик, ҳатто бошланғич синф ўқувчилари қўлида ҳам сўнги русумдаги уяли алоқа воситалари бор. Ёки ҳар бир хонадонда ҳеч бўлмаганда битта шахсий компьютеру ноутбукни кўриш мумкин.

Тўғри, техника асрида шундай бўлиши табиий. Лекин ҳали вояга етмаган бола ҳар доим ҳам техникадан илм-фан йўлида фойдаланавермайди. Қўл телефони эса ўқувчини илм олишдан қалғитади. Оқибат ота-оналар ўз қўллари билан болани химоясиз майдонга чиқариб қўйишади. Яъни интернетта, турли ахборотларга тўла маконга. У ерда оқ ҳам бор, қора ҳам. Бора-бора бу макон болани реал оламдан, оила аъзоларидан узоклаштиради.

Эслай оласизми, қачон охириги марта фарзандингизнинг елкасига уриб, алла айтиб ухлатдингиз? Телефондан алла таронасини қўйиб берганингиз хисобга ўтмайди. Қачон шунчаки, кучоқлаб, ўпиб, суйиб эркалингиз? Болангизнинг қўлида телефон турган пайти кучоқлаб, ўпиб кўринг-чи, ўзини четга тортади. Лабини буриб, юзини буриштиради. Чунки у сиздан кўра ўша телефон, телевизор, ноутбукка кўпроқ боғланган. Шу матохларга меҳр қўйган. Бу қанчалик дахшат эканини эса фарзандингиз вояга етгачина тушунасиз...

Фарзандимизнинг болалик дунёсини бой бермайлик!

Қишлоғимиз Қашқадарё дарёси бўйида жойлашган. Болангизда ота-онам менга доим «Сени шу дарёдан ушлаб олиб, ўғил қилганмиз», дейишарди. Мен эса бу гап-сўзларга тўла ишонардим. Қўлимга қалам олсам, дарахтлар, қамалак, осмондаги булутларнинг суратини қоғозга туширдим. Дарахтнинг ҳам жони борлиги, қамалакнинг эса қимдир осмонга қизиб кетгани, булутлар ой ва



кўёшнинг кўрпа ёстиғи эканига шубҳам йўқ эди.

Бугунги болалар эса мутлақо бошқача. Уларга дарахтнинг ҳам тили борлигини айтсангиз, сизни мазах қилишади. Ҳатто мураккаб табиат ҳодисаси — момақалдирок гумбуралини ҳам илмий тилда бирма-бир тушунтириб беради. Чунки телевизордаги турли кўрсатув, ҳужжатли фильмлардан аллақачон буларнинг таърифини эшитган. Тўғри, балки тўлалигича англаб етмас, аммо таърифи ёд бўлиб кетган. Сиз билан қўшилиб кўрган кино, сериалларида ҳомилалар аёлларга кўзи тушган, туғурук жараёни қандай кечиши ҳақида ҳам салкам сизчалик хабардор.

Қўлига қалам берсангиз, дарахтнинг эмас, қўл телефони, телевизор ёки ноутбукнинг суратини қоғозга туширади. Чунки улар фақат ота-оналаридан эмас, бегубор, хайрат ва мўъжизаларга бой болалик дунёсидан ҳам бегоналашиб бормоқда. Бу мўъжизавий дунёни виртуал олам, турли «ашқал-дашқаллар» билан тўлиб-тошган ахборот оламига бой бериб қўймоқда. Аслида ўзига хос болалик дунёси, тасаввур олами унинг келажакда қандай инсон бўлишини белгилаб беради. Чунки бу давр болаларнинг тасаввур оламини кенгайтиради, уни тафаккур қилишга, ўз истеъдодини намойиш этишга ўргатади.

Машҳур олимлардан бири: «Тасаввур билимдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Билим биз ҳозир биладиган ва тушунадиган нарсаларгагина таянади. Тасаввур эса бутун оламни ва биз қачонлардир тушунадиган, билиб оладиган нарсаларни ҳам қамрай-

ди», деган эди. Ростдан ҳам, болалик тасаввуридан айрилиб қолиш ўйсиз, хиссиз ва мақсадсиз кишига айланиб қолишдир. Мақсад ва орзуларсиз эса мазмунли ҳаёт кечириб бўлмайди.

Эртақ айтнинг, эртақ айтнинг, болажонларга...

Хўш, фарзандларимизнинг болалик бахтини сақлаб қолиш учун биз, катталар нима қилишимиз керак? Бунинг турли усуллари бор. Шулардан бири — уларга эртақ сўзлаб беришдир.

Эртақ — болаларнинг тасаввурини кенгайтирувчи энг асосий воситадир. Ҳеч қайси мултифильм унинг ўрнини босолмайди, сабаби болалар мултифильм воқеаларини томоша қилади. Эртақ қаҳрамонлари ва воқеаларини эса тасаввурда ўзлари яратади. «Агар болаларингиз ақли бўлишини истасангиз, уларга эртақлар ўқиб беринг. Агар янада ақллироқ бўлишларини хоҳласангиз, ундан-да кўпроқ эртақ ўқиб беринг» деган эди буюк олим Альберт Эйнштейн.

— Инсон тафаккури маҳсули бўлмиш эртақлар бола қамолотида қанчалик муҳим ўрин тутса, дунё тақомилига ҳам шунча қатъия ҳисса қўйган, — дейди эртақшунос олим Шахноза Назарова. — Масалан, эртақлардаги учар гиламлар, дунёни кўрсатувчи ойина-жаҳон каби воситалар бугунги нодир буюмларнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлаган. Эртақ ишчилик болани ухлатиш воситаси эмас. У болаларда орзу-умид, меҳр-муҳаббат ва шайқат туйғуларини

ни шакллантиради. Яхшилик ва ёмонлик, ҳалол ва ҳаром, ҳасад ва ҳавас туйғунчаларини фарқлашни ўргатади. Эртақлар болаларни ҳам ҳиссий, ҳам маънавий тарбиялайди.

Афсуски, бугунги кунда ҳамма ота-она, бобо-бувилар ҳам ўз фарзандларига эртақ сўйламай қўйишган. Бунга баъзи ота-оналар вақти йўқлигини баҳона қилишади. Аслида бу баҳона билан нимани йўқотишаётганини тўла ҳис қилмайди. Ҳозир кўпчилик бир-иккита қулоғига қалинган эртақдан бошқасини ёлдан билмайди. Шунинг учун турли воқеаларни эртақ қилиб айтиб, боласини ухлатади. Аммо бу воқеаларнинг бола психологиясига қандай таъсир қилишини билмайди.

Бугун болаларимизнинг эртақ ўрнига телефон ўйнаб, сериалларни томоша қилиб улғаяётгани жуда ачинарли. Натижада уларнинг юқорида таъкидланганидек, хис-туйғулари тўлиқ шаклланмай, тасаввур олами жуда тор бўлиб қолмоқда. Болалик ҳисларини туймаган кишида инсоний туйғулар қаердан пайдо бўлсин, ахир. Шундай экан, азиз маҳалладаш, эътиборли бўлайлик, ёнгинамизда робот одамларнинг улғайишига йўл қўймайлик. Бежиз, ҳофизларимиздан бири шундай демаган:

«Эртақ айтнинг, эртақ айтнинг болажонларга,
Улар қалбин гўзалликка биз тўлдирарайлик.
Ҳаёт гўзал, инсон гўзал, яшаш ҳам тоғли
Эканлигин болажонларга биз билдирарайик».

Санжар ЭШМУРОВОВ
«Mahalla»

Беш мингдан зиёд эркак иккинчи оиласи билан яшамокда

БУЛАР ҲАЛИ ЎРГАНИШЛАР ДАВОМИДА АНИҚЛАНГАН РАҚАМЛАР. АНИҚЛАНМАГАН, ҲИСОБОТДАН ЯШИРИЛГАН ҲОЛАТЛАР ЯНА ҚАНЧА ДЕЙСИЗ?..

Кейинги пайтларда жамоатчилик орасида хотин-қизлар билан боғлиқ турли хабарлар кенг муҳокама қилинмокда, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши, турмуш масалалари ва бошқа муаммолари бош мавзуга айланиб қолаёттир. Хўш, бундай ҳолат нега юз бераяпти? Нима учун нотинч оилалар, етим болалар сони кундан-кунга кўпайиб бормокда?



Самарканд вилояти хотин-қизлар кўмитасидан олинган маълумотларга кўра, ҳудуддаги беш мингта яқин оилада эркаклар биринчи хотини билан ажралиб, иккинчи аёлга шаръий никоҳ асосида ўйлашиб, ноконуний равишда яшаб келаётгани аниқланган. Бундан ташқари, вилоятда 600 нафардан зиёд аёл ичкиликка берилган эркаклар томонидан мунтазам таҳқирланиши, хўрланиши, зўравонлик остида кун кечираётгани маълум бўлди.

Бундан кўринадики, беш минг нафар эркакнинг агарда ўртгача икки нафардан фарзанди бўлса, демак, ўн минг нафар бола чала етим, олти юз нафар аёлнинг эса 1 минг 200 нафар боласи хўрланиш, зўравонлик ва мунтазам етчимовчилик остида яшайди. Булар ҳали ўрганишлар давомида аниқланган рақамлар. Аниқланмаган, ҳисоботдан яширилган ҳолатлар яна қанча дейсиз?..

«Эрим бир кунни уриб ўлдириб қўяди...»

Яқинда Жомбой туманидаги «Сарикипчоқ» маҳалласида яшовчи 30 ёшли Гулсара Жоникулова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўз жонига қасд қилди. Оила бошлиғи Норкулнинг ичкиликка муккасидан кетиши, бунинг устига ёшгина бир жувон билан очик-пинхона учрашиб юриши, уйга келиб хотинини аёвсиз калтаклаши шу фожиага олиб келди. Натijaда уч нафар норасида етим қолди.

— Бу мусибатда менинг ҳам жуда катта айбим бор, — дейди марҳуманинг отаси Абдурауф Жоникўлов. — Фожадан бир кун аввал қизим болаларини

олдига солиб, уйимга зор йиғлаб келди. Унинг кўзлари кўкарган, аъзои баданида калтак излари бор эди. Қизимни аяраб, «эру хотинининг уриши — дока рўмол қуриши» деб оиласига қайтишига кўндирдим. У уйга қайтаётгани: «Дада, ая, агар мени бошқа кўрмасангиз, мендан рози бўлинг, чулки эрим бир кунни мени уриб ўлдириб қўяди, болаларим сизларга омонат қолади» деб яна йиғлади. Шундай бўлса-да, уришиб-аяраб, қизимни кўзда ёши билан эригининг уйига мажбуран олиб бориб қўйдим. Эртаси кунни тонг саҳарда эса шу фожиа юз берди...

Маълум бўлишича, Норкул кечкурун яна гирт маст ҳолда уйга келиб, хотинини урган. Болаларни эса бошқа хонага қамаб қўйиб, агар овози чикса, уларни-да ўлдиришини айтган. Бечора норасидалар аёвсиз калтакланаётган оналарини товуш чикармасдан йиғлаб кузатишдан бошқа чора тополмаганлар. Шундан сўнг эркак жиноятини яшириш мақсадида жон таслим қилган хотинининг бўйниндан ип ўтказиб, уни оғилхонага осиб қўйган. Гўёки аёл ўз жонига қасд қилгандек кўриниши учун.

Шу туманда юз берган иккинчи воқеа ҳам кўпчилиكنинг нафратига сабаб бўлди. Туман марказидаги 23-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Гуландом Қодирова ўн етти ёшда она бўлди. Аниқланишича, у ўзидан қарийб йигирма ёш катта, оилали эркак — Шавкат Тўраев билан мунтазам алоқада бўлган. Шавкат уни иккинчи хотин қилиб олишга кўндирган.

Энг қизиғи, мазкур воқеаларнинг боришидан маҳалла аҳли, кўни-қўшнилар ҳам деярли хабардор бўлганлару «менга

нима» қабилида гўё ҳеч нарса билмагандек юраверишган. Чақалоқ дунёга келиб, унинг отаси суриштирилган эса, воқеа худди бугун содир бўлгандек шовқинсурун кўтарганлар. Шавкат эса хотини Манзурани мунтазам равишда ҳақорат, тазийк остида ушлаб турган, «барибир сенинг устингта хотин оламан» деб кўрқитиб келган.

Энг қизиғи, мазкур воқеаларнинг боришидан маҳалла аҳли, кўни-қўшнилар ҳам деярли хабардор бўлганлару «менга нима» қабилида гўё ҳеч нарса билмагандек юраверишган.

Айни пайтда юқоридаги ҳар икки ҳолат бўйича жиноий иш кўзгатилиб, тергов-суриштирув ишлари олиб бориломқда.

Битта бўлса ҳам кўп...

— Жиноят кодексига: «Кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзгор асосида икки ёки ундан орттиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача асрор тўзатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади» дейилган, — дейди Самарканд вилояти ҳокими ўринбосари,

Хотин-қизлар кўмитаси раиси Гафхар Алимова. — Эътибор қилинса, ушбу моддада «умумий рўзгор остида» деган тушунча берилган. Айрим эркаклар Кодексдаги шу жумладан фойдаланаяпти, назаримда. Чулки иккинчи хотин олганларнинг аксарияти бир рўзгор остида эмас, алоҳида-алоҳида яшайдилар. Таклифим шундан иборатки, бир рўзгор остида бўлмаса-да, биринчисидан ажралимай, иккинчи аёлга ўйланган эркакларга нисбатан қаттиқроқ қоралар қўрилиши керак.

Сухбатдошимизнинг фикрича, жиноятга қўл урган битта аёл ҳам бутун Самарканд юзига доғ, туғруқхонада вафот этган битта она ҳам бизнинг жигаргўшамиз. Эътиборсизлик натижасида мактаб ёшда она бўлган ўқувчи, ўз уйида тинимсиз таҳқирланиш оқибатида ўз жонига қасд қилган муниса — булар ҳаммаси бугун бизнинг оғриқли нукталаримиздир.

Ажралиш уят бўлмай қолди

Энди танганинг орқа томонига ҳам назар ташлайлик. Тўғри аналанингиздек, оилаларда юзага келаётган нотинчлик ва ажралишларнинг кўпайишига факатгина эркаклар эмас, баъзида аёллар ҳам сабабчи бўлмокда. Агар эътибор қилган бўлсангиз, ҳозирда ажралиш уят бўлмай қолди. Ажрашган келин чиройли бўлса, пули бор биттаси дарров топилапти. «Фалончи келинни ушлаб олибди», «Фалончининг келини қочиб кетди», деган гаплар ҳам оддий ҳолга айланиб қолди гўё.

Яқинда Самарканд вилояти ИИБ томонидан Оқдарё тумани ҳудудида жойлашган «Делнатили транс», «Ақсойлар» ва «Тимур сервис» номи хорижий юк машиналари тўхтайдиган тир-паркларда тунги рейд ўтказилди. Вилоят ИИБ матбуот хизмати раҳбари Ширин Норматованинг маълум қилишича, рейд давомида вилоятнинг шаҳар-туманларидан ҳамда бошқа вилоятлардан келган 22 нафар енгил табиатли аёл чет эл фуқаролари, яъни авторгаргоҳларда дам олиш мақсадида тўхтаган фуқаролар ва хайдовчилар билан яқин алоқада бўлган вақтида ушланган. Бу аёллар Оқдарё тумани ИИБга олиб келиниб, тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилган ва уларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилган.

Бир профессорни билардим. Ўзидан қарийб 30 ёш кичик иккинчи хотинига шаҳар марказидан уй олиб берди. Ўлими олдидан унга анча-мунча сармоя қолдирди. Енгил-елпи йўллар билан мўмай пул топишнинг ҳадисини олган Гулшаной қарийб 10 йил давомида Дубайдаги меҳмонхоналарда «кун ўтказди». Ёши ўтиб, «бозори» касодга учрай бошлаганида эса кўшмачилик, одам савдоси билан шуғуллана бошлади.

Ҳаром ишнинг орқасидан катта сармоя орттириб, қатор савдо дўконлари, фирмалар очиб, бойвачча хонимга айланди. У энди кишлокка турли русумдаги хорижий автомашиналарда келар, юришлари, гапиришлари ўзгарганди. Қизиги, Гулшаннинг отаси Ўроқ ака гоҳо давраларда одамларнинг энсасини қотириб, шундай бойвачча қизи борлигидан фахрланар, оғзини тўлдириб гапиришдан чарчамасди. Бу бойлик, бу молу дунё нима-нинг эвазига келаётганини билган ҳамкишлоклар эса лабини бурганча ундан юз ўтириб кетишарди...

Муаммони куруқ тадбирбозлик билан ҳал этиб бўлмайди


Юқоридаги каби ҳолатларни куруқ тадбирбозлик, мажлисбозлик билан бартараф этиб бўлмайди. Аввало, ҳар бир нотинч оилани ўрганиш, белгиланган чораларни эса илмий ҳулосаланган тарзда амалга ошириш керак. Афсуски, бутун бу борадаги ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Жумладан, маҳаллада хотин-қизлар билан ишлайдиган мутахассислар айрим ҳолларда ярашиб олишлари учун муддат берилган оилалар билан «ишладик», «гаплашдик», мазмунидида далолатномани тақдим этишди. Ҳолат ўрганилганда эса эр-хотиннинг бири хорижда экани ойдинлашди. Хўш, бундай шароитда далолатномага «Ҳақиртириб гаплашдик, тўшунтириш ишларини олиб бори», деган гап қайси мантикка асосланиб ёзилапти?

Назаримизда, Хотин-қизлар кўмитасининг маҳаллалардаги вакилларининг аҳоли билан, айниқса, нотинч оилалар билан ишлаш услубини тубдан ўзгартириш фурсати аллақачон келди. Энди улар шундай оилаларнинг, таъбир жойиз бўлса, «норасмий аъзо»сига айланиши керак. Зеро, юқорида келтирилганимиз — фожиа юз берган хонадон ҳам қайсибир маҳаллага қарашли аслида. Нега улар воқеа шу даражага етгунча томошабин бўлиб туришди? Маҳалла раҳбарлари, фаоллари, турли-туман комиссиялар-чи? Энди уларнинг тўлдирган ва тўлдиратган куруқ қоғозлари Гулсарани тириктириб берармиди? Сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладом?

Ёрмат РУСТАМОВ
«Mahalla»

ЖИНОЯТГА МОЙИЛ АЁЛЛАР КАТЕГОРИЯСИ: энди барча хотин-қизлар жиноятчими?

«АГАР 23 ТА КЕТМА-КЕТЛИК БЎЙИЧА ЎЗИМНИ СЎРОҚ ҚИЛСАМ,
МЕН ҲАМ КАМИДА 3 ТА БАНД БЎЙИЧА «ХУҚУҚБУЗАРЛИККА
МОЙИЛ» БЎЛИБ ЧИКАМАН. ҚАНИ МАНТИҚ?»



Сўнгги пайтларда у ёки бу соҳада амалга оширилаётган ишлар юзасидан тарқатилаётган ахборотлар жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Бунга кимдир ўз манфаатини кўзлаб, яна биров кимларнингдир қистови билан қарашларини баён этипти. Вазиятга кузатишларидан хулоса қилиб, асосли ва ўринли тақлиф бераётганлар ҳам йўқ эмас.

«Мен жиноятчи эмасман!»
Ўтган hafta шундай фикрлар чоррахасини — Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ИИББ ва Хотин-қизлар қўмитаси томонидан аёллар орасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича резолюция имзоланиши билан боғлиқ ҳолат келтириб чиқарди. Маълум қилинишича, мазкур резолюция билан ҳар бир фуқаролар йиғинида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис ҳамда профилактика инспектори томонидан ҳудудда яшовчи хотин-қиз-

турувчилар, рўйхатдан ўтмай яшовчи аёллар, балоғатга етмаган (18 ёшгача) ва ёш (18-30 ёш) қизлар, ногиронлиги бор, ажрашган, боласини ёлғиз қатта қилаётган, боқувчисини йўқотган аёлларнинг қайд этилиши танқиди маломатларга сабаб бўлди.

«Камида 3 та банд менга тўғри келаркан?!»

«Тўғри-да, хотин-қизларни шу зайл тоифалаш ва камситишга ким ҳуқуқ берди уларга? Демак, юртимиздаги деярли барча хотин-қизлар жиноятчи экан-да? Агар 23 та кетма-кетлик бўйича ўзимни сўроқ

тоифа бўйича электрон картотекаларини шакллантириш вазифаси белгилаб олинган. Шу асосда «Тошкент шаҳрида хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар» ишлаб чиқилиб, Тошкент шаҳар ҳокими томонидан имзоланган.

Унинг асл мақсади жиноятга мойил аёлларнинг 23 тоифасини аниқлаш эмас, балки барча хотин-қизларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилияти ҳамда имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ёрдамга муҳтож, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган ҳамда бошқа тоифадаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишдан иборатдир. Хотин-қизлар қўмитаси аёлларнинг интернетда айтилаётгани каби рўйхати тузилишини қатъиян қоралайди ва бунини демократия тамойилларига зид деб ҳисоблайди.

Ана, ҳолос. Ахборотнинг кучи бутун бошлик жамият аъзоларининг фикрини ўзгартириб юборди.

Ахборот нотўғри талқин қилинган... (ми?)

Кун ўтмай, рўйхат тузишга бош-қош бўлган Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳам ҳолатга ўзининг расмий муносабатини билдирди.

«Ушбу юритилган дастур аслида оғир турмуш шароитига тушиб қолган, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўмакни ташқаридан излаётган ва умидсизликка тушган хотин-қизларнинг муаммоларини аниқ, манзилли ўрганиб, уларни ечилишга қаратилган. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Наҳматдинова мазкур мақола сабабли жамоатчилик орасида юзага келган ноҳуш вазият учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Элмира Боситхоновадан узор сўрайди», — дейилади пойтахт ҳокимлиги баёнотида.

«Муаллифлар» нима дейди?

Тошкент шаҳар ИИББ келиши билан алоҳида-алоҳид

ҳида категория жамлангани тушунмовчиликни келтириб чиқарган.

«Аслида битта рўйхатда, бир сарлавҳа остида иккита турли йўналишдаги категориялар жамланган. 1-дан 4-пунктгача ҳақиқатан ҳам назарий жиҳатдан жиноят содир этиши эҳтимоли бўлганлар кўрсатилган, рўйхатнинг қолган 19 та тоифаси эса ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқий кўмакка эҳтиёжи бўлган гуруҳлар ҳисобланади. Албатта, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий хизматга эҳтиёжи бўлган бу 19 та тоифа дастлабки 4 та тоифа билан бир рўйхатда кўрсатилиши керак эмас эди. Мазкур соҳада ишлайдиганлар учун бу рўйхат аниқ ва тушунарли бўлиши мумкин, лекин кенг жамоатчилик учун бундай рўйхат тушунмовчиликни келтириб чиқариши табиий. Тушунмовчилик учун узор сўраймиз. Бундай йўналиш бўйича ҳар доим иш олиб борилган. Бу рўйхат янгилик эмас, шунчаки очкилик нишонаси, ҳолос. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва одамларга ёрдам беришнинг шартли рўйхати ҳисобланади. Албатта, у мазкур йўналишдаги ягона ва асосий рўйхат бўлиб қолмаслиги керак».

Айб кимда?

Шунча расмий баёнотлар, чиқишлар қилинган бўлса-да, улар кутилганидек натижа бермади. Негат? Чунки тўғрими, нотўғрими биринчи тарқатилган ахборот аудитория томонидан қабул қилиб бўлинган. Хўш, аслида айб кимда: ахборот манбасидими ёки тарқатувчиди?

— Биринчи ўринда ахборот берувчи айбдор, — дейди журналист Бекзод Нугманов. — Лекин расмий баёнот ҳам тўғри берилмади. Ахборот тарқатувчи — аммавий ахборот воситалари фикр билдирмайди, у факт беради. Бўлиши — бўлди, ёндини — ёнди, дейди. Бойси журналистлар ҳаммаша хабарни бетараф ёзади. Унга муносабатини эса тармоқлардаги ҳақиқатларда қолдиради. Блогерлар эса ўзининг шахсий фикрини билдириб, аудиториясига таъсир қилади.

Хуллас, шунақа гаплар. Бу борада ҳар кимнинг ўз ҳақиқатлари бор. Умид қиламизки, келажакда ахборот берувчилар бирор янгиликни узатишдан олдин, уни ҳар томонлама ўйлаб, ижтимоий-сиёсий жиҳатларини кўриб чиқали. Бўлғуси акс-садоларни прогноз қилган ҳолда узатади ёки узатмайди. Пировардида ахборот тарқатувчи пишиқ-пухта, сифатли, энг асосийси, жамиятдаги социал ва гендер тенглигига путур етказмайдиган материалга эга бўлади.

Садокат МАХСУМОВА
«Mahalla»

ДАРВОКЕ...

Хотин-қизларнинг куйидаги 23 та тоифа бўйича картотекаларини шакллантириш белгиланган:

1. Муқаддам судланганлар;
2. Жиноят содир этганлар;
3. Пробация ҳисобидагилар;
4. Гиёҳвандлар;
5. Спиртли ичимликка ружу қўйганлар;
6. Тажовузкор руҳий касаллар;
7. Жиноят содир этишга мойиллар;
8. Узоқ муддатга чиқиб кетганлар;
9. Узоқ муддатдан қайтганлар;
10. Маънавий кўмакка муҳтожлар;
11. Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчилар;
12. Одоб-ахлоқ доирасида ҳуқуқбузарлик содир этганлар;
13. Оила муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этганлар;
14. ИИББ ва таълим муассасалари ҳисобидаги қизлар;
15. Суицид содир этган хотин-қизлар;
16. Ажрим ёқасига келиб қолган оилалар;
17. Ишсиз хотин-қизлар;
18. Кам таъминланганлар;
19. Тошкент шаҳрида вақтинча истиқомат қилувчи хотин-қизлар;
20. Рўйхатсиз яшаётган хотин-қизлар;
21. Тиланчилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар;
22. Воёга етмаган қизлар (18 ёшгача) ва ёш қизлар (18-30 ёшлар);
23. Ногирон, ажрашган, боласини ёлғиз қатта қилаётган, боқувчисини йўқотган аёллар.



ларнинг 23 тоифа бўйича картотекаларини шакллантириш белгилаб берилган. Бунинг қандай муҳокамаи жойи бор, резолюция қабул қилинса, қилинибди-да, шунга шунча шов-шувми, дейишингиз мумкин. Лекин бунга бироз шошилманг. Тўғри, сизнинг мулоҳазангизда ҳам жон бор. Бироқ ҳамкорликда бошланган иш тафсилотлари турли манбаларда турлича талқинларни келтириб чиқарди. Оқибатда жамоатчилик орасида резолюцияни қабул қилганларга қарата аёвсиз «тош»лар отилди. Ҳатто ижтимоий тармоқларда хотин-қизларимизнинг «Мен жиноятчи эмасман» ҳештеглари пайдо бўлди. Тарқатилган хабарларда картотека кимларга очилиши ҳақида 23 та банд келтирилган. Улар орасида, айниқса, ишсиз аёллар, кам таъминланганлар, пойтахтда вақтинча рўйхатда

қилсам, мен ҳам камида 3 та банд бўйича «хуқуқбузарликка мойил» бўлиб чиқаман. Қани мантиқ? Нима энди, воёга етмаган қизларнинг барчасидан ҳадиксирашимиз керакми?»

Бу — сайтлари блогларда қолдирилган муносабатлардан сўнг чиқарилган хулоса. Шу каби изоҳлар урчигач, масъуллар ҳолат юзасидан раддия беришди. Хусусан, Хотин-қизлар қўмитаси берган расмий раддияда рўйхатнинг асл мазмунини бошқа эканлиги, ахборот нотўғри талқин этилаётгани айтилди:

«10 та туманда ўтказилган йиғилишлар натижасига кўра, ҳар бир маҳаллада маҳалла мутахассиси ва профилактика нозирлари томонидан ҳудудда истиқомат қилувчи хотин-қизларнинг (жиноятчиликка мойилларнинг эмас, барча хотин-қизларнинг) 23 та

Божхона қўмитаси раиси жиноий гуруҳни фош қилишда иштирок этди.

Қулайлик, тезкорлик: ташувчилар бунга қачон эътибор қилади?

Бугун автомобиллар узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган энг мақбул кўмакчига айланиб улгурди. Ҳукуматимиз томонидан аҳолига транспорт хизматини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, янги-янги йўналишларни йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Айниқса, шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда автобуслар қатновининг ортаётгани қувонарли ҳолат. Чунки у енгил машиналарга қараганда нарх борасида анча арзон, шу билан бирга, ишончли ва хавфсизлиги билан ажралиб туради. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 10 январдаги «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қанот бергани ҳам рост.



(ҳозирги вилоят транспорт бошқармаси) зиммасига аниқ вазифалар тақсимлаб берилган. Мутасаддилар эса кўзга кўринарли ўзгаришлар қила олишмади.

Ўриндиқлар сонидан икки баравар кўп йўловчи

— Ҳар ҳафтамиз дам олиш кунлари ота-онамни кўриб келиш учун Қасби туманининг Қамаш қишлоғига бораман, — дейди Воҳид Аҳмадов. — Мазкур қишлоққа бориш учун қамашликлар, асосан, Миришкор томон қатновчи автобуслар ёки йўналишсиз таксилар хизматидан фойдаланишди. Мен бу сафар «Қариш — Қамаш — Миришкор — Жейнов — Чандир — Помук» ёзуви автобусга чиқдим. Йўловчилар кўп бўлгани учун тезда жўнаса керак, деб ўйлагандим. Бироқ... Автобусда оёқ босадиган жой қолмаган, ҳайдовчи эса йўловчи қақриб, овозининг борича жасар соларди. Бир-иккита кекса кишиларнинг «Болам, шунча одам олдинг, ҳайда-да энди. Автобусга чиққанимизга икки соат бўлди-я», деган гапларига тинагини ҳам бузишмади. Мен ҳам шошаётганим учун соатга қарадим. Рон-пал-роса 13:40. Демак, автобусга чиққанимизга ҳам бир соатча бўлиб қолибди. Энди юрса керак, дея ҳайдовчига шитисоли тикалман. Ниҳоят, орадан яна бир

соат ўтиб, 14:45 да автобус жойидан кўзгалди. Бу вақтга келиб айрим йўловчилар аллақачон тушиб, таксида кетишган, қолганларнинг ҳам кутавериш силласи қуриганди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, ҳар бир йўналиш қатнови талабгорларга тендер танлови асосида берилади. Бунда иштирокчиларнинг салоҳияти йўналишда белгиланадиган энг мақбул нархдан тортиб, транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили, ўриндиқлар сони каби бир қанча мезонлар асосида баҳоланади. Демак, ўша йўналишда фаолият олиб бораётган тадбиркор танловда ғолиб чиқиш учун автобус ўриндиқларига мос тарзда йўловчи ташишини таъкидлаган. Шундан фойда олишини ҳам аввал ҳисоб-китоб қилган. Унда нега энди ўриндиқлар сонидан икки баравар кўп йўловчи олиб ҳам қаноат қилмаяпти? Нега унга пул тўлаган йўловчи манзилига тик туриб бориши керак?

Бундай ҳолатни Қариш шаҳрининг марказий қўчасида қатнаётган автобусларда ҳам учратиш мумкин. Айрим автобус ҳайдовчиларининг кўпроқ йўловчи олиш учун баъзи ўриндиқларни бутунлай олиб ташлаганига нима дейсиз? Ёшларку майли, кекса кишилар, ёш болали, ҳомиладор аёллар манзилига тик оёқда боришига нима дейсиз? Нега мутасаддилар бунга эътибор қилишмаяпти? Автобусдаги ўриндиқларнинг танловда кўрсатилганидан анча камлигини ким текширади? Ахир бу йўловчилар ҳуқуқларини менсимаслик эмасми?

380 та автобус аҳоли хизматида

Вилоят транспорт бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, 2017-2021 йилларда янги автобуслар ва микроавтобуслар сотиб олиш параметрларига асосан, вилоятда жами 287 та, шундан 2018 йилда 51 та автобус харид қилиниши белгиланган. Президентнинг 2018 йил 28-29 январдаги вилоятга таширифи чоғида берган топшириқлари ва Чирокчи туманида ўтказилган йиғилиш баёнига асосан, бу

рақам 69 тага ўзгарган.

Шунингдек, «Avtotrans Qarshi» унитар корхонаси томонидан шу йил апрелида «ISUZU» русумли 50 дона автобус келтирилиб, Қариш — Қамаш, Қамаш — Шаҳрисабз, Қариш — Косон, Қариш — Пистали, Қариш — Ҳилол йўналишларида, Қариш шаҳридаги Ойдин бозоридан Ерқўргон бозоригача, Богободдан Арал-овулгача қатнов йўлга қўйилган.

— Ҳозирги кунда вилоятда 380 та автобус аҳолига хизмат кўрсатаяпти, — дейди вилоят транспорт бошқармаси бошлиги Улғабек Эрназаров. — Умуман эътибор эса 570 таки таъкид этади. Биргина Қариш шаҳрини оладиган бўлсак, 1-йўналишда 30 та, 2-йўналишда 2 та, 12-йўналишда 20 та, 6-йўналишда 40 та автобус ҳаракатланади, жами 92 та. Агар яна 60 та автобус олиб келинса, шаҳардаги эътиборни қопласа бўлади.

Агар мутасаддининг сўзларига таянганда бўлсак, нега аҳоли бошқа турдаги транспортларда юришни маъқул кўришмоқда. Уларда аниқ белгиланган қатнов режими йўқлиги, йўловчи олиш ва туширишнинг фақат белгиланган нукталар(бекат)да амалга оширилмаслиги, ҳатто баъзи жойларда бекатнинг ўзи мавжуд эмаслигини ҳам бунга асосий сабаб деб кўрсатиш мумкин.

Тўғри, енгил автомобиль ҳар томонлама қулай, бироқ унинг йўл ҳақини ҳамманинг чўнтағи кўтармайди. Бу вилоят марказидаги ҳолат, қишлоқларда эса тоннада бир автобус бўлади, асосан, бозорчилар ва талабалар билан шаҳарга йўл олиб, туш вақти яна шуларни олиб қайтади. Бундан бошқа вақтда автобусда юриш ҳақида гап-сўз ҳам бўлиши мумкин эмас...

Шуниси аниқки, Президент қарорида ҳам, шунга асосан, қабул қилинган вилоят ҳокимининг қарорида ҳам бир мақсад кўзланган: одамларнинг оғирини енгил қилиш. Бироқ ҳозирги вазиятдан буни илгаш жуда мушкул.

Хулоса ўрнида айтганда, юртимизда аҳолининг транспорт хизматида фойдаланишга эътибори ортган. Соҳада қилинаётган ишлар эса йўловчиларнинг ўз манзилига ҳатарсиз етиши, сифатли хизматдан баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган. Бунга шароит яратувчи қатъий тартиб-қоидалар белгиланган. Ижросига масъул айрим таъкилотлар мутасаддилари эса қачон «тебранади»?

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

Шу асосида Қашқадарё вилояти ҳокимининг ҳам қарори қабул қилинди. Унга кўра, Қашқадарё вилоятида 2017-2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотransпорт хизматларини янада ривожлантириш дастури тасдиқланиб, йўловчилар ташийдиган янги автобус йўналишлари ташкил этилиши, шу мақсадда замонавий автобус ва микроавтобуслар сотиб олинishi, автостанциялар қурилиши ва мавжудлари реконструкция қилиниши режалаштирилган.

— Қарор чиққач, энди шаҳарда ҳам автобуслар қатнови кўпаяди, транспорт тизими тубдан яхшиланади, деган умид тугилганди, — дейди Қариш шаҳридан Гулрўх Жўраева. — Афсуски, ундай бўлмади. Ишга кечикмаслик учун автобусдан кўра, қимматроқ бўлса-да, йўналишли таксиларни афзал кўрамиз.

2018 йил 1 июлгача (!) Қариш шаҳрида йўловчилар ташиш транспортда йўлқира учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш тизими жорий қилиниши, тўхташ бекатлари манаунавий лойиҳалар бўйича жойлаштирилиши, автобус ва микроавтобуслар ишини масофадан онлайн режимида (GPS) доимий кузатиш йўлга қў-

йилиши кўзда тутилганди. Ушбу режаларни амалга ошириш учун эса оз эмас, кўп эмас, нақ бир ярим йил муддат белгиланди. Ўша муддат ортда қолганига эса мана бир йилдан ҳам ошди. Хўш, нима ўзгарди?

Эски ҳаммом, эски тос

Узокни эмас, Қариш шаҳридаги 1-йўналишли автобусларни олайлик. Бу йўналишда автобусларнинг эмин-эркин ҳаракатини таъминлаш мақсадида нақонуний таксичилик билан шуғулланаётган «Damas»лар фаолиятига ҳам чек қўйилди. Аммо шунча имконият имтиёз билан ҳам автобуслар қатнови изга тушиб кетмади. Уларнинг одам тўлдирish ниятида секин ҳаракатланишдан кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлди. Мутасаддилар ҳам аниқ вақт режимида ҳаракатланишни назорат қила олмади. Хуллас, ҳали ҳам эски ҳаммом, эски тос.

Ваҳоланки, вилоят ҳокимининг қарорида бу борадаги ишларни кўнгилдагидек йўлга қўйиш учун Қариш шаҳар ҳокимлиги, Марказий банк ва вилоят молия бошқармалари, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят бошқармаси



ДАРВОҚЕ...

2019 йилда вилоятда 4 та шаҳар ичи, 4 та шаҳар атрофи, 1 та шаҳарлараро, жами 9 та автобус йўналиши ташкил этилиши белгиланган. Қариш авто шоҳбекатидан Шайхалига, аэропортга, шунингдек, Пахтазор митти тумани бўйлаб айланма ҳаракатли йўналиш бўйича руҳсат сўраб 2018 йил 19 июлда ва тақроран 2019 йилда Қариш шаҳар ҳокимлигига хатлар юборилган. Лекин шаҳар ҳокимлиги томонидан ушбу йўналишларни очиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган.

Мактабгача таълим муассасаларига қабул жараёнини мукамаллаштириш таклиф этилмоқда.



Аҳолини рўйхатга олиш нима учун керак?

Кўп йиллик дастурлар, амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар ва белгилаб олинаётган режалар манзил аниқ бўлсагина, юқори самара беради

Республикада ҳам энди ана шундай муҳим жараён йўлга қўйилади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фарҳукукий асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳўш, мазкур фармон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси доирасида қандай ишлар амалга оширилади? Аслида рўйхатга олиш нима учун керак? У неча босқичда ўтказилади?

Мазкур тadbир бизга нима беради?

Аҳоли сонини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва эълон қилишнинг ягона жараёнидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ривожланишнинг прогност кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратаяди. Аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

Ўз навбатида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот тарзида фойдаланилади. Аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш бўйича расмий статистика тизимида асосий роль ўйнайди.

Рўйхатга олиш қандай амалга оширилади?

Мазкур жараён уч босқичда амалга оширилади. Биринчиси, тайёргарлик босқичи бўлиб, уч йилга яқин вақт давом этади. Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу тахминан икки ой муддатни ташкил этади. Сўнгги босқич қарийб уч йил давом этиб, олинган маълумотлар қўллаштириш ёрдамида таҳлил қилиниб, натижалар эълон қилинади.

Рўйхатга олиш жараёнида тўпланадиган статистик маълумотлар ягона электрон ахборот тизимига киритилади. Яъни бундан бу ёғига қўғозбозликдан воз кечиб, замонавий технологияларни жорий этишга эътибор қаратилади.

Ўзбекистоннинг мукаммал кадастр харитаси яратилади

Аҳолини рўйхатга олиш бораборида яна бир муҳим вазифани бажариш кўзда тутилган. Бу — ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйлarning рўйхатини тузиш билан боғлиқ масала.

Турар ва нотураржойларнинг аниқ сони, ҳолати, фойдаланилмай ётган ёки муддатини ўтаб бўлган биноларни белгилаб олиш билан тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат объектларни қуриш ва таъмирлаш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, республиканинг янги мукаммал кадастр харитаси яратилади.

Режа аниқ, вазифа масъулиятли

Кейинги уч йил давомида масъул мутасаддиларни қайноқ иш жараёни кутиб турибди.

Уларни муваффақиятли бажариш билан Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти, шаҳари, туманидан тортиб маҳалласига кўчасига, чекка кишлоқ ва олис овулларигача алоқадор бўлган барча маълумотларни ўзида акс эттирган ягона ахборот базасига эга бўламиз. Бу қимматли маълумотлар эса бизга бугун, эртага ва яқин келажакда жуда аскадади.

Зотан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган кўп йиллик дастурлар, амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар ва белгилаб олинган режалар манзил аниқ бўлсагина, юқори самара беради. Демак, мазкур жараён билан шу чоккача эътибордан четда қолиб келган соҳага чинакам пойдевор қўйилади, дейиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

Мавлудхон ХўЖАЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Мехнат ва ижтимоий
масалалар қўмитаси
раиси.

ИНФОГРАФИКА

Аҳолини рўйхатга олишда қандай усуллардан фойдаланилади?



Сўров усули — рўйхатга олиш махсус анкетани тўлдириб, юзма-юз суҳбат асосида, инспектор томонидан амалга оширилади. Бу Россия Федерацияси ва бошқа МДХ мамлакатларида қўлланилади.



Ўзи ҳисоблаш ва тўлдириб усули — махсус анкета рўйхатга олинувчи шахс томонидан тўлдирилади. Шунингдек, бунда бир оилادا истиқомат қилаётган айнан бир нафар шахс фарзандлари ёки яқинлари учун тўлдириб мумкин. Рўйхатга олувчи инспектор эса анкетанинг тўлдирилишини назорат қилади, ҳолос. Бу усулдан Европадаги бир қатор давлатларда фойдаланилади.



Аралаш (анкетали) усул — махсус анкета рўйхатга олинувчилар манзилга почта ёки интернет орқали юборилади. Фуқаролар анкетани тўлдириб, статистика хизмати қайта жўнатади. Анкета келмаган манзилларга эса масъуллар юборилади. Ушбу усул камҳаржлиги билан ажралиб туради, бироқ амалда қўтилган натижани бермаётган.

ДАРВОҚЕ...

РЎЙХАТГА ОЛИШ ИЛК МАРТА ҚАЧОН ЎТКАЗИЛГАН?

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари илк бор қадимги Греция, Бобил, Месопотамия, Рим, Хитой, Япония ва Мисрда ўтказилган. Лекин бу аксарият ҳолларда солиқ йиғиш, яъни бож олиш ҳамда ҳарбий мақсад учун қаратилиб, фақат эркаклар рўйхатга олинган.

Аҳолини расмий рўйхатга олиш 1790 йилда АҚШда, кейинчалик 1800 йилда Швеция ва Финляндияда, 1801 йилда Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган. XIX асрга келиб аҳолини рўйхатга олиш кенгайди. Хусусан, XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизи рўйхатга олинган бўлса, XX аср бошида 54 фоиз аҳоли рўйхатдан ўтказилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин 151 та давлатда, 1965-1974 йилларда 179 та давлатда аҳоли рўйхати ўтказилган.

Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган бўлиб, бу оилалар сони, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда ҳам аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Бугун нафақат пойтахтимиз, балки вилоятларда ҳам катта савдо расталари фаолияти йўлга қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизга кенг қулайликлар яратмоқда. Бойси доим ҳам иш ёки юмушлардан ортиб кун бўйи бозор айланишга вақт топилмайди. Шундай пайтларда эҳтиёжimiz учун зарур бўлган барча маҳсулотларга эга супермаркетлар бизга асқатади. Аммо негадир бундай тармоқлар бизда кўп эмас. Хўш, нима учун?



гаплар билан айблаш осонроқ, шундай эмасми?

Етказиб берувчи «боғча болалари»... ми?

Савдо тармоғи вакили етказиб берувчиларни болаларга қиёслади. Уларга саводли ва маданиятли бўлишни маслаҳат берди. Муаммонинг моҳиятига оид барча масалаларни эса имзаланган шартномага ҳавола қилиб қўя қолди. Мана сизга ишлаб чиқарувчи бўлган муносабат! Шунинг ўзиёқ бугун ишлаб чиқарувчилар ва савдо тармоқлари ўртасидаги муносабатларда жиддий муаммолар борлигини кўрсатади.

Шу ўринда ҳақиқат савол тугилди: нега давлат бундай вазиятда тегишли чора кўрмайди? Афсуски, бунинг имкони йўқ. Чунки амалдаги қонунчиликка кўра, шартномада камситувчи ва ноқулай шартлар қўйишни тақиқлаш қондаси фақат товар бозорига «устун мавқе»ни эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилади. Товарларнинг улуши эллик фоиз ва ундан кўп, шунингдек, муайян шартлар мавжуд бўлганда ўттиз беш фоиздан эллик фоизгача ташкил этадиган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳининг мавқеи товар бозорига устун деб ҳисобланади.

Рақобат қўмисининг маълумотида кўра, ҳозирда Ўзбекистонда ҳеч қайси савдо тармоғи устун мавқеи эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилмаган. Бу эса савдо тармоқларини камситувчи ва ноқулай шартларни белгилашга ҳақлиқ учун жавобгарликка тортишга йўл қўймайди.

Муаммонинг ечимини борми?

Бундай вазиятда нима қилмоқ керак? Қандай йўл тутилса, ҳар икки томон ҳуқуқлари химояланади? Ёки гегемон савдо тармоқлари ишлаб чиқарувчини ҳурмат қилишни ўрганади?

Аввало, савдо тармоқлари томонидан етказиб берувчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини камситиш, ноқулай шартлар ўрнатишга олиб келадиган ҳаракатларга чек қўйиш керак. Шунингдек, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, «устун мавқе»га эга бўлмаган, лекин савдо соҳасида «юқори мавқе»га эга хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан антимонополь қондаларни бузганлик учун жавобгарлик белгилаш вақти келди. Йўналишдаги янгиликлар, ўз навбатида, хизматлар сифатининг яхшиланиши, соғлом рақобат муҳитининг қарор топишига хизмат қилади. Пировардида аҳолига ҳам қулайлик яратилади.

Аъзам МАДАМИНОВ,
Ҳусан РАЖАПОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сифат тадқиқот институти ходимлари.

САВДО ТАРМОҚЛАРИ ҲУҚУҚСОНЛИГИ: шартнома эркинлигимиз ёки суиистеъмол?

САВДО ТАРМОҚЛАРИНИНГ КАТТА ҲАЖМДА ТОВАРЛАР СОТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ТУФАЙЛИ ЧАКАНА САВДО БОЗОРИДАГИ РАҚОБАТ МУҲИТИГА ПУТУР ЕТАЁТИР

Тан олиш керак, бугун озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш бозорида савдо тармоқларининг таъсири кучайиб бормоқда. Масалан, юртимиздаги йирик тармоқлардан бирининг савдо объектлари сони икки йил ичида деярли 3 баробарга кўпайган. Албатта, бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ, ақсинча, ҳар бир янги савдо объекти, бу — янги иш ўринлари, аҳолига қулайлик дегани. Аммо масалага фақат бир нуқтаи назар билан ёндашиб бўлмайди.

Савдо тармоқларида қандай муаммолар бор?

Барча соҳаларда бўлгани каби ушбу йўналишда ҳам ечимини қутаётган муаммолар талайгина. Ҳусусан, савдо тармоқларининг



ЎҚИҢГ, БУ — ҚИЗИҚ!

Хориж тажрибаси қандай?

Австрия, Германия, Корея Республикаси, Латвия, Италия, Япония, Франция, Словакия, Россия ва Қозғистонда чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи ва устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун махсус антимонополь қондалар ўрнатишган. Уларни бузганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланган.

Германия, Латвия, Япония, Корея Республикасида бундай қондалар тўғрисидаги қонунлар билан амал қилинган. Чунки, Австрияда «Қишлоқ жойларда маҳаллий етказиб берувчиларни химоя қилиш тўғрисида»ги қонун, Францияда Тижорат кодекси, Сло-

ватияда эса «Чакана савдо тармоқларининг маъмурий тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлар шулар сирасидан. МДХ давлатларидан ташқари, савдо-сотиқ ва шартномавий муносабатларда антимонополь талаблар бузилганини аниқлаш мақсадида махсус «юқори мавқеи суиистеъмол қилиш» тушунчасидан кенг фойдаланилади. Шу билан бирга, «юқори мавқе»нинг умумий мезонлари сифатида маҳсулот етказиб берувчининг савдо тармоғига қарамлик даражаси, контрагентни алмаштириш имкониятининг чегаралангани, савдо объекти ва етказиб берувчи ўртасида узок муддатли савдо муносабатларининг мавжудлиги ҳам эътиборга олинади.

Сотиб олувчи ҳатто ишлаб чиқарувчига шартлар қўя бошлайди. Масалан, бир турдаги маҳсулотни етказиб берувчилар учун савдо тармоғи томонидан турли етказиб бериш шартлари ўрнатилади, шартнома шартларини айнан бир хилда бузганлик учун жавобгарлик белгилаш ҳам фарқланади. Баъзи «ҳаддини билмаганлар» эса ишлаб чиқарувчига бошқа савдо тармоқлари билан шартномалар тузишни тақиқлайди. Шунингдек, товарлар ва маҳсулот нархини

зарар етказадиган даражада арзонлаштиришни талаб қилади. Сотишмай қолган ва яроқлилик муддати ўтган маҳсулотларни қайтариб бериш, тўловларни асосиз кечиктириш каби ҳолатлар қузатилади.

Жабрини ишлаб чиқарувчи тортади

Савдо тармоқлари томонидан товар етказиб берувчиларга нисбатан адолатсиз муносабатларга шу кунга қадар бунга кўз юмиб келинган. Бироқ ишлаб чиқарувчиларга ноқулайлик туғдираётган бу вазият шундайлигича қолмаслиги аниқ эди.

Нихоят, уларнинг ҳам сабр қосаси тўлиб, савдо тармоқларининг етказиб берилган маҳсулотлар учун 30-60 кун, баъзан 9 ойгача тўлов амалга оширмаётганини маълум қилишди. Ваҳоланки, импорт маҳсулотларини етказиб берувчиларга 100 фоиз олдидан тўлов амалга оширишди. Бу ҳам етмаганидек, пули тўланмаган маҳсулотни муддати ўтди, деган баҳона билан ишлаб чиқарувчига қайтарди. Қани адолат?

Бошидан ўтган табибми?

Хўш, аслида вазият қандай? Бу саволга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистондаги йирик савдо тармоқларидан бирининг вакили билан суҳбатлашдик. Жавоблар эса биз кутгандан-да ўзгача бўлди:

«Савдо тармоғи маҳсулот етказиб берувчиларга ўз вақтида ҳақ тўламайди».


Тўлов билан боғлиқ барча масалалар қонунчилик ва етказиб бериш шартномаларига мувофиқ тартибга солинади. Томонлар ушбу шартларни муҳокама қиладилар ва шартномани имзолайдилар. Нега давлатга шикоят қилиб, тўлов муддатини қисқартиришни сўрашди, агар шартномани ўзлари имзолаган бўлса? Болалар боғчаси, қисқаси.

«Савдо тармоғи сифатсиз ва муддати ўтган товарларни етказиб берувчига қайтарди».

Бу масала ҳам бизнинг шартномаларимиз билан тартибга солинади. Лекин бу ерда шунини қўшимча қилмоқчиманки, биз сизнинг шерингиз сифатида истеъмолчилар томонидан: улар бизнинг хўжалиқларимиз ва биз нарх ҳамда сифат масалаларида ҳар доим уларнинг тарафдоримиз!

Агар биз сизнинг ҳуқуқларингизни бузган бўлсак, унда биз ҳам сиз каби хўжалик юритувчи субъектлармиз. Ўзингизни саводли ва маданиятли тарзда тутинг, шартларнинг бажарилишини талаб қилинг ва агар биз уларни бузган бўлсак, судга муросеат қилинг. Шунда биздан сизнинг фойдангизга жараима ҳам ундиришади. Аммо сиз бундай қилмайсиз, чунки судда иш шартнома ва қонун асосида қўриб чиқилади, бу шартномани сиз ҳам, биз ҳам имзолаганмиз. Ваҳоланки, биз уни бузмадик. Йигилишларда бизни қуруқ

Пойтахтимиздаги «ЧОРСУ» меҳмонхона мажмуаси қайта сотувга қўйилади.



Ўқишга киритувчи «саховатпешалар»: уларнинг бозори ҳамон чаққонми?

ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИНГ ЕТИШИБ ЧИҚИШИ УЛАРНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА САРАЛАБ ОЛИШДАН БОШЛАНАДИ. ШУ МАЪНОДА БУГҲУН БИЗ ШУНЧАКИ ФИРИБГАР ДЕБ АТАЁТГАН КИМСАЛАР АСЛИДА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗГА ҒОВ БЎЛАЁТГАНЛАРДИР

Университетта ўқишга кира олмаганимни эшитган кўшим — етмиш ёшни қоралаб қолган Ҳайит бобо: «Отангиз зикналик қилиб пул бермагандан кейин ўқишга қиролмайсиз-да» деган эди. Очиғи, ўшанда қандай жавоб қайтаришни билмай, бош эгиб қолганман. Негаки, ўша пайт ўқишга қабул қилинган ҳамкишлоқларнинг аксариятини билимдон деб бўлмасди. Умуман олганда, ўша вақтларда бунга табиий ҳол, деб қабул қилганимиз ҳам бор гап.

Сўнги йилларда таълим соҳасидаги ўзгаришлар сабаб тест синови жараёнларида ижобий ўзгаришлар бўлди. Синовларнинг очик, шаффоф ўтказилиши учун имкониятлар яратилмоқда. Бу талабалikka билимдон ёшларни саралаб олишда кўл келяпти. Аммо ҳамон кингир йўл билан талаба бўлишни истаётганлар ва уларнинг огирини енгил қилиш илинжида даромад топомқчи бўлаётганлар ҳам учраб турибди.

Ишонувчанлар бор экан, «фаолият» давом этаверади

Андижон давлат университетининг архив мудирини уч нафар фуқарони мазкур таълим даргоҳининг «Тасвирий санъат» йўналиши бўйича сиртки бўлимга ўқишга киришиб қўйиш эвазига уларнинг ҳар биридан 4 минг АҚШ доллари, жами 12 минг АҚШ долларини ўз хизмат хонасида олаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган. Шунга ўхшаш ҳолат Гулистон давлат университетида ҳам кузатилган. «Ижтимоий-иқтисодий» факультети декани ўринбосари абитуриентни «Тарих» факультетида ўқишга киришиб қўйиш эвазига ундан 1 минг 500 АҚШ доллари талаб қилиб, 1 минг АҚШ долларини олаётган пайтда қўлга олинган.

Бу каби хабарларни ўқиб, беихтиёр ўйлаб қоласан, киши. Нахотки, шунча имконият яратиб берилишга қарамай, ҳамон ўқишга киришиб қўйиш эвазига пул ишлаш мумкин, деб ўйлайдиган ва уларга ишонадиганлар топилса. Афсуски, кузатилаётган ҳолат бунини исботламоқда. Тўғри, доимо фирибгарлик йўли билан бойлик орттириш истагидаги кимсалар топилади. Фирибгарларга ишонувчан одамлар бор экан, уларнинг «фаолияти» давом этаверади. Аммо биз айтётган таъмагирлар таълим соҳасининг вакиллари. Ёшлар ибрат олиши

керак бўлган инсонлар. Бу эса бизни янада хушёр бўлишга чорлайди.

Пулсиз ўқишга кириб бўлмайdimи?

Юқорида айтилганидек, маълум муддат давомида «Пул бўлмаса, ўқишга кириб бўлмайди», деган ақидага ишониб қолдик. Қизиги, ана шу ақидани маҳкам тутган айрим юртдошларимиз фарзандининг ўрнига тест синовида иштирок этадиганлар чўнтагини пулга тўлдирётганига нима дейсиз?

Хужжатни сохталаштириб, бировнинг ўрнига тест синовида иштирок этадиганлар мураккаб саволларга жавоб топа олар экан, бунинг ҳар бир инсон худдаши мумкин эмасми? Бунинг учун кимгадир пул бериш ўрнига ўша маблағни билим олишга йўналтирган яхши самара бермайdimи? Таъкидлангани каби қабул жараёнига қўллаб ўзгартишлар киритилди. Жумладан, соҳада замонавий технологиялар жорий этилди. Бу сохта хужжатларни аниқлашда кўл келяпти. Масалан, куни кеча пойтахтдаги олий таълим муассасаларидан бирига Ф.Зиёдованинг ўрнига тест синовида кирмокчи бўлган кизнинг аслида бошқа фуқаро экани шахсни идентификациялаш қурилмаси ёрдамида аниқланган.

Ҳожатхонада «шпаргалка»лар?!

Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи Барно Ражабовнинг маълум қилишича, жорий йилда тақиқланган воситаларни тест синови ҳудудига олиб киришга ва имтиҳон вақтида ишлатишга уринаётганлар сони аввалги йилларга нисбатан анча кам. Аммо абитуриентлар орасида бундай ҳолатларни бажаришга ҳаракат қилаётганлар ҳамон кузатиляпти.

Б.Ражабов ҳожатхонага кириб, қайтаётган пайтда «шпаргалка» ва телефонлар билан қўлга тушаётган ёшлар борлиги ва ноўрин ҳаракат қилган абитуриентларга нисбатан далолатномалар тузилаётганини таъкидлади.

Мамлакат тараққиётини малакали кадрлар белгилаши муқаррар. Бугун биз шунчаки фирибгар деб атаётган кимсалар аслида тараққиёт йўлимизга ғов бўлаётганлардир. Илло, бундай кимсаларга қарши куралиш ҳар биримизнинг олдимиздаги бурчимиз бўлмоғи лозим.

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТИ

Мактабда дарс соатлари сотиладими?

ОДАМЛАР ПУЛ БЕРСА, АДОЛАТ, ҲАЛОЛЛИК ҲАҚИДА ГАПИРИБ ҚОЛАДИ. ЛЕКИН ИШ ИЗЛАЁТГАН ПАЙТДА ҚЎШИМЧА «ДАРОМАДИ» БОРМИ, ДЕБ СЎРАШДАН УЯЛМАЙДИ...



Инсоннинг илк қаҳрамони ўқитувчиси бўлади. Чунки ўқувчи устозлар сиймосида барча жумбоқларнинг қалитини биладиган билимдон ва ҳулки билан ҳаммага ўрнак бўладиган қомил инсонни кўради. Лекин у бунга муносиб бўлмаса, ўқитувчи деган шарафни оқлай олма-са-чи?! Афсуски, таълим тизимида ана шундай ўқитувчилар ҳам йўқ эмас.

Ўқувчилар билмасин!

Маълумотларга кўра, Навоий шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби директори ўқитувчига 4 соат дарс қўшиб бериш ва уни асосий ўқитувчи сифатида ишга қабул қилиш эвазига 1 миллион сўм пора талаб қилади. Қилинган пулнинг 600 минг сўмини хизмат хонасида олаётган вақтда эса ашёвий далил билан ушланади. Афсуски, бу ягона ҳолат эмас. Жумладан, жорий йилнинг 27 июнь куни ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан Кўкон шаҳрида ўтказилган тезкор тадбир давомида шаҳардаги 8-умумтаълим мактаби директори фуқарони 0,5 ставкада кутубхоначи ва

олмай қолади. Қолаверса, халқимиз орасида бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида тушуништириш ишларини олиб боришимиз, Жиноят кодексининг 210-моддасида давлат органи, давлат иштирокидаги таъкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, пора олиш энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда, икки йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланишини ҳам эслатиб ўтиш даркор.

Эплаб еса, ҳалоли бўлсин-ми?!

Мақолани ёзишдан аввал таниш-билишлардан фикр сўрадик. Улар сафида мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиганлар ҳам, бозорда савдо қиладиганлар ҳам бор эди. Улардан таъмагир мактаб директори ҳақида эшитганимни-йўқми сўрадик.

Танишларимдан бири турмуш ўртоғи ўқитувчи бўлиб ишлайдиган мактаб директори шундай қилишни сабаб қонун олдида жазолангани ва адолат қарор топганини айтди. Аммо яна бир дўстимнинг сўзи мени ўйга толдирди: «Нимадир эвазига пул олса, нима бўлибди? Унинг ҳам бола-чақаси бор. Эплаб еса, ҳалоли бўлсин! Одамлар пул берса, адолат, ҳалолилик ҳақида гапириб қолади. Лекин иш излаётган пайтда қўшимча «даромади» борми, деб сўрашдан уялмайди-ку!» деди.

Афсуски, дўстим қайсидир маънода ҳақ эди. Чунки биз доим ҳам ҳақимизни талаб қилиб, ҳалоли йўл билан иш битиришни истамаймиз. Натижага эриштиш учун «яқинроқ» йўлни танлаймиз. Иш ахтарсак, қўшимча даромаднинг сўраймиз. Афсуски, ўқитувчи деган улкан шарафни ҳам арзимас қакага сотиб юборамиз. Аммо ҳеч бир сабаб таъмагирлик қилишга арзимаслигини, билаласе, жиноятга жазо муқаррарлигини доим ҳам ўйлаб қўрмаймиз.



0,2 ставкада лаборант вазифасига ишга олиш эвазига ундан 200 АҚШ доллари талаб қилган.

Энди ўйлаб кўринг, ана шундай кимсалар директорлик қилаётган мактабларда таълим-тарбия қай аҳволда бўлади? Бундай ҳолатлар ўқувчилар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмайdimи?

— Ўқувчилар ўрнак оладиган инсонларнинг бундай қилиши бола психологиясида қарама-қарши фикрларни келтириб чиқаради, — дейди юрист **Хуриш Равшанов**. — Ўқувчи кимга ишониши ёки ишонмаслигини аниқлай

Саҳифани Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ тайёрлади.

Мирзо Улуғбек номидаги мактаб-интернатга улкан замонавий телескоп ўрнатилди.

Ташаббус бор, лойиҳа тайёр, фақат маблағ муаммо

БИР ЙИЛДИРКИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЁШ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ, ДЕЯ БОНГ УРДИК. БУГУНГИ АХВОЛ ЭСА БУ БОРАДА ҲАМ МУАЙЯН КАМЧИЛИКЛАР БОРЛИГИНИ КЎРСАТМОҚДА

Ўзбекистонда аҳоли, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, бу борада аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури жойларда йигит-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, шу орқали ёшлар бандлигини таъминлашда дастуриламал бўлаётир. Бироқ айрим ҳолатларда мазкур дастур ижросини таъминлашда баъзи тўсиқлар ҳам учрамоқдаки, бу белгиланган режалар ижросини орқага тортмоқда.

364 та лойиҳадан 42 таси амалга оширилди, холос

Жорий йилда Навоий вилояти бўйича 364 нафар ёш тадбиркорнинг бизнес-режасини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат дастури асосида 108 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, етти ой давомида тижорат банкларида 42 та лойиҳа учун 11 миллиард 379 миллион сўм маблағ йўналтирилди, холос. Натияжада режадаги 308 та ўрнига 166 та янги иш ўрни яратилди.

— Иш ўринлари режага мувофиқ эмаслигига асосий сабаб — ўз бизнесини энди йўлга қўйган ёшларнинг, асосан, яққа тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганидир, — дейди «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармасининг Навоий шаҳар филиали бош мутахассиси Маъруф Фаттоев. — Қонунаризмизга кўра, ЯТТлар бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаб ишлатиши мумкин. Шу боис мазкур дастур асосида кредит олиб, тадбиркорлик қилаётган ёшлар ЯТТ сифатида фаолият юритса, унга янги иш ўрни яратяпти, ундан ортисига руҳсат берилмаган.

«Солиқларни тўлаш тартибидан хабардоримиз ва бунга тайёрмиз»

Ёш тадбиркор Шахзод Сатторов нон ва нон махсулотлари, макарон ҳамда мебель ишлаб чиқариш цехлари фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирган эди. Унинг лойиҳаси 1 миллиард 300 миллион сўмга баҳоланган бўлиб, натижада 15 та иш ўрни яратилиши



ДАРВОҚЕ...

Навоийлик ёшларнинг энг катта муаммоси нима?

Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти кенгашининг жорий ярим йиллик фаолияти юзасидан ҳисобот конференциясида навоийлик ёшларнинг энг катта муаммоси — ишсизлик экани қайд этилди. Ёшлар бандлигини таъминлаш Конимех, Қизилтепа, Кармана ва Учқудук туманлари ҳамда Зарафшон шаҳрида вилоят кўрсаткичидан, яъни 42,8 фоиздан пастлигича қолмоқда.

Шунингдек, вилоятда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларида ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича режа бор-йўғи 17 фоизга бажарилган, холос. «Хар бир ёшга — бир гектар» лойиҳаси доирасида 980 нафар йигит-қизнинг рўйхати шакллантирилган бўлса-да, деярли биронта туманда ёшларга ер майдонлари ажратилмаган.

кўзда тутилган. Бироқ банк томонидан кредит маблағи тўлиқ ажратилмагани сабабли Шахзоднинг тенгдонларини иш билан таъминлаш орзуси рўёбга чиқмапти.

— Жорий йилнинг апрель ойида Хатк банкнинг Хатирчи тумани филиали томонидан 500 миллион сўм кредит ажратилди ва шунинг ҳисобига қўйилган нон тайёрлашни йўлга қўйдим, — дейди ёш тадбиркор. — Ҳозир бу ерда 8 киши иш билан таъминланган. Банкка барча ҳужжатларни тўлиқ тақдим этганман. Агар қолган 800 миллион сўм маблағни ҳам ажратишса, макарон ишлаб чиқаришни бошлаймиз, мебель цехимиз ишга тушади. Ишчилар сони 15 тага етади. Фаолиятимизни МЧДК шаклида ташкил этганимиз, солиқларни

тўлаш тартибидан ҳам хабардоримиз ва бунга тайёрмиз.

Шахзод ўз маблағи ҳисобидан барпо этган уч қаватли бинода у айтган цехларни ишга тушириш учун имконият мавжуд. Макарон цехи учун ажратилган хоналар айни пайтда тўлиқ таъмирланиб, жиҳозлар олиб келиниб, шай қилиб қўйилган. Афсуски, маблағ муаммоси бу режа рўёбига тўсқинлик қилмоқда.

Шахзоднинг айтишича, у яшайдиган «Парахун» маҳалласида азалдан дуралзорлик ва наққошлик санъати ривожланган. Ёш тадбиркор маҳалладошлари турмуш тарзига сингиб кетган бу хунарни янада сайқаллаштириш мақсадида мебель цехи очилишни режалаштирган. Кредит масаласи ҳал бўлса, Мустақиллик байрами арафасида у мебель цехини ҳам ишга туширади. Хуллас, ташаббус бор, лойиҳа тайёр, муаммо фақат банкда!

Кредит гарови ҳам муаммо бўлмоқда

Хатирчи туманида жорий йилда «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси томонидан молиялаштирилиши керак бўлган 94 та лойиҳадан атиги 16 тасига банк кредитлари ажратилган. Ишга туширилган лойиҳалар асосида 61 та янги иш ўрни яратилиши ўрнига 49 киши иш билан таъминланди.

Жамғарманинг туман филиали раиси Жўрабек Эшмаматовнинг айтишича, ҳозирда дастур асосида кредит маблағи олиш мақсадида яна 22 нафар ёш ҳужжатларини тайёрлаб, банкка тақдим қилган. Кредит маблағларининг кечиктирилишига ёшларнинг зарур ҳужжатларни ўз вақтида молия муассасасига тақдим қилмаётгани ҳамда ажратилаётган кредит суммасининг 50 фоизи учун жамғарма кафил бўлган ҳолда, қолган 50 фоизга гаров объекти топилмаётгани ҳам сабаб бўлаётир.

Банк мижоз учун... (ми)?

Қизилтепа туманида «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури асосида 2018 йилда 13 нафар ёш тадбиркорнинг бизнес-режасини молиялаштириш учун 2 миллиард 754 минг сўм маблағ

ажратилган бўлса, жорий йилда 42 миллиард 255 миллион сўм маблағ эвазига 97 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бироқ йилнинг етти ойи мобайнида бор-йўғи 7 нафар ёш тадбиркорга банк кредити ажратилди, холос.

— Ҳудудимизда дастур бўйича ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Қизилтепа туман филиали зиммасига юклатилган, — дейди Ёшлар иттифоқи Қизилтепа тумани кенгаши раиси Жаҳонгир Тошпўлатов. — Афсуски, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги ёшлар мазкур банкда турли муаммо ва тўсиқларга дуч келишмоқда. Бу йўналишда ёшлар бандлигини таъминлаш ҳам қийин бўляпти.

Ёш тадбиркор Феруз Исоков эса банк мутасаддилари кредит олиш истагида ёзган аризасини қабул қилишмаганини айтди. Биз масалага ойдинлик киритиш мақсадида Миллий банкнинг Қизилтепа тумани филиалида бўлдик.

— Дастур асосидаги кредитлар учун маблағ «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармасидан ажратилиши лозим, маблағ бўлмагач, биз кредит беролмаймиз, — дейди ТИФ Миллий банки Қизилтепа тумани филиали бўлим бошлиғи Шаҳобиддин Суннатов. — Жамғарма шу пайтгача ажратган 1 миллиард 100 миллион сўм кредитимизни ҳам ҳанузгача қўллаб бергани йўқ. Шу боис кредит сўра мурожаат қилганларнинг аризасини қабул қилмаганимиз. Аслида қонунийликка кўра фуқароларнинг банкка қилган мурожаати қабул қилиниб, унга уч кун ичида вазият асосида расмий жавоб қайтарилиши лозим. Айни вазиятда мижозни сарсон қилгандан кўра, аризасини қабул қилмаганимиз маъқул эмасми?

«Дастур асосида кредит ажратувчи банкларни кўпайтириш лозим»

Кармана туманида дастур ижросини таъминлаш, янаям тўғрироғи, шу бўйича ишланган бизнес-режаларни молиялаштиришга масъул «Хамкорбанк» АТБ Навоий филиали мутасаддилари ана шундай фикрда. Жорий йилда Карманада 32 нафар йигит-қизга дастур асосида кредит ажратилиши кўзда тутилган. Ҳозиргача «Хамкорбанк» томонидан 8 та лойиҳага 2 миллиард 900 миллион сўм маблағ ажратилган. 24 та лойиҳани молиялаштириш эса кечиктирилмоқда. Демак, бунинг олдини олиш учун дастурга масъул молия муассасаларини кўпайтириш зарур.

«Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури юртимиз ёшлари учун янги даврни бошлаб берди. Бир йилдирик, биз оммавий ахборот воситаларида шундай дея бонг урдик. Бугунги ахвол эса бу борада ҳам муайян камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Балки ҳаётбахш дастур талаблари ўз вақтида, маромида бажарилса, навоийлик ёшларни қийнаётган ишсизлик муаммоси ҳам бирмунча барҳам топар...

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

«Асакабанк» MasterCard халқаро тўлов тизимининг ҳисоб-китоб банкига айланди.

Қўшнининг камчилигини қўшнидан бошқа ким билади?

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЯНГИ ТАЖРИБА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ:
ЭНДИЛИҚДА БИР ТУМАН МУАММОСИНИ УНГА ЁНДОШ
ЖОЙЛАШГАН ИККИНЧИ ТУМАН ЎРГАНАДИ

Бугун эскича фикрлаш
ва иш юритиш
самара бермайди.
Зеро, айти дамда
янги ташаббуслар
ишлаб чиқиш, уларни
амалиётга татбиқ
этишни даврининг
ўзи тақозо этаётир.
Хўш, ҳудудларни
ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш
бўйича жойларда
қандай лойиҳалар
илгари суриляпти?
Улар қанчалик самара
бераяпти?

Туманлараро ҳамкорлик — бу қандай тажриба?

Биргина Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳарларида мавжуд муаммоларни аниқлаш, у ердаги вазиятни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, уларга давлат ва нодавлат ташкилотлари масъуллари ва соҳа мутахассислари киритилган. Ўтган йилги натижалар таҳлили гуруҳ аъзоларининг иши кутилганидек самара бермаганини кўрсатди. Натижада аъзолар тизимга янгилар жорий қилишга бел боғлади. Шу мақсадда ёнма-ён жойлашган икки ва ундан ортиқ туман (шаҳар)лардаги иш самарадорлигини ошириш мақсадида туманлараро ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Дастлаб Қорақалпоғистон Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши оғир деб топилган 56 та ҳудудга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича 4 та ишчи гуруҳи ташкил қилинди.

— Нукус шаҳри, Нукус, Хўжайли ва Тахياتош туманлари вакиллари билан ҳамкорликда 13 та ҳудудни ўрганиб чиқдик, — дейди 1-гуруҳ раҳбари, Нукус шаҳар Халқ қабулхонаси мудири Азат Сейтанов. — Нукус шаҳрида тузилган ишчи гуруҳи Нукус туманидаги «Кердер», Хўжайли туманидаги «Маданият» маҳаллалари, Тахياتош туманидаги Нурли келешек овул фуқаролар йиғини аҳолисининг турмуш даражасини ўрганди. Нукус туманида тузилган ишчи гуруҳи Нукус шаҳридаги «Қаратаў», «Боз айил» маҳаллалари, Хўжайли туманидаги «Жана жеп», Тахياتош туманидаги «Сарай қол» фуқаролар йиғинидаги вазият билан таниди. Хўжайли тумани вакиллари эса Нукус шаҳри, Тахياتош, Нукус ва Хўжайли туманлари маҳаллаларидаги аҳоли муаммоларини ўрганапти.



51 нафар ногиронлиги бор шахсга ким эътибор қаратади?

Нукус шаҳридаги «Қаратаў» маҳалласи уйма-уй юриб ўрганилганда, ҳудудда 121 та муаммо борлиги аниқланди. Уларнинг 9 таси шу жойнинг ўзида ҳал этилди. Маҳаллада 51 нафар ногиронлиги бўлган шахс рўйхатга олинган. Аммо шу кунга қадар улардан биронтасига имтиёзли кредит асосида уй-жой топширилмаган. Йиғиндаги 28,5 км.ли олтига ички кўчадан тўрттаси таъмирталаб. Маҳаллага олиб кирувчи йўлларнинг аҳоли ҳам абгор. Эскирган қуварлар ичимлик суви таъминотидаги узилишларни юзгага келтирмоқда.

Маҳалладан шаҳар марказига катнайдиган жамоат транспорти катнови йўлга қўйилмаган. 48 ўринга мўлжалланган 44-мактабгача таълим муассасасида эса 65 нафар бола тарбияланмоқда. Нукус тиббиёт бирлашмаси «Қаратаў» филиалидаги вазият ҳам талабга жавоб бермайди. Йиғинда биронта маиший хизмат кўрсатиш шохобчасио дам олиш маскани йўқлигини қандай баҳолаш мумкин?

Чала ташлаб кетилган қурилишлар

«Кердер» фуқаролар йиғини — Нукус туманидаги энг чекка ҳудудлардан. Нукус шаҳар масъуллари овулдаги 77 та хонадонни ўрганиб, 72 та муаммони аниқлади. Мурोजатларнинг аксариятини бандлик, ичимлик суви етишмаслиги, кредит олиш, моддий ёрдам ва уй-жойга муҳтожлик каби масалалар ташкил қилди. Ҳудуддаги 8 та ижтимоий объект кўздан кечирилганда, бу борада ҳам етарлича камчиликлар борлиги ойдинлашди. Хусусан, 9-мактабгача таълим муассасаси,

11-, 24-умумтаълим мактабларида ўтган йили бошланган қурилиш ишлари ярим йўлда ташлаб қўйилган. 34-оилавий поликлиникада беморларни қабул қилиш учун шароитлар яратилмаган. Тиббиёт жихозлари эскирган.

Яна бир оғрикли масала — фуқаролар йиғини ўз биносига эга эмас. Ҳудудда биронта ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилмагани учун меҳнатга лаёқатли аҳолининг 3 фоизи ишсиз. Маҳаллага ҳалихануз ичимлик суви қуварлари тортилмагани ҳам яна бир муаммо. Бу ерда ҳам на савдо, на хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган.

Тумандаги Қизил уй овулидаги вазият эса бундан-да абгор. 90 та ўринга мўлжалланган боғча биноси умрини яшаб бўлган, 15 км. масофадаги автомобиль йўли таъмирталаб. Алоқа линиялари тизими ҳам талабга жавоб бермайди.

Урчиган муаммолар ечим топадими?

Ўрганишлар жараёнида ҳудудларда ечимини кутаётган яна кўплаб муаммолар борлиги сув юзига калкиб чиқди: спорт майдончалари қурилмаган, мактаблар таъмирталаб, баъзи ҳудудларда мактабгача таълим муассасалари йўқ. Ишлаб чиқариш корхоналарининг етишмаслиги ишсизлик муаммоси урчигиға сабаб бўлмоқда.

Мазкур масалалар ечими юзасидан айти пайтда «Йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, ўрта муддатли манзилли тадбирлар режаси шакллантирилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати оғир маҳаллаларни ўрганиш давом этмоқда. Ўйлаймики, бу каби ташаббуслар ҳудудлар ободлиги, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

ЛУҚМА

Чап томондаги қўшнимиз ҳовли-жойи «дом»га алмаштириб қўчиб кетди. Унинг ўрнига бу уйга ёши қирқлардан ошган киши оиласи билан қўчиб келди. Иسمи Ривож экан. Шу пайтгача турмушим фаровон, осуда ўтарди. Ривож қўчиб келдию тинчим, айниқса, уйқум бузилди. Тонг отиб улгурмасдан хотинимнинг дийдиёлари бошланади:

«Уй эмас, қўшни сотиб ол»

— Даласи, туринг! Ривож оға томорқасида ишляпти. Уят эмасми, қўшнимиз уйқучи экан, демайдими, ахир.

— Менга нима, ишласа, ўзи учун ишлайди, — дейман жигибийроним чиқиб. Шундай бўлса-да, ноилж, бир-биридан «ширин» сўзлар билан гудраниб ўрнимдан тумаран.



Ривожга ҳам хайронман. Шу томорқасидан худди олтин топадигандек, тинимсиз меҳнат қилади. Кечкурун ишдан чиқиб, ошни-оғайнилар билан отамлашиб кайтсам, у ҳали ҳам томорқасида қуймаланиб юрганини кўраман. Бунинг менга ҳеч қандай зиёни йўқ. Аммо хотиним туну кун у кишини мактагани-мактаган. Шундан қуяман...

Эрталабки ва кечки овқатнинг асосий мавзуси ва қаҳрамони ҳам қўшнимиз Ривож. Оилапарвар, меҳнатқаш, қўлгул каби олқишларнинг бари шу «жаноби олийлари»га аталган. Ҳар куни шу аҳвол. Охири нима қилсам, шу дийдиёлардан қутилар эканман, дея кўп ўйладим. Қўчиб кетишдан бошқа чора топмадим. Хотиним эса бу таклифимга тиш-тирноғи билан қарши чиқди. Қўшнимнинг кун тартибига базўр мен ҳам ўргана бошладим. Аввалига кетмон кўтариб, икки кун беланги бўлиб ётиб қолдим. Хотинимнинг раҳми келадими, десам, қайқда?..

Секин-аста томорқамиз обод бўла бошлади. Бундан ўзимнинг ҳам қўзим яшнади, дилим равшанлашди. Шу денг, харажатларимиз ҳам анча камайди. Томорқамиздаги картошкаю бодрингларнинг ҳосилидан кўни-қўшнимизга ҳам илिनяпти. Шу зайл анча йиллардан бери қурилиши тугалланмаётган товукхонаю молхонани ҳам битириб олдик. Ҳаммадан ҳам хотиним хурсанд. Энди қўшнимизни мактамай қўйди.

Бир куни қўшнимиз томорқасида қўрнмай қолди. Хавотирланиб суриштирсам, Ривож томорқа маҳсулотлари етиштириш учун қўшнимча икки гектар ер олибди. Томорқасидаги ишларни энди у ерда давом эттирар эмиш. Қўшнимнинг ишбилармонлигидан бир қувонсам, хотинимнинг эндиги дийдиёлари ҳақида ўйлаб минг қуяндим...

Саҳифани «Mahalla» муҳбири
Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ тайёрлади.

Ургутда Марказий Осиёда ягона 7 қаватли автотураргоҳ барпо этилмоқда.

Қаровсиз ҳайвонлар нега кўпаймоқда?

Шаҳарда кўп қаватли уйларида ит боқаётган кишиларга кўп дуч келамиз. Турли зотли кучукларни кўчада етаклаб юрган одамларга кўзимиз ўрганиб қолган. Тўғри, ўзбекчиликка тўғри келмайдиган бу одатни ўзимизга сингдириолмаймиз. Лекин нима бўлганда ҳам бу ҳайвонлар эгаларининг назорати остида. Бу ҳолатни қонун тақиқламайди. Аммо «дом»лар атрофида қаровсиз юрган ит ва мушукларга кўзимиз тушадики, бу кўнгилмизни бироз хира қилиши табиий. Чунки, дайди ҳайвонларнинг одамларга хавф солиши, касаллик тарқатиши ўта ташвишли ҳолат. Ҳар қандай ота-она ўзидан ҳам аввал боласини ушбу хавфдан ҳимоялашни истайди. Чунки бола бола-да, жониворларни яхши кўради, беихтиёр улар билан ўйнамоқчи бўлганда ит тишлаши ёки мушук тирнаб олиши, бирор касаллиكنи юқтириши эҳтимолдан холи эмас. Қолаверса, уй ҳайвонлари орасида ҳам касаллик тарқалиши, натижада одамлар саломатлигида жиддий хавф пайдо бўлишини эътибордан қочириб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан кейинги пайтда аҳоли яшаш ҳудудларида қаровсиз мушугу кучукларнинг кўпайиб қолгани хавотирланишга арзиди. Хўш, бунинг асл сабаби нимада?



Икки ёшли қизча мушукка
печенье бермокчи эди...

– Биз яшайдиган ҳудудда эгасиз ит ва мушуклар кўпайиб қолган, – дейди Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги «Гинчлик» маҳалласида яшовчи Нодира Масайдова. – Бир қарашда улар безарардай туюлади. Аммо қаровсиз қолган ҳайвонлар бор экан, кўчада ўйнаб юрган болангиздан кўнглингиз тинч бўлмайд. Қолаверса, уй атрофида дади итларнинг бир-бирини талашидан безор бўлганмиз.

Яқинда икки ёшли қизча кўчада юрган мушукка печенье бераётиб қутилмаганда тажовузга учради. Ота-онаси хавотирланиб, шифохонага олиб боришди. Яхшиямки, касаллик юқтириб олмаган экан.

Аммо бирор марта дайди ҳайвонларни овловчилар келиб, уларни тутиб кетишиганига гувоҳ бўлмадим. Тугриси, бу юмуш билан қайси идора шуғулланишини ҳам билмаймиз.

Очигини айтганда, эгасиз
ит-мушукларнинг кўпайишига

одамларнинг ўзи ҳам айбдор. Айрим кишилар юқори қаватдаги уйи деразасидан овқат қолдиқлари, нон бўлақларини улоқтиришadi. Бу эса қаровсиз жониворларни «дом» атрофида янаям қўн ўрлатишни, ҳаммаёқнинг ифлосланишига шароит тугдиради. Демак, бу ҳақда нафақат ҳайвон овловчилар, маҳалла фаоллари ҳам бош қотирса, фойдадан холи бўлмасди.

— Кўп қаватли уйимиз ат-
рофидан эгасиз мушуқлар ари-
май қолган, — дейди Тошкент
шаҳрининг Миробод туманида-
ги «Зиёнур» маҳалласида
истиқомат қилувчи Масту-
ра Умарова. — Баъзан ярим
кечаси уларнинг ҳнук овозида
билгиллашди болалар қўққиб
уйғонишади. Бунинг устига,
уйида ит, мушук боқадиган-
лар қондузи уларни ташқари-
га қўйиб юборишади. Дайди
ҳайвонлардан уларга касаллик
ўқмайди, деб ким қафолат
беради. Каровсиз мушуқлар
бу ерда ўз-ўзидан пайдо бўлиб
қолмаган. Қўйиниларимиздан
айримлари уларга меҳрибон

лик қилиб, деразасидан овқат ташлаб туришади. Жониворлар ҳам бунга ўрганиб қолган. Оч қолганда ўша таниши деразага кўз тикиб миёвлайди. Қарабизки, бир пасда егулиги тайёр. Жонтолтарга меҳр кўрсатиш яхши, албатта. Лекин ҳар нарсанинг ўз ўрни бор. Шу масалادا ўша қўнчилар билан баҳслашиб ҳам қолганмиз. Аммо уларга бу ишлари зарарли эканини ташвиштуришининг иложи бўлмади. Қанийди, шу масала билан мутасаддишлар жасдий шугулланиб, бизни мушкулотдан ҳоли қилишса.

Дайди жонзотларни тутиш билан ким шўғулланади?

Якянда ижтимоий тармоқда ҳайвон овловчининг дайди мушуқларни тутиб, целофан пакетга солиб димлаб ўлдираётгани акс этган видео тарқалди. Бундай шафқатсизлик ва бераҳмларча содир этилган ҳаракатдан кўпчилик жунбушга келди. Албатта, ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик учун қонуний жавобгарлик белгиланган. Лекин ҳозир гап бу

хакда эмас.

Аслида қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва уларни хавфсизлантириш қандай амалга оширилади? Мазкур фаолият билан қайси ташкилот ходимлари шғуллланади?

Ушбу соҳадаги амалиётлар Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Маҳкамасининг «Қа­ровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва саклаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини тако­миллаштириш чора-тадбирла­ри тўғрисида»ги қарори билан ғарбига солинади. Қарорда шаҳар ва туман ободонлашти­риш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлиmlарининг асо­сий вазифалари белгиланган бўлиб, кўчаларда ва бошқа жойларда қаровсиз қолган, шу жумладан, эгасиз итлар, мушуклар ва йиртқич ҳайво­нларни тутишни ташкил этиш, шунингдек, уларни вақтинча саклаш учун махсус жойлар барпо этиш, одамлар ва ҳай­вонларга жароҳат етказган ёхуд ноўя ҳаракат қилинмаганда уларга ҳужум қилган ҳайвон­ларни кейинчалик карантинда саклаш учун давлат ветерина­рия бўлиmlарига олиб келиш, ҳайвонлар қутурган тақдирда тегишли давлат ветеринария бўлиmlари билан биргаликда иш олиб боришни ташкил этиш, бундан ташқари, ўлган ҳайвонларни ветеринария-санитария қоидаларига риоя этиш ҳолда зарарсизлантириш каби вазифалар юклатилиши

Тошкент шаҳрида қаровсиз
толган ҳайвонларни тутиш
билан Ободонлаштириш бош
бошқармасининг Марказий
авария диспетчерлик хизма-
тидаги «Дайди ҳайвонларни
тутувчи махсус отряд» шугул-

Хулоса қилиб айтганда, қуни
сеvimли жониворингиз хавфси-
ли пунктларида итлар ва муш-
мувофик уларни тегишли дав-
руйхатга қўйиб, эмлатиши, нас-
сақлаш қоидаларига риоя қили-

ланади. Бош бошкарма сайтида жойлаштирилган маълумотларга кўра, мазкур отрядда хозирги кунда дайди, каровсиз хайвонларни тутишни амалга ошириши учун 39 штат бирлиги мажбур. Шунингдек, 12 донга транспорт воситаси ва зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Махсус отряд томонидан
ушланган ит ва мушукларни
вактинча сақлаш учун махсус
қафаслар мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги 202-сонли қарорининг 4-илоvasи билан тасдиқланган «Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш Қондалари»га асосан, кўчаларда ва бошқа жомоат жойларида қаровсиз юрган итлар ва мушуклар, ҳатто бўйинбоғи, жетони ва тумшукбоғи бўлган тақдирда ҳам, уларнинг зоти ва вазифасидан қатъи назар, тутиб олинати, аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни тутиш одамлар ва ҳайвонларнинг кутириш ва бошқа зарарли касалликларга чалинишининг олдини олиш, дунингдек, одамлар ва ҳайвонларни тишлаб олишини бар-тафат этиш мақсадида амалга оширилади. Тутиб олинган итлар, зотидан қатъи назар, 5 кун мобайнида сақланган ҳамда эгаси муурожаат қилган ва итинг уники эканлиги (рўйхатга олиш гувоҳномаси, ветеринария гувоҳномаси) тасдиқланган ва сақлаш харажатлари тўланган тақдирда эгасига қайтарилиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган муддат та-мом бўлгандан кейин тутиб олинган, касаллик белгилари бўлмаган зотли итлар сақлаш харажатлари тўлангандан кейин манфаатдор шахсларга берилади.

**Ветеринар
маслахати**

Табиатда қутируш вирусининг асосий манбаи итлар ва итсимонлар оиласига килувчи бўри, тулки, чиябўрилар ҳисобланади. Лекин ҳамма итсимонлар ҳайвонлар – сигир, от, қўй, эчки, қўчка, мушук, кемирувчилар ҳам одамга ва бошқа ҳайвонларга касалликни юктиришлари мумкин. Бу касаллик одамга қутируган ҳайвон титиласанда, унинг сўлагига терининг тирналган, кесилган жойларида, шунингдек, қўй, бўруи шиллиқ пардаларига тушганда ёки одам тасодифан қутируган ҳайвоннинг терисини шиллаганда, унинг мия ва сўлагига билан қўй ифлосланганда, сўлак теккан жисملарга сўйлаганда ҳам юқини мумкин.

Ит тилишасан жироҳат қанчалик бош
миёга яқин бўлса, касаллиқнинг даври шунча
қисқа (15-30 кун) бўлади, аксинча, жироҳат
оёқ ва қўл учларида бўлса, касаллиқнинг ми-
нор даври узок (бир печа ой) давом этиши
мумкин.

ҚУТУРИШГА ҚАРШИ КАНДАЙ КУРАШИЛАДИ?

Қутуриш касаллигининг олдини олиш
үчүн:

- хизматдаги ва ҳонадондаги мавжуд итларни ўз вақтида кутуришга қарши эмлатиш;
- бола-тарининг итлар билан ўйнашига йўл қўймаслик;
- ҳонадондаги итларни қўчага қаровсиз қўйиб юбормаслик;
- итларни қўчага бўйинбoғ ва тумшуктасмада олиб чиқиш;
- хайвон ёки одамни тишлаган итни, албатта, ветеринар кузатувига олиб бoриш зарур.
- Ит тишлаганидан жабрланган одам шу заҳотиёқ тиббий ёрдамга мурожаат қилиши лoзим.

Собир ЭРГАШЕВ,
ветеринар.

Махфуза ШЕРМАХМатОВА,
журналист.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаниш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхати тасдиқланади.



Янги санъат асари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди

У ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЗЛАНИШЛАР,
МАШАККАТЛИ МЕХНАТ, УСТОЗЛАР ЎГИТИ ВА
МАСЛАҲАТЛАРИ ЭВАЗИГА ЯРАТИЛАДИ

Фарғонада азал-азалдан ўзига хос қўшиқчилик мактаби шаклланган. Созандаликда Уста Олим мактаби, катта ашулада Маматбува, Мадали ҳофиз, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Расулқори Мамадалиев, «Ўзбекистон булбули» дея эътироф этилган Таваккал Қодиров асос солган қўшиқчилик, мусиқа ва санъат мактабининг алоҳида ўрни бор.

Бугун ана шу қутлуг гўшада таълим-тарбия олиб, устозлар ишини давом эттириб келаётган санъаткорлар кўп. Улар ҳақида гап кетганда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист», «Ўзбекистон халқ ҳофизи» Илҳом Иброҳимов алоҳида эътироф этилади. Унинг ижодий репертуаридан ўрин олган «Талабалик даврим менинг», «Фарғона яллеси», «Саломат бўл, эй дўст», «Ипак рўмол» каби қўшиқлар гулдасаси мана неча йилдирки, қўшиқ шинавандаларига манзур бўлиб, давраларда қайта-қайта қуйланмоқда.

«Зуваласи пишиқ бўлмаган қўшиқнинг умри сув юзидан қалқиб турган кўпикдек...»

— Қўшиқчилик оламига кириб келишимда мустақилликнинг илк йилларида ёш ижрочилар ўртасида ташкил этилган «Қамолот» қўриқтанловининг ўрни катта бўлган, — дейди Илҳом Иброҳимов. — Нуфузли танловда «Келин», «Аламин бор ёр-ёр айтган кизларда», «Гап бўлди» қўшиқларим Олий ўринга лойиқ қўрилган. Бу ютуқ бир жихатдан қувонтирган бўлса, бошқа томондан зиммамдаги масъулиятни икки ҳисса оширган. Қолаверса, халқнинг эътирофига лойиқ бўлиш, янги ижод намуналари яратиш орқали шинавандалар меҳрини қозониш олий максадга айланган. Тўғри, бугун ҳам турли қўрик-танлов, ток-шоулар ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланмоқда. Аммо йил ўтмай, ўша танловда сараланган ижодкорларнинг аксарияти санъат оламида исзис «ғойиб» бўлади. Нега, нима учун? Чунки айрим ёшлар ўз санъати билан биринчи гапда халққа хизмат қилишни эмас, балки қандай қилиб бўлса ҳам машҳур бўлишни ўйлай-

ди. Бу йўлда айрим ютуқлар ва эътирофлар ҳам бўлади. Лекин вақт олий ҳакам. Зуваласи пишиқ бўлмаган қўшиқ, ижоднинг умри сув юзидан қалқиб турган кўпикдек, ҳеч қандай маъно-мазмун касб этмайди. Айтмоқчи бўлганим, истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш учун, энг аввало, ёш болалар иштирокидаги қўриқтанловларни кўпайтиришимиз, нуфузини оширишимиз керак. Бунинг учун нафақат туманлар, балки чекка қишлоқларда маҳаллаларда ҳам мусиқа ва санъат тўғрақлари фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарур.

Қувонарлиси, Президентимиз томонидан илгари сурилган беш ташаббусда мусиқа ва санъат турларини ривожлантириш орқали ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида ургу берилган. Бу эътибор ва ғамхўрлик янги овоз соҳиблари, иктидорли санъаткор ёшларни қашф этиш имконини беради.

«Қуйласанг қуйлайвер, фақат оҳа-хайини жойига қўйиб қўй»

Қўшиқчиликда ижрочиликдан кўра ихтирочилик муҳим ҳисобланади. Қўшиқ қуйлашга мойиллиги, қизиқиши бўлган одам ҳар қандай санъат намунасини маромига етказиб ижро эта олиши мумкин. Лекин бу уни санъаткор, ҳофиз сифатида элга машҳур қила олмайди. Чунки у айтган қўшиқнинг ижросини, ижодкорни бошқа. У ҳар қанча яхши қуйламасин, ҳақиқий муҳлис шу қўшиқ, соз ва сўз уйғунлигини яратган ижодкор маҳоратига баҳо беради. Очиғини айтганда, кейинги пайтларда устозлар бисотида қуйланган қуй-қўшиқларни ўзгартириб ижро қилиш, «аранжировка» қилиш одат



тусига кирди. Албатта, устозлар айтган қўшиқни қуйлаш, уни замонга мослаштириш, замонавийлаштиришнинг яхши томонлари ҳам бордир. Лекин бундан ким ютади? Аввало қўшиқ ихтирочисининг маҳоратига тасаннолар айтилади. Шу боис ҳар бир санъаткор ижрога эмас, қўшиқ яратиш йўлидаги изланишларга катта аҳамият қаратиши керак. Ихтиро бўлмаган жойда ривожланиш, тараққиёт йўқ. Қолаверса, янги санъат асари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. У йиллар давомида олиб борилган изланишлар, машаққатли меҳнат, устозлар ўғити ва маслаҳатлари асосида яратилади. Шу сабабдан ҳам қўшиқчиликда ҳар бир таникли санъаткорнинг ўзига хос ижро йўли бор. Жумладан, Маъмуржон Узоқов, Қомилжон Отағиёзов, Шерали Жўраев, Ғуломжон Ёқубов, Қамолiddин Раҳимов сингари санъаткорлар томонидан яратилган қўшиқлар ўзига хос ихтиро сифатида эътироф этилади. Шу ўринда бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушди. Устоз Қамолiddин Раҳимовнинг «Нарғиз» қўшиғини бир хонанда устоздан сўрамай, замонавий куйга солиб қуйлайди. Бир даврда хонанда билан учрашиб қолган ҳофиз бу ҳақда ўз фикрини айтса, ёш ижодкор «нимма бўпти қуйласак» дегандек гап қилибди. Бундан ранжиган устоз: «қуйласанг қуйлайвер, фақат оҳа-хайини жойига қўйиб қўй» деган экан. Афсуски, бизда бундайларга аксарият ҳолларда қонун доирасида чора қўрилмади. Бунингга масъул бўлган шахслар ҳам «Сен менга тегма, мен сенга» қабилда иш туттишга одатланиб қолишган. Ахир, бундан уялишимиз керак.

Шеър — инсон руҳиятининг кундалиги

Яхши қўшиқ яратиш, ижро қилиш бир қараганда осон ишдек кўринади. Сўз ва соз уйғунлиги ижро маҳоратининг ўзаро муштарақлиги бу жиҳатда қўл келади. Лекин уни умрбоқий қўшиқлар сирасига киритиш мушкул вазифа. Бунинг учун ижодкор меҳнати, изланиши, билим ва дунёқараётининг кенглиги алоҳида аҳамият касб этади. Бунда шоир ва ёзувчилар билан ижодий ҳамкорликнинг ўрни катта. Чунки шеър илоҳий туйғу, инсон руҳиятининг кундалиги. Бир шеър қўнгилга қувонч улашса, бошқа бири маъзулилик касб этади. Демак, умрбоқий қўшиқлар яратилишда қалб кўридан отилиб чиққан туйғуларнинг ўзаро мутаносиблиги, ижрочининг яратувчилик борадидаги ихтироси, қобилияти муҳим ҳисобланади. Яна бир жиҳати, бугун яратилган бирор санъат асарини умрбоқий қўшиқ бўлибди, деб баҳо бера олмаймиз. У йиллар давомида шаклланиб, халқ меҳрини қозона олсагина ана шундай юксак номга сазовор бўла олади.

«Аваллари қўшиқ яратишда шошма-шошарликка бориладди»

Нуфузли унвонни қўлга киритиш, албатта, шарафли, лекин унга муносиб бўлиш катта масъулият талаб этади. Авваллари қўшиқ яратишда шошма-шошарликка бориладди. Буни устозлар панд-насихатлари орқали билиб, кейинги ижодий фаолиятимизда бу хато-ларни тақдорламасликка ҳаракат қилганман. «Ўзбекистон

халқ ҳофизи» сифатида эса ҳар қачонгидан-да кўпроқ меҳнат қилишман, изланишман, десам муболаға бўлмайди. Чунки бу унвон менинг меҳнатларим, изланишларим, устозларим панд-насихатининг махсули эканлигини ҳис қилиб турман. Ҳозирда ўндан ортиқ янги қўшиқлар яратиш устида изланишлар олиб бораётман. Мақсад, халқимиз қўнгилга манзур бўладиган сара қўшиқлар яратиш.

Жонли ижро — муҳлислар олдидаги ҳисобот

Жонли ижрода қўшиқ айта олиш хонанданинг маҳорати, қобилияти ва ҳақиқий истеъдодини кўрсатиб беради. Қолаверса, бу шинавандалар олдидаги ўзига хос ҳисобот ҳамдир. Бугун хонандаларга жонли ижро бўйича қўйилган талаблар тўғри деб ўйлайман. Халқни тўллаб, бир бора ўз овози билан хонин қила олмаган, ўз йўлини тополмай сарсон бўлиб юрган хонанда фаолиятини тасаввур қилиб кўринг. Бу билан ким кимни алдаётми? Зеро, ўзбек қўшиқчилик санъати ўзига хос талаблари, оҳанг ва қосирилари билан бошқа халқ қўшиқларидан ажралиб туради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ижодкор зиёлилари, санъат аҳли билан қилган очик мулоқотида эл севган устоз санъаткорларнинг мусиқа мактабларида фаолият олиб боришлари юзасидан берган кўрсатма ва вазифаларидан сўнг, Фарғона шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабида ишлаб келяпман. Мактабимизда санъатсевар ёшлар учун яратиб берилган шароит ва имкониятлари сўз билан таърифлаб бўлмайди. Ҳозир бу ерда миллий мусиқа, анъанавий ижрочилик йўналишида янги овоз соҳиблари, иктидорларни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида иш олиб бораётимиз. Янги ўқув йилида бахшичилик синфини очишга тараддуд кўраётимиз. Бу эса Фарғона қўшиқчилик йўналишида янги мактаб бўлади.

«Mahalla» мухбири
Расул ҚАМОЛ
сўбатлашди.

«Шарқ тароналари» фестивалида Аргентина, Мьянма, Фижи ороллари вакиллари илк маротаба иштирок этади.



«Lanset» илмий журнали ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича қайд этилаётган ўлим ҳолатларининг ҳар бештадан биттаси нотўғри овқатланиш оқибатида рўй бераётган экан. Туз миқдорининг ошиб кетиши натижасида йилига 3 миллион киши, дуккакли маҳсулотларнинг кам истеъмол қилиниши сабабли ҳам шунча нафар инсон ҳаётдан кўз юммоқда. Етарли даражада мева ва сабзавотлар тановул қилмаслик ҳам 2 миллион нафар инсоннинг вафот этишига олиб келмоқда.

Бу кўрсаткичлардан тўғри овқатланишнинг аҳамияти нечоғли муҳим эканини пайқаш қийин эмас. Куйида мухлисларимизнинг шу мавзуга оид саволларига пойтахтимиздаги Яшнобод тумани Тиббиёт бирлашмаси соғлом турмуш тарзи бўлими шифокори Сайёра Муллаева жавоб беради.



Нотўғри овқатланиш — саломатлик учун жиддий хавф

МУНТАЗАМ МУЗҚАЙМОҚ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ
БОШ ОҒРИҒИГА САБАБ БЎЛИШИ МУМКИН

ТЕЗ ТАЙЁР БЎЛАДИГАН ТАОМЛАРНИНГ ЗАРАРИ НИМАДА?

— Охирги вақтларда ошқозоним тез-тез безовта қилапти. Шифокорга мурожаат қилсам, буни овқатланиш тартиби бузилгани билан изоҳлади. Иш юзасидан хизмат сафарларига кўп бораман. Шундай вақтларда тез тайёр бўладиган маҳсулотлар истеъмол қилишга ўрганиб қолганман. Айтинг-чи, саломатлигимдаги ўзгаришларга шу ҳам сабаб бўлиши мумкинми?



А.Саломов,
Сирдарё вилояти.

— Ҳозирги вақтда кўпчилик кун давомидаги югур-югурлар, вақтнинг тизиглиги баҳонасида ўз соғлиғига эътибор бермай қўйган. Нонушта қилмасдан шошиб ишга кетиш, тушликда яхши овқатланмаслик саломатлигимизга ўз таъсирини кўрсатиши аниқ. Айниқса, мунтазам равишда тез тайёр бўладиган овқатларни тановул қилиш ошқозон-ичак фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Буни кенгрок изоҳлаш учун уларнинг таркиби ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш лозим.

Тез тайёр бўладиган маҳсулотлар таркибида ун, сув, тухумли кукун мавжуд. Бундан ташқари, зирворлар, курилган сабзавот бўлаклари, кўкат, туз, консервант ва ароматизаторлар ҳам бор. Бу қўшимчалар табиий озиқ моддалардан фарқ қилиши тўғрисида гап. Қолаверса, бундай егуликларга ишлаб чиқариш жараёнида юқори ҳароратда термик ишлов берилади ва курилади. Натижада хомашининг ранги, ҳиди ва таъми ўзгаради. Ўз-ўзидан маҳсулотга таъм қўчайтиргич ва ранг берувчи моддалар қўшилади. Қарабсизки, тайёр маҳсулотнинг фойдалилик хусусияти ҳам камайди.

Тез тайёр бўладиган егуликларнинг таркибидаги сунъий глютамат натрий Е-621 моддаси ўрганиб қолиш ҳиссини пайдо қилади. Қолаверса, у нейротоксик хусусиятга эга бўлиб, аллергия, астма, семизлик, бўйрак етишмовчилиги ва бошқа жиддий касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Модда алмашинувиининг бузилиши, танадаги ҳужайраларнинг зарарланиши ва уларнинг nobud бўлишига олиб келади. Бундай овқатлар ошқозон-ичак тизимига салбий таъсир этиб, қоринни дам қилиб, ични бузади. Гастрит, колит, ошқозон-ичак яра касалликларини келтириб чиқаради.

Америкалик олимларнинг ҳулосаларига кўра, тез тайёр бўладиган овқатлар бош мия пўстлоқ қисмига таъсир этади. Унинг зарарлилиги натижасида асаб ҳужайралари тузилиши ўзгаради. Бу хотиранинг пасайиши, жиззакчилик ва диққатни бир жойга жамлай олмаслик каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Мунтазам равишда бундай егуликларни истеъмол қилиш иммун тизими фаолиятини издан чиқаради, гормонал балансни бузади ва юрак қон-томир тизими фаолиятига салбий таъсир этади.

Шундай экан, овқатланиш масаласига алоҳида эътибор билан ёндашиш зарурлигини ҳеч қачон унутманг.

МУЗҚАЙМОҚ ИММУНИТЕТНИ ОШИРАДИМИ?

— Ўғлим жуда кўп шамоллайди. Иммунитетини кўтариш учун қанча дори-дармон қилсам-да, фойдаси бўлмаяпти. Яқинда музқаймоқ истеъмол қилиш боланинг юқори нафас йўлларидаги чидамлиги ошириши ҳақида эшитиб қолдим. Шу ростми? Аслида болаларга музқаймоқ неча ёшдан тавсия этилади?

К.Абдуқодирова,
Тошкент вилояти.



— Тўғри, музқаймоқни оз-оздан истеъмол қилиб туриш нафас йўлларидаги совуқ ҳароратга ўргатиб боришга ҳам ёрдам беради. Бунинг натижасида эса томоқ оғриғига қарши иммунитет ҳосил бўлади. Қолаверса, у ёшнинг иссиқ кунларида танадаги ҳовурни босишга, организмни тетиклаштиришга ёрдам беради.

Инсон тушқунликка тушган вақтда диетологлар «антистресс» егуликларини истеъмол қилишни

тавсия этишади. Бундай маҳсулотлар рўйхатининг бошида шубҳасиз, музқаймоқ туради. Унинг асосини ташкил этувчи сут ва қаймоқ таркибида фойдаланиш ва асабни тинчлантирувчи транквилизатор L-триптофан моддаси мавжуд бўлиб, у уйқусизликни енгишда ҳам яхшигина наф беради.

Музқаймоқ таркибида организмдаги моддалар алмашинуви жараёнида муҳим бўлган аминокислоталар, ёғ кислоталари,

йигирмага яқин витаминлар, кўплаб минерал туз ва муҳим ферментлар бор. Шунинг учун у мияни тинчлантириш билан бирга озиқлантиради. Музқаймоқ танани калий, магний, темир, фосфор ва кальций билан таъминлайди. Музқаймоқ юқори қолорияли маҳсулот бўлгани учун очлик ҳиссини босадиган яхши озуқа ҳамдир. Тез-тез бурни қонаб турадиган беморларга ҳам музқаймоқ яхши самара беради.

МЕЪЁРНИ ҲАМ УНУТМАНГ

— Қандай ҳолатларда музқаймоқ тавсия этилмайди? Унинг саломатлик учун қандай салбий таъсирлари бор?

У.Ортиков,
Навоий вилояти.

— Асалнинг ҳам ози ширин деганларидек, музқаймоқни истеъмол қилишда ҳам бир қанча қарши кўрсатмалар мавжуд. Ангина (бодомча безлари яллиғланиши), сут маҳсулотларини шахсий ўзлаштира олмаслик ҳолатлари, фарингит, ортосис вази, сурункали ва ўткир гастрит каби муаммолардан азият чекадиганларга музқаймоқ истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Унинг таркибидаги тез сингидиган шакар қонда глюкоза миқдорини ошириб юборади. Шунинг учун қандли диабет ҳасталиғига чалинган беморлар бундай маҳсулотлар истеъмолдан ўзларини тийганини маъқул. Соғлом кишилар ҳам музқаймоқни тановул қилишда меъёрни билса мақсадга мувофиқ бўлади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, уни ҳафтада уч мартагина истеъмол қилиш мумкин. Ҳафта давомида тановул қилинган 150 грамм музқаймоқнинг ҳеч қандай нокўжа таъсири бўлмайди.

Доим музқаймоқни харид қилишдан аввал унинг таркиби (ингредиент) ҳамда қогоз ўрамага эътибор бериш лозим. Маҳсулот тўғри ва мустаҳкам ўрамда бўлиши лозим. Агар унинг шакли ўзгарган бўлса, демак у иккичи қайта музлатилган бўлади. Маҳсулот сотилаётган шарт-шароитга ҳам алоҳида эътибор бериш.

Кўпгина парhezшунос-диетологлар қудупнай, лимон ва бошқа турдаги меваги музқаймоқларни



кўп истеъмол қилмаслигини тавсия этишмоқда. Зеро, унинг таркибида сунъий қўшимчалар ва меваги эссенция мавжуд.

Мунтазам музқаймоқ истеъмол қилиш бош оғриғига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, уни шошиб ейиш тана ҳароратини тезда туширади. Қон томirlарини торайтиради. Натижада миёга қон кам миқдорда етиб боради, бу эса бош оғриғини келтириб чиқаради.

Музқаймоқ уч ёшдан кичик болаларга берилмагани маъқул. Сабаби бола организмни қаймоқли ва ёғли десертни хазм қилишга қийналади. Каттарок ёшдаги болаларга эса уни кечки овқатдан ярим соат олдин ёки тушликда берган маъқул. Агар бола тез-тез грипп, ўРВИ (ўткир респиратор вирусли инфекциялар) ва турли аъзоларнинг яллиғланиши билан кўп оғрися, бу маҳсулотни беришдан аввал шифокор билан маслаҳатлашган маъқул. Зеро, ширин, ёғли ва сутли маҳсулотлар бактерияларнинг кўпайишига замин яратади. Узоқ сафар олдидан ҳам музқаймоқ билан болангизни сийламанг. Бу уни беҳузур қилади.

Шахноза РАХИМХЎЖАЕВА
ёзиб олди.

Тошкентда таэквондо (WT) бўйича кадетлар ўртасида жаҳон чемпионати бошланди.

Хотирангиз панд беряптими?

УНДА КЎПРОҚ МУТОЛАА ВА ШЕЪР ЁДЛАШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ

Хар куни ишга кетаётиб, дазмолни ўчирдимми, электро энергия, газни-чи, деган хавотирли ўйларни хаёлдан ўтказиш кўпчилик учун таниш ҳолат. Хотиранинг бирозгина панд бериши баъзан кун бўйи кишига тинчлик бермаслиги мумкин. Ёки зарур буюмни тиғиз вақтда қидириб топа олмасак, қанча асабимиз бузилади.

Аслида хотиранинг пайсанишига нима сабаб бўлади? Уни мустаҳкамлаш усуллари қандай? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси асаб касалликлари кафедраси ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди Махсуджон Атаиязовга муросаат қилдик.



Хеч нарса исзис кетмайди

— Инсон сезган, идрок қилган нарсалар хеч қачон исзис йўқолиб кетмайди, балки маълум даражада ёдда сақланиб қолади, — дейди Махсуджон Атаиязов. — Қулай фурсатда ёки керак бўлганда эсимизга тушади. Шунингдек, кўнгилдан ўтказилган туйғу, фикр ва иш-ҳаракатларимиз ҳам ёди-

мизда туради ва кейинчалик эсимизга тушади. Буни ҳар ким ўз тажрибасидан яхши билади.

Онгимизда акс этган нарсаларни мустаҳкамлаш, сақлаб қолиш ва кейинчалик тиклаш (эсга тушириш)дан иборат бўлган ақлий фаолият хотира дейилади. Унинг асосий мазмунини нутқ-сўз ташкил этади. Идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг номлари, ўқилган матнлар, гаплар, бошқаларнинг нутқи эсда сақланиб қолади ва эсга туширилади. Бунда асосий эътибор кўпроқ нутқда ифодаланган мазмун ҳамда фикрларга қаратилади. Сўзларнинг маъно жиҳатдан мантқий бир-бирига боғланиб эсда қолиши ва эсга тушиши сўз-логик хотираси бўлиб, образли хотирага нисбатан, анча мураккаб ақлий фаолиятдир. Биз кўнгилдан кечирган туйғулар, ҳар хил иш-ҳаракатлар ҳам хотира асосини ташкил этади. Шу сабабли хотирани

Дикқатимизни тўплаймиз, идрок қилинган материални такрорлаймиз, унинг мазмунини яхшироқ тушуниб олиш учун ҳаракат қиламиз, илгари тўпланган тажриба ва билимларимиз билан уни боғлаймиз. Шундагина яхши самарага эришиш мумкин.


эсда қоладиган ҳолатнинг мазмунига қараб, образли, сўз-логик, эмоционал (туйғу-хиссиёт) ва ҳаракат каби хилларга ажратиш мумкин.

Хиссиёт катта аҳамиятга эга

Эсда сақлаб қолиш жараёни энг аввал мия пўстида идрок қилинаётган нарсаларнинг — буюм, сурат, сўз, фикрларнинг «излари» ҳосил бўлишидан ва мавжуд билим ва эсда қоладиган нарсанинг айрим қисмлари ёки элементлари ўртасида боғланиш вужудга келишидан иборатдир.

Эсда олиб қолиш фаол жараён бўлиб, ихтиёрсиз ва ихтиёрий турларга ажратилади.

Ихтиёрсиз эсда қолдириш — ҳеч бир мақсадсиз ва махсус усуллар қўлланмасдан, биринчи эсда қолдиришдир. Бу ҳолат ҳаётимиз ва фао-



лиятимизда жуда катта ўрин тутати. Ихтиёрсиз эсда қолишда хис қилиш, айниса, муҳим аҳамият касб этади. Бирор хиссиёт уйғотадиган вазият ҳеч бир таъсир кўрсатмайдиган ҳолатга нисбатан эсимизда ҳам тезроқ, ҳам мустаҳкамроқ ўрнашиб қолади. Баъзан эса беихтиёр эсда қолдириш ихтиёрий эсда қолдиришдан кўра самаралироқ бўлади.

Ихтиёрий эсда қолдириш — кўзда тутилган мақсадга мувофиқ, танланган материални онгли равишда куч бериб махсус эсда қолдириш. Бу усулда материални пухта ёдда сақлаб қолиш мақсадида махсус усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, дикқатимизни тўплаймиз, идрок қилинган материални такрорлаймиз, унинг мазмунини яхшироқ тушуниб олиш учун ҳаракат қиламиз, илгари тўпланган тажриба ва билимларимиз билан уни боғлаймиз. Шундагина яхши самарага эришиш мумкин.

Дикқат нечоғли кучли бўлса, шунчалик пухта ёдда қолади

Дикқат — ёдда мустаҳкам сақлаб қолишнинг зарурий шартидир. У эсга олиш лозим бўлган нарсага нечоғли кучли суратда қаратилган бўлса, шунчалик тез ва пухта хотирага мухрланади. Бойси дикқатнинг асаб физиологик асоси мия пўстининг бир қисмида қўзғалиш ўчоғини пайдо қилади. Бу билан янги асаб боғланишлар тезроқ ҳосил бўлиб, онг фаол-

лиги ортади.

Кўпинча, айрим кишиларнинг тез ва пухта эсда сақлаб қолаётганлиги тўғрисидаги шикоятлари таҳлил қилиб кўрилганда, бунинг сабаби уларда дикқатнинг бўшлиғи, тарқоқлиги, мия пўстидаги тегишли қўзғалиш ўчоқларининг заифлигида экани маълум бўлади. Бундай кишиларнинг дикқатини бир нуқтага жамлаш устида кунг билан ишлаши хотиранинг кучайишига ёрдам беради.

Бола хотираси қандай мустаҳкамланади?

Барча ёшдаги болаларда хотира жуда кучли ривожланади. Бу унинг катталар ва тенгдошлари билан мулоқотта қиришиши натижасида содир бўлади. Хотиранинг ривожланиши бола билан ишлашда таълимнинг қайси методлари устуңлигига, уни ўраб турган муҳит идрок образлари билан қанчалик «боғлиғига» боғлиқ. Шу сабабли ҳар бир ота-она фарзанди билан хотирани мустаҳкамловчи турли машқларни бажариши кўриш, эшитиш, хид ва таъм билиш каби физиологик жараёнларнинг ривожланишида катта аҳамият касб этади.

Кўпроқ китоб ўқинг!

40-45 ёшдан кейин соғлом турмуш тарзига амал қилинмаса, аста-секин хотира пайсаниб боради. Айниқса, нотўғри овқатланиш, кам ҳаракат қилиш, зарарли одатлар (ичиш, чекиш ва бошқалар) бош миясидаги қон томирларга ҳам салбий таъсир этади. Бу ўз-ўзидан хотиранинг сусайишига олиб келади.

Хотирани мустаҳкамлашда овоз чиқариб шеър ёдлаш, кўпроқ китоб ўқиш, кроссворд ечиш каби машғулотлар катта аҳамиятга эга. Қолаверса, тескари тартибда юздан биргача бўлган сонларни санаб, алифбони такрорлаш, улар асосида сўзлар тузиш ҳам ўз самарасини кўрсатади. Шахмат-пашка ўйнаш ҳамда шеър айтишувлар ҳам хотирани мустаҳкамлайди.

«Mahalla» мухбири
Шахноза
РАХИМХЎЖАЕВА
ёзиб олди.

Хотирани қандай мустаҳкамлаш мумкин?

Ақлий машқлар

- Мантиқий масаллар, кроссворд, судоку, сканвордлар ечиш
- Иш хотирасини мустаҳкамлаш. Масалан, йил, ой, ҳафта кунларини санаб
- Китоб ўқиш. Асосан, ҳикоят, сюжетли китобларни ўқиб тавсия қилинади
- Шеър ёдлаш

Ижодкорлик

Эмоция билан муносабат (Хўш кўлаш: ёки бирор мушакки асбоби чалиш).

Овқатланиш

- Беловий маймунжон. Ҳар кундан қилинган тарбият (3 ой мобайнида, кунига 2,5 ставка)
- Қора ва кўк чой. Мия катталарига нери имулозларни етказиб беради, ҳусул, жароҳат хотирага ҳам
- Қофе. Миянинг иш фаолиятини тиклашда ва унинг ёмонлигини олдини олади
- Балорнинг 30% га тушириш таъсирида вербел хотира яхшиланади
- Мантиқ хотирани яхшилайди, айниса, кескаларни.

Уйку ва ижобийлик

- Ижобий муносабат. Тушқуқлик хотиранинг пайсанишига олиб келади
- Тўғри ўқлаш маълумотларини урганишга ёрдам беради, таълим тўғрисида қўзғалиш бўлиб беради

Спорт

Мияда қон айланиш яхшиланади



Оролга қўйилиши керак бўлган сув Жанадарёнинг эски ўзанига оқмоқда.

Хайру саховат, меҳр-мурувват айёми

Яратганга шукрки, яна икки кундан сўнг мамлакатимизда Қурбон ҳайити катта байрам қилинади. Бу байрамларда биз мусулмонлар учун жуда кўп яхшилик ва баракалар мужассам. Ҳозирги ойимиз муборак зулҳижжа ойи бўлиб, у савобли амаллар мавсуми ҳисобланади. Шундай экан, бу фазилятли кунларни ғанимат билиб, кўпроқ хайрли ишларда мусобақа қилмоғимиз даркор.

Юртимизда эзгу бир анъана шаклланган. Бу дунё тажрибасида кам учрайди. У ҳам бўлса, ҳар иккала ҳайит – Рамазон ва Қурбон байрамлари арафасида мамлакатимиз Президентининг айёми кўтаринки руҳда нишонлаш бўйича махсус қарори қабул қилинади. Жорий йил 3 август куни «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Қурбон ҳайити қандай байрам?

Аслида, Қурбон ҳайити қандай байрам? Бу кунда қандай ишларни бажариш мақсадга мувофиқ бўлади? Шу ва шунга ўхшаш саволлар, табиийки, барча мўмин-мусулмонларни қизиқтиради.

Қурбон ҳайити – улуг байрам. Шунинг учун бу кунни яқинларимизни йўқлаб, уларнинг ҳолидан хабар олиш, ёши улугларни зиёрат қилиш, мухтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, оилаларга хурсандчилик улаштириш ва умуман, байрамнинг кўрқига кўрқ қўшадиган амали соликлар билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу кунда янада меҳрибонроқ, шафқатлироқ бўлар, стим-есирлар бошини силар, қариялар, касалмандлар, мухтожлардан хабар олар, уларнинг кўн-гилларига ҳам байрам шукуҳини олиб қирав эдилар. Бу кунда гина-кудуратларни унутиб, кечиримли бўлиш лозим. Аммо гуруҳ-гуруҳ бўлиб уч кунлаб фотиҳахонлик қилиш, байрамни мотамга айлантириш ўрнига уни хурсандчилик ва шодиёна билан ўтказайлик!

Қандай амалларни бажармоқ лозим?

Бундай улуг байрамларга хурсандчилик ярашади. Чунки Аллоҳ таоло: «Айтнинг: «Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан, бас, (албатта), шулар сабабли (мўминлар) шодлансинлар!», дейди. (Юнус сураси, 58-оят). Истиқлол неъматини ва Қурбон ҳайити байрамлари Аллоҳнинг биз бандаларга берган катта марҳамати ва фазлидир. Бу кунларда ҳаммамиз шод, яхши кайфиятда бўлишимиз керак. Ай-

никса, йўқловчиси йўқ, мухтож инсонларни хурсанд қилишга кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим. Кишининг ҳаётдан рози бўлиб яшashi, атрофдагиларга табассум билан қарashi ва уларнинг қалбига сурур бағишловчи сўзларни айтиши энг махбуб амаллардан ҳисобланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу борада: «Мўмин(қалби)га хурсандчилик солиб, устига кийим беришинг, қорини тўйгазишинг ва ҳожатини раво қилишинг энг афзал амалдир», деганлар. (Табароний ривоят қилган). Ҳадиси шарифга мувофиқ, кимда-ким аразлашиб, уришиб қолган бўлса, мана бу кунларнинг ҳурматидан адоватни бир четга қўйиб, ярашиб, мурсосага келишлари лозим.

Ҳадя улашинг!

Юқорида ҳайит кунларини хурсандчиликда ўтказиш ҳақида сўз юритилди. Хурсандчиликка сабаб бўладиган амаллардан бири ўзаро ҳадялашишдир. Бу ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Ҳадялашинг, бир-бирларингизга мухаббатли бўласизлар». (Имом Бухорий «Адаб»да ривоят қилган). Бошқа ҳадисда: «Ҳадялашинг! Чунки у қалбдаги гилли-ғашни кетказди», деганлар (Термизий ривоят қилган). Демак, ҳадялашиш инсонлар ўртасига меҳр-мухаббат солиб, гина-кудуратларни кетказишга кўмак берар экан.

Заифларга кенгчилик яратиб беринг

Бу ерда заифлардан мурод қариялар, аёллар ва ёш гўдақлар. Уларга ҳам ҳайит кунлари эътиборни кучайтиришимиз, кенгчиликлар яратиб, дилларини хушуд этмоғимиз лозим. Бу синфга қанча яхшилик қилганимиз сари, Аллоҳ таоло яна яхшилик ва ризқларимизни зиёда қилади. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта, заифларингиз сабабли сизларга ёрдам ва ризқ берилади», деганлар. (Имом Аҳмад ривоят қилган).

Байрам – боланики. Ҳайит кунлари болаларга турли ҳадялар,

хайитликлар бериб, уларни ҳам хурсанд қилишимиз керак. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам набиралари Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳуларни ҳайит кунлари хурсанд қилганлари ва улар билан бирга ўйнаганликлари ҳақида жуда кўп ривоятлар бор. Жумладан, Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда айтилади. Ул зот: «Мен Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳуларни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг елкаларида (опичлаган ҳолда) кўрдим. Бас, айтдимки: «Тагингиздаги от қандай ҳам яхши!» Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иккиси қандай яхши чавандоздир», дедилар (Абу Яъло ривоят қилган).

Беморлар ҳолидан хабар олинг

Шу кунларда меҳрга мухтож, бир оғиз шири сўзга ташна бемор инсонларнинг ҳолидан хабар олиб, зиёрат қилиш ҳам катта савобли амаллардан. Ҳадисларда: «Бир мусулмон мусулмон биродарини зиёрат қилса, то қайтганига қадар жаннат боғида бўлади», дейилган (Имом Муслим ривоят қилган).

Силаи раҳмда бўлиш керак

Ҳайит кунлари қариндошчилик алоқаларини мустахкам қилиб, борди-келдиларни йўлга қўйишимиз керак. Кейинги пайтларда қариндошчилик алоқалари бироз сустлашгандек туйилмоқда.

Силаи раҳми, аввало, ота-онадан бошлашимиз керак. Айниқса, узоқ қариндошларни зиёрат қилиб, ҳол сўрашимиз лозим. Зеро, силаи раҳм инсонни умри ва ризқига барака киргизадиган амаллардан ҳисобланади. «Ким ризқи кенг, умри узоқ бўлишини яхши кўрса, силаи раҳмда бўлсин», – дедилар. (Муттафақуналайх).

Яна бир айём барчамизга муборак бўлсин.

Раҳматуллоҳ Сайфиддинов,
Тошкент шаҳридаги
«Мирза Юсуф» жоме масжиди
имом-хатиби.

ФАРЗ

Қурбонлик қилиш фазилати

Аллоҳ таолога бандани яқинлаштирувчи энг савобли ибодатлардан бири – қурбонликдир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: «Одам боласи қурбонлик қилиб қиладиган амалларининг ичида қон чиқаришдан кўра Аллоҳ таолога махбуброқ амал йўқ. Қурбонликка сўйилган эконивор қиёмат кунини ўз шохини, туёғини ва юнглари билан келади. Қурбонлик қони ерга тушмай туриб, Аллоҳ таолонинг ҳузурини қабул бўлади. Шунинг учун дилдан чиқариб қурбонлик қилинглар», дедилар» (Имом Ибн Можа ва Имом Термизий ривояти).

Қурбонлик қилиш жаҳаннамдан тўсиқлиги ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Ким қурбонлигини чин қўнғилдан ва савоб умидида қилса, у (қурбонлик) унинг учун дўзахдан парда бўлади» (Имом Табароний ривояти).

Қурбонлик қилинаётган жонлиқни биринчи қон томчиси ерга тушиши билан эгасининг гуноҳлари кечирилиши борасида ҳадиси шарифда шундай келади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фотима разияллоҳу анҳога: «Эй Фотима қурбонлигингиз олоғида туриб сўвоҳ бўлинг. Чунки қурбонлик қонининг биринчи қатраси томиши билан ўтган гуноҳларингиз мағфират қилинади», дедилар. Шунда Фотима онамиз: «Эй, Аллоҳнинг Расули, бу фақат бизни оиламиз учунми ёки биз ва барча мусулмонлар учунми?» дедилар. Шунда У Зот: «Биз ва барча мусулмонлар учун», дедилар (Имом Ҳоким ривояти).

Қурбонлик қилишга қодир бўла туриб, жонлиқ сўймаган кишидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам хафа бўлиб бундай деганлар: «Хафа бўлган кишидан Пайғамбаримиз эгасини гуноҳларини кечирилиши борасида ҳадиси шарифда шундай келади: «Кимки қурбонлик қилишга имкон топиб, қурбонлик қилмаса, намозохимизга келмасин» (Имом Ибн Можа ва Имом Аҳмад ривояти).

Шундай экан, имконимиз бўлса, ҳар биримиз бундай буюқ савобли ишда бир-биримиз билан мусобақа қилишимиз аини муллодир.

ДАРВОҚЕ...

Юртимиздаги жоме масжидларда 2019 йил 11 август ақшанба куни Қурбон ҳайити намозини ўқиш вақтлари маълум бўлди. Унга қўра, Тошкент шаҳри масжидларида шу йил 11 август куни эрталаб соат 05:45 да Қурбон ҳайити намози ўқилади. Республикаимизнинг бошқа ҳудудларида эса намоз вақтларидаги тафовутни инобатга олган ҳолда қуйидаги вақтларда масжидларда Қурбон ҳайити намози адо этилади.

Вилоятларда Қурбон ҳайити намози вақти

1. Андижон вилояти	05:35
2. Бухоро вилояти	06:10
3. Жиззах вилояти	05:55
4. Навоий вилояти	06:05
5. Наманган вилояти	05:35
6. Самарқанд вилояти	06:00
7. Сирдарё вилояти	05:50
8. Сурхондарё вилояти	06:00
9. Тошкент вилояти	05:50
10. Тошкент шаҳри	05:45
11. Фарғона вилояти	05:55
12. Хоразм вилояти	06:20
13. Қашқадарё вилояти	06:05
14. Қорақалпоғистон Республикаси	06:25


Ушбу жадвалда кўрсатилган вақтлар қуёш чиққанидан кейин 15-20 дақиқалик фарқни инобатга олиб белгиланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Матбуот хизмати.

Ўзбекистонда «Ҳарбий-тиббий эстафета» халқаро мусобақасига старт берилди.

Ҳиндистон ҳукумати ўз бошқаруви остидаги Кашмир ҳудудини махсус имтиёзлардан, шу жумладан, мухторият ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида қарор бергани хабар қилинмоқда. Бундан бир ҳафта муқаддам эса Ҳиндистон Кашмирда жангариларнинг қурол-аслаҳа омбори топилгани, 15 август – Ҳиндистон мустақиллиги нишонланадиган кунда террорчилик амалиётига тайёргарлик кўрилаётгани даъвоси остида ҳудудга минглаб ҳарбийларни юборган ва назоратни кучайтирган эди. Хорижлик сайёҳларни ва чет давлатларнинг фуқароларини зудлик билан Жамму ва Кашмир ҳудудини тарк этишга чақирди. Мана энди чақириқ остидаги асл сабаблар ошкор бўлди.

370-модда Кашмирга тинчлик келтирмайди



Жамму ва Кашмир Ҳиндистон штатлари ичида энг кўп мустақилликка эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. Кашмир айнан шундай мустақиллик шарти билан Ҳиндистонга қўшилган эди. Эндилликда ҳудуд мустақиллигини тортиб олиш ортидан кенг қўламли норозилик ҳаракатлари ва зўравонликлар бошланиши кутилмоқда.

Мазкур минтақа 1947, 1965 ва 1999 йилларда Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги тўртакта катта қуролли тўқнашувнинг учтасига сабабчи бўлган. Дарвоқе, 1999 йилда ҳар икки мамлакат ядровий давлатларга айланиб бўлишганди. Қолган бошқа вақтларда ҳам Кашмир ва унинг атрофидаги вазият тинчлик ва осейишталикдан узок бўлиб келди. Мана энди расмий Дехли Кашмир мусулмон сиёсатчилари ва Покистонни газабга келтирувчи қадамни ташлади.

Гап нимада?

Ҳиндистондаги ҳукмрон Бхаратия Джаната партияси (BJP, Ҳиндистон халқ партияси) душанба куни парламентта конституциянинг 370-моддасини бекор қилиш тўғрисидаги президент фармойиши лойиҳасини киритди. Унга кўра, Ҳиндистоннинг ягона мусулмонлар кўпчиликини ташкил этувчи Жамму ва Кашмир штати мухторият мақомидан маҳрум этилиши керак. Айни шу модда штат маъмурлари ва ички сиёсатнинг муҳим масалаларини ечишда бекиёс ҳуқуқ ва имконият беради. Дехлига эса фақат минтақанинг ташқи сиёсати ва мудофаа салоҳиятини бошқариш ҳуқуқи берилган эди, ҳолос.

Мухторият ҳуқуқининг олиб қўйилишини афтидан BJPнинг ўз сайловолди ваъдасининг устидан чиқиши сифатида тушуниш мумкин. Партия жорий йилнинг апрель-май ойларида ўтказилган парламент сайловиди ишончли ғалабани кўлга киритганини таъкидлаш жоиз. BJP ўз қарорини Жамму ва Кашмирни тўлалигича Ҳиндистон жамаиятига интеграциялаштириш хоҳиши билан изоҳлайди. Президент имзосидан ташқари, конституция моддасини бекор қилишга штат ҳукуматининг

розилиги ҳам талаб этилади. Бирок ўтган йилнинг ёзидан Бхарати жаната партияси мусулмонларнинг Халқ демократик партияси билан коалициядан чиқиб кетганидан буён Жамму ва Кашмирнинг ҳукумати йўқ, штатни шу боис ҳозирда Дехли губернатор орқали бошқаряпти.

Энди нима бўлади?

Аниқ тахминларни айта олмаймиз, бирок штат устида «қора булуғлар» суза бошлагани аниқ. Кўплаб кашмирликлар учун мухторият ҳуқуқи Ҳиндистон таркибиди қолишнинг ягона оқловчи воситаси саналарди. 370-модданинг бекор қилиниши билан BJP Ҳиндистоннинг Кашмир билан муносабатларини буткул, 180 градусга ўзгартириб юборади. **Кашмир ҳукуматининг собиқ раҳбари, Халқ демократик партияси сиёсатчиси Мебуб Муфти «Покистонни эмас, Ҳиндистонни танлаб адашган кўринамиз, энди бир томонлама бу қарор бутун қитъа учун ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин»,** дея баёнот берди.

Покистон эса хиндларнинг Жамму ва Кашмирнинг махсус мақоми бекор қилинишини ноқонуний деб атади ва барча усуллар билан бу қарорга қарши туришга ваъда берди. **«Ҳиндистон минтақавий тинчлик ва барқарорлик учун жиддий оқибатларга олиб келадиган хавфли ўйинни бошлаб юборди»,** дейди **Покистон ташқи ишлар вазири Шох Махмуд Қурайший**. Афтидан штатнинг радикал гуруҳлари ва унинг ортида турувчи Покистон иштирокида жиддий сценарийларга қўл уриладиган кўринади.

Муаммо нимадан бошланган эди?

1947 йилда Британия Ҳиндистонни тақсимлашда, асосан, мусулмонлардан иборат Кашмир (ҳозир Ҳиндистон қисмида – 12 миллион аҳолининг 60 фоиздан кўпроғи мусулмонлар) аслида мусулмон Покистонга ўтиши керак эди. Бирок ўшанда Кашмир ва Жамму князлигини маҳаража-хинд, Хари Синх бошқарарди. Маҳаража ўз салтанатининг Ҳиндистон таркибига қўшилишини истади, табиийки, кўпчиликини ташкил этган мусулмонлар бу қарорга қарши чиқди.

Шу тариха қуролли зиддият келиб чиқди, кашмир қабилалари отрядлари Покистон армияси кўмагида маҳаража салтанатининг тахминан учдан бир қисmini эгаллаб олди. Ҳудуднинг бу қисми ҳамон Покистон назорати остида, фронт чизиги эса «назорат чизиги» деб аталувчи, де-факто чегарага, де-юре ҳар икки томон тан олмайдиган линияга айланди.

1965 йилда Ҳиндистон ва Покистон ўртасида Кашмир туфайли етти мингга яқин инсоннинг ёстиғи қуриди, Иккинчи жаҳон урушидан бери энг йирик бронетехникалар тўқнашган, юзлаб танклар ишдан чиққан, ўнлаб самолётлар уриб туширилган яна бир уруш юз берди. Дарвоқе, бу уруш мобайнида Ҳиндистон Шарқий Покистонга ҳужум қилди, охир-оқибат қонли уруш 1971 йилда дунё харитасида яна бир мустақил – Бангладеш Халқ Республикаси ташкил топиши билан якуни топди.

1999 йилда ҳам кўлами жиҳатидан кичикроқ, «Каргил

уруши» юз берди. Унда Кашмирнинг Каргил минтақаси учун икки ойлик тўқнашувлар содир бўлди. Шу йилнинг февралда Кашмирда хинд ҳарбийларининг ҳарбий колоннасига қилинган ҳужумдан кейин навбатдаги кескинлик кузатилди.

Кашмирнинг кимга тегишли эканлиги масаласи Ҳиндистон ва Покистон ўртасида бир неча ўн йиллардан буён давом этиб келаётган келишмовчилик ва баҳс-мунозаранинг асосий сабабидир. Ўртадаги зиддият қуролли тўқнашувга айланиб кетган пайтларда, дунё ахли атом уруши бошланиб кетиши хавфидан хавотирга тушди. Чунки бу иккала давлат ҳам атом қуролга эга.

Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир собиқ князлиги ҳудудининг тўлалигича ёки қисман кимга мансублиги масаласи Покистон ва кам бўлса-да, Хитой томонидан ҳам баҳсга сабаб бўлиб келади. Покистонда Ҳиндистон назорати остидаги Жамму ва Кашмир штатининг қисми босиб олинган ҳудуд деб саналади. Покистон назоратидаги Кашмир ҳудуди эса Озод Кашмир ва Гилгит – Болтистон деб юритилади. Натижада Кашмир иккига бўлинади. Яъни Кашмирнинг 86 минг квадрат километри Покистон, 130 минг квадрат километри Ҳиндистон томонидан назорат қилинади. Ўз навбатида, Хитой ҳам аҳоли кам, аммо стратегик муҳим ҳудуд – Аксайчин ва баланд тоғли ҳудудларни эгаллаб турибди. 70 йилдан ошибдики, Ҳиндистон таркибидан Покистоннинг ажралиб чиқиши ортидан юзага келган Кашмир муаммоси ҳал этилмай келади. Сўнгги 20 йил ичида бу маскан учун юзага келган низоларда ҳар икки томонни қўшиб ҳисоблаганда, 40 мингдан зиёд инсоннинг ёстиғи қуриди.

Ҳиндистон Исломободни айирмачи жангариларни қўллаб-қувватлашда айбласа, бу айбловларни рад этиб келаётган Покистон Ҳиндистон кучларини Кашмирдаги мусулмонларга босим ўтказиб, аҳоли норозилигига сабаб бўлишда айблайди.

2019 йилнинг 14 февраль куни «Жайши Муҳаммад»

террорчи ташкилоти аъзоларининг Ҳиндистон ҳарбийлари автоколоннасига қилган ҳужуми натижасида 45 нафар хинд аскарининг ўлдирилиши муносабатларнинг тарантлашишига олиб келди. Ҳатто, Ҳиндистон ва Покистон бир-бирининг позициясига зарба бериш учун самолётларини ишга солди. Покистон Бош вазири Имрон Хон расмий мурожаат билан чиқди. У Исломобод Дехли билан тинчлик музокаралари ўтказилиши тарафдори эканини, шунингдек, хинд томонини Покистон ҳудудига зарба берилишига сабаб бўлган Кашмирдаги кўпуровчилик юзасидан ҳамкорликда текширув ўтказишга чақирди. Ҳатто расмий Исломобод Дехли билан тинчлик музокараларини бошлашга даъват қилди. Бунинг учун Покистон бош вазири Имрон Хон Вашингтонга ташриф буюриб, АҚШ президенти Дональд Трампни икки давлат ўртасида воситачи бўлишга даъват этди. Бирок расмий Дехли музокаралардан олдин Исломободдан террорчилик ташкилотларини қўллаб-қувватлашни бас қилиш, кўпуровчиликларга барҳам беришни талаб қилди. Дунё жамоатчилиги Дехли ва Исломободни музокаралар столи атрофида ўтиришга, юзага келган кескинликини мулоқотлар орқали юмшатишга чақирмоқда. Жумладан, Хитой, АҚШ, Россия, Канада, Туркия, БМТ боз котиби Антонио Гутереш икки давлат ўртасида воситачилик қилишга тайёр эканини билдирди. Аммо Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди Дехли ва Исломободга учинчи тараф керак эмаслигини, ўзлари тил топишиб олиш учун каналлари мавжудлигини маълум қилди.

Ишонамиз, кунлар келиб Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги нифок ўз ўрнини ҳамкорликка бўшатиб беради. Ҳар икки мамлакат Ўзбекистон ҳам аъзо бўлган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг аъзоси. Ташкилотга аъзо давлатлар уставида кўра, ҳамкорлик ва ҳамжихатлик йўлидан бориши керак. Шубҳасиз, ташкилотга аъзо давлатларнинг сайё-ҳаракати билан барибир муроаа йўли топилади.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Юртимизда ишлаб чиқарилиши кутилаётган «Volkswagen» автомобиль моделлари аниқланмоқда.



Жаҳон чемпионатида ишончли ғалаба

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш ҳақида сўз кетса, бир нечта халқаро мусобақалар ғолиби Вадим Меньков кўз ўнгимизда гавдаланади. Бугун мамлакатимизда унинг муносиб издошлари етишиб чиқмоқда. Буни яқинда Руминияда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатидаги натижалар яна бир бор исботлади. Ҳамюртларимиз беллашуларда муносиб иштирок этди. Эътиборлиси, иккита олтин ва битта кумуш медаль спортчиларимиз томонидан қўлга киритилди.

Ғолиблар ким?

Терма жамоамиз ҳисобидаги биринчи олтин медалга 200 метрга каноэда эшкак эшиш бўйича аёллар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида катнашган Дилноза Рахматова ва Нилуфар Зокирова эгалик қилди. Улар 43,340 сония натижа кўрсатиб, «Каноэда эшкак эшиш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони» деган шарафга муяссар бўлди.

— Спортчиға ташқаридан туриб баҳо бериш осон, — дейди Дилноза Рахматова. — Аммо унинг зиммасида ҳам катта масъулият туради. Айниқса, профессионал спортга киргач, ҳар бир хатти-ҳаракатингизни назорат қилингиз талаб этилади. Ютуқ бор эъёида маълумият ҳам бўлади. Катта галабалардан сўнг омадсизликка учраш спортчини руҳдан синдиради. Шунинг учун инсон қайси спорт тури билан шугулланишидан қатъи назар иродали ва матонатли бўлиши керак. Баъзилар мусобақанинг даражасига қараб тайёргарлик кўради. Мен буни оқламайман. Чунки беллашулар маҳалла, туман, мамлакат ёки жаҳон миқёсида ташиқил этилсада, ундаги иштирок учун яқинлар ишонч билидиради. Мана шу ишончни оқлаш учун ҳам спортчи тинимсиз ҳаракатда бўлиши, ўз устида ишлатиш лозим. Бугун қўлга киритилган ғалаба ҳам шундай савий-ҳаракатларимизнинг меъаси деб биламан.

Ғалабалар, шунчаки тасодиф эмас

Дилноза Рахматова ҳамда Нилуфар Зокирова учун ушбу ғолиблик дунё миқёсидаги илк



муваффақият эмас. Улар 2015 йилдан буён ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Жаҳон кубоги ҳамда жаҳон чемпионатларининг каноэда эшкак эшиш бўйича яккалик, жуфтлик каби бир неча йўналишларида мунтазам равишда катнашиб келишади. Хусусан, халқаро тоифадаги спорт устаси Нилуфар Зокирова – 2015 йилда Португалияда ўтказилган жаҳон чемпионатининг кумуш ва бронза медалини қўлга киритган. Шу йили Сербияда бўлиб ўтган Жаҳон кубоги босқичи ғолиби, 2016 йил Франция мезбонлик қилган Жаҳон кубогининг кумуш медални соҳибаси. 2018 йилда Болгарияда ўтказилган 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг 2 та кумуш медални эгаси. Бу борада Дилноза Рахматованинг муваффақиятлари ҳам Нилуфарникидан асло кам эмас.

Бу ҳали ҳаммаси эмас

Навбатдаги олтин медаль 200 метрга каноэда эшкак эшиш бўйича эркеклар ўртасидаги яккалик баҳсларида терма жамоамиз ҳисобига ёзиб қўйилди. Гап шундаки, 2017 йилги Осиё кубогининг 4 та олтин медални соҳиблари Артур Гулиев марррани

38,717 сонияда кесиб ўтиб, жаҳон чемпиони бўлди. Жаҳон чемпионатининг сўнгги куни ҳам терма жамоамиз учун муваффақиятли бўлди. Дилноза ва Нилуфар жуфтлиги мусобақанинг сўнгги куни 500 метр масофага ўтказилган пойгада яна бир бор билдирилган ишончини оқлади. Улар белгиланган масофани Венгрия терма жамоасидан олдин босиб ўтиб, кумуш медалга эгалик қилишди.

Жаҳонда бешинчимиз

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мазкур жаҳон чемпионатини 2 та олтин ва битта кумуш медал билан яқунлади. Бу умумжамоа ҳисобида жаҳон миқёсида бешинчи натижа демакдир.

Эслатиб ўтамиз, ёзги Олимпиада ўйинлари учун йўлланмалар ўйналандиган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати жорий йилнинг 21-25 август кунлари Венгрияда ўтказилади. Миллий терма жамоамиз аъзоларига бу беллашуларда ҳам зафар ёр бўлишини тилаймиз.

Рисолат МАХСУМОВА.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

Тошкентда жаҳон чемпионати бошланди

Пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида таэквондо (WTF) бўйича кадетлар ўртасида жаҳон чемпионатига старт берилди.

Мазкур жаҳон чемпионатида дунёнинг 67 та давлатидан қарийб 850 нафар таэквондочи ғолиблик учун ўзаро куч синашади. Чемпионатда мамлакатимиз шарафини 20 нафар спортчи (10 нафар ўғил, 10 нафар қиз) ҳимоя қилишади. Уларни мусобақага истёъодли мураббийлар Собир Назаралиев ҳамда Жасур Бойқўзиев тайёрлашди.

Мусобаканинг дастлабки кунда вакилларимиздан А.Аҳрамов (-65 кг.), М.Маратов (+65 кг.), Ш.Абдувалиева (-29 кг.), А.Умирзокова (-33 кг.) ҳамда М.Маъмуржонов (-51 кг.) даянга чиқишди.

Гроссмейстерларимиз Абу-Дабида

Шу кунларда БАА пойтахти Абу-Даби шаҳрида шахмат бўйича нуфузли халқаро турнир бўлиб ўтмоқда.

«26 th Abu Dhabi International Chess Festival» («26-Абу Даби халқаро шахмат фестивали») мусобақасида 27 давлатдан 150 нафар шахматчи ғолиблик йўлида донa сур-япти. Улардан 55 (34 халқаро гроссмейстер) нафарининг гроссмейстер эканлиги ушбу турнирнинг нуфузидан дарак бермоқда. Украиналик халқаро гроссмейстер Юрий Криворучко (2686) мусобақанинг рейтинг-фаворити ҳисобланади.

Шахмат фестивалида юртимиз шарафини уч нафар ёш гроссмейстеримиз Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Жавоҳир Синдоров ҳамда яна бир шахматчимиз, спорт шарҳловчиси Ақром Тошхўжаев ҳимоя қилмоқда.

Бешинчи турда Абдусатторов (2594) оқ донaларда ҳаракат қилишига қарамай, рейтингда ўзидан юқорида турган эронлик халқаро гроссмейстер Пархам Максудлу (2656) га ютказиб қўйди. Нодирбек Ёқуббоев (2574) эса аксинча, қора донaларда ўйнашига қарамай, арманистонлик халқаро гроссмейстер Владимир Аюпян (2650) ни таслим этишнинг удасидан чиқди. Жавоҳир Синдоров (2507) бу турда оқ донaларда ҳиндистонлик гроссмейстер Сури Вайбхав (2591) билан мurosага келди. Ақром Тошхўжаев (2123) хитойлик Ни Ши Гун билан дуранг ўйнади.

Ёшларимиз «CAFA U-19» мусобақасида

Марказий Осиё футбол ассоциацияси ташаббуси билан ўтказилаётган «CAFA U-19 Championship-2019» мусобақасида бу гал ёшлар терма жамоалари ўзаро куч синашади.

9-15 август кунлари Тожикистонда ўтказиладиган мусобақада Отабек Ғуломхўжаев шоғирлари Тожикистон, Туркманистон, Эрон ва Афғонистон ёшлар терма жамоаларига қарши майдонга тушади.

Мазкур турнир жорий йилнинг ноябрь ойида 19 ёшлар ўртасида ўтказиладиган ва Саудия Арабистони мезбонлик қиладиган Осиё чемпионати–2020 саралаш баҳсларига тайёргарлик вазифасини ўтаб бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Барча учрашулар Душанбе шаҳридаги «Марказий» стадионида бўлиб ўтади.

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ҳамда Сурхондарё вилояти ва Бойсун тумани кенгашлари жамоаси Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бойсун тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Собир Ҳожиёвнинг

вафот этгани муносабати билан оила аъзоларига ҳам-дардлик билдиради.

Осиё чемпионати: 14 боксчимиз финал йўлланмаси учун беллашади.

Дунёда буюк ва қадимий тарихга эга давлатлар бармоқ билан санарли. Қувонарлиси, Ўзбекистон ана шундай кутлуг ва табарруқ юрт сифатида доим эътироф этилади. Андижон вилоятида жойлашган Мингтепа археология ёдгорлиги эса она Ватанимиз тарихидан сўзловчи қадим маскан ва дунё тамаддуни бешикларидан биридир.

Довоннинг «самовий» отлари

Манбаларда ёзилишича, Мингтепа милoddан аввалги V-IV, милoddнинг V асрларида Фарғона водийси ҳудудида зич яшовчи аҳолига эга бўлган Довон (Давань) давлатининг маркази, яъни бош шаҳри бўлган. Ушбу юрт тарихи ҳақидаги илк маълумотлар хитой манбаларида учрайди. «Буюк ипак йўли»да жойлашган бу маҳабатли шаҳар хунарамандчилик, деҳқончилик ва «самовий тушпорлари» билан дунёга машҳур.

Довон давлатига ташриф буюрган Хитой элчиси Чжан Цянинг ўз императори У-Дига ёзган ҳисоботларида Довоннинг қишлоқ ва шаҳарлари обод, сугорма деҳқончилик ва хунарамандчилик ҳўжаликлари юксак даражада ривожланганлиги, қучли қўшинга эга мамлакат эканлигини таърифлайди. Аҳолиси хушмуомала, меҳмондўст, қўнгли очик эканлиги, халқи қишлоқ ҳўжалиги екинларидан арпа, буғдой, шолӣ, беда, момик (пахта) экиб, улардан юкори ҳосил олишини ёзади. Қолаверса, элчи Довон аҳолиси бой, турмуши фаровон, табиати гўзаллигига қойил қолади. Айниқса, у баланд бўйли ва қучли Довон дуллуд отларини кўриб, хайратга тушади.

Бундай иншоот водийнинг бирор антик давр ёдгорлигидан учрамайди

Ўтган йиллар давомида Мингтепа шаҳар харобалари ўрнида кўлаб маҳаллий ва чет эллик археологлар қазимша ишларини олиб борган. Айниқса, 2012 йилдан буён тарих фанлари доктори, профессор Бокжон Матбобоев раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археологик тадқиқотлар институти ҳамда Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий Фанлар академияси Археология институти олимлари ҳамкорликда олиб бораётган илмий изланишлар натижасида қадимий пойтахт шаҳардан қимматли топишмалар, моддий ашёлар топилиди.

Жумладан, икки халқ олимлари биргаликда топган ноёб топишмалар тарихга ўзгаришлар киритди. Бутун жаҳон оммавий ахборот воситаларида шов-шувга сабаб бўлган ушбу маълумотни 2017 йил 11 январь кунин Хитойнинг Синьхуа ахборот агентлиги таркатди. Манбаларга кўра, 2000 йилдан зиёд вақт аввал Мингтепа Фарғона водийсидаги энг йирик тўлақон-

Мингтепада яширинган синоатлар — қадим ўтмишдан сўзлайди


ли қаср-шаҳар бўлган. Бу эса ўз навбатида, Мингтепа археология ёдгорлиги жаҳоннинг аксарият манбаларида таъкидланганидек, Довон давлати пойтахти Эрши, кейинчалик Мингтепа деб қайта номланган шаҳар эканлиги ва унинг жойлашган ўрни ҳақида аниқ ахборот олинганлиги яна бир бор халқаро даражада эътироф этилиши эли. Қолаверса, топишган осори-атиқалар, қурилиш иншоотлари қолдиқлари, қулолчилик идишлари, ҳайвон суяклари ва тошдан ясалган ёрғучоқлар, палахмонлар Мингтепанинг ҳақиқатан ҳам ўз вақтида ривожланган шаҳар бўлганини тасдиқлади.

Биламизки, сопол идишларга тирнаб безак бериш водийда эрамик бошларида юксак даражага етган. Эътиборлиси, Мингтепада ана шундай тасвирлар тасвирланган иккита сопол парчаси топишган. Бирида жангчи ва қуш, иккинчисидан эса от тасвири туширилган. Мазкур нафис тасвирлар ажодларимизнинг юксак дид ва маҳоратидан дарак беради. Энг муҳими, шаҳарнинг ички ва ташқи деворлари жуда мураккаб ва ҳар қандай ҳужумга дош берадиган қилиб қурилган. Аммо ташқи шаҳар ва унинг деворлари бугунгача сақланмаган. Шаҳарнинг ички майдони тўла бузилиб, экин учун ўзлаштириб юборилган. Фақат ички муҳофаа девори, миноралари ва буржлари билан сақланиб қолган. Муҳофаа деворининг шимол ва жануб томонларида 12 тадан 24 та, шарқ ва ғарб томонларида 20 тадан 40 та жами 64 та куза-

мустаҳкам муҳофаа иншооти водийни бирор антик давр ёдгорлигидан аниқланмаган.

Хитой императори саройига олиб келинган узум кўчатлари

Худудда олиб борилган қазимша ишларида узунлиги 30 метр, эни 140-170 см. тошйўлак аниқланди. Майда тош тўшалган бундай йўл Мингтепа жанубида ҳам аниқланди. Шунингдек, қазимшаларда йирик ҳажмдаги кўлаб идиш парчалари, хумлар топилиди. Археологларнинг фикрларига кўра, бу топишмалар тери ишлаш (кўнчилик) ёки тўқимачилик каби ишлаб чиқариш соҳалари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки мутахассислар текширилганларида хумлар остки қисми ер остига қовлаб бир тизимда ўрнатилган ва атрофи махсус лой — кир (тупроқ, қул ва оҳак аралашмаси) билан ўралган (гидроизоляция қилинган). Мазкур топишмалар эҳтимол Хитой манбалари тилга олган узум шарбати ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиши керак. Яъни улар хабарича Фарғона



Қадимий Мингтепа ички қалъа деворининг ўша даврдаги кўриниши шундай эътироф этилмоқда.

водийсидан келтирилган узум кўчатлари парвариш этилганлиги айтилади.

Мингтепа — туризмни ривожлантириш учун қулай маскан

Ҳозирги кунда юртимизда жадал ривожланиб бораётган туризм соҳаси учун тарихий масканлар муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Мингтепа археология ёдгорлиги ўзининг қадимийлиги, бетакорлиги, тарихий аҳамияти


ДАРВОҚЕ...

— Бугунги кунда туманинг ўзидан туризм учун хизмат қила оладиган 70 дан ортиқ маскан мавжуд. Улар сирасига 10 дан ортиқ зиёратгоҳ, 30 дан ортиқ шиғобахш булоқлар, ўнлаб тарихий ва замонавий масканларни киритиш мумкин. Мингтепа археология ёдгорлиги улар орасида ўзининг маҳобати ва улуғворлиги билан ажралиб туради.



ДАРВОҚЕ...

— Мингтепа шаҳар харобаси ички ва ташқи шаҳар қисмларидан иборат бўлиб, ички қисм 41,2 гектар, ташқи шаҳар қисми эса 320 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган.



тув ва кўриқлов миноралари (буржлар) бўлган. 52 та муҳофаа деворларидаги кузатув миноралари бизгача етиб келган. 12 та минора шахсий уйлар қурилиши ва ҳўжалик ишлари пайтида бузиб юборилган. Муҳофаа деворининг умумий узунлиги 2600 метр, ташқи девор бундан-да узун. Демак, Мингтепа икки қатор муҳофаа иншооти билан ўраб олинган қалъа-шаҳар бўлган. Бундай

водийсида узум етиштириш ривожланган ва бадавлат оилалар бир неча минг дань (литр) узум шарбатини юкорида тилга олинган қатта хумларда сифатли сақлаган. Ҳатто, манбаларда тилга олинганча, Хитой императорининг «Путоагун» (узум саройи) деган машҳур саройида юкори мартабали меҳмонларни қабул қилган. Айнан мазкур саройида Фарғона

билан сайёҳлар эътиборини жалб қилиб, жаҳон туризмнинг кайноқ нуқтасига айлана олади. Шунингдек, Марҳамат туманининг бетакор табиати, табиий ландшафти, шиғобахш ҳаво оқими, айниқса, бой тарихий меросидан фойдаланиб, худудда туризмнинг агро, эко, зиёрат йўналишларини ташкил этиш мумкин. Қувонарлиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрь кунги «Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги «Мингтепа» археология мероси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги қарорлари бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Андижонда туризм соҳасини ривожлантириш учун, аввало, Мингтепадаги тарихий масканлар, зиёратгоҳлар ва ёдгорликларни сақлаш, ободонлаштириш, бой маданий меросини тиклаш ва бу эзгу ишларга фуқароларимиз эътиборини ҳам қаратишимиз даркор.

Шу мақсадда 2018 йил февраль ойида «Мингтепа — маданий мерос» жамоат фонди ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу марказ томонидан Мингтепа ёдгорлиги ва туманда мавжуд бўлган тарихий зиёратгоҳларнинг аҳамиятини кенг оммага тушунтириш борасида тарихот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу сайёҳаракатлар ёш авлодни юртга садоқат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, бебаҳо меросни асраб-авайлаш, уни келажак авлодга бус-бутунлигича етказишга имкон беради.

Ортиқали ҲУСАНОВ,
«Мингтепа — маданий мерос» жамоат фонди раҳбари.

Ўзбекистон Гастрономик туризм ассоциацияси ташкил этилди.

TRANSPORT

Автомобилларни
тонировка қилиш
қанчага тушади?

– Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 августдаги «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-табирлар тўғрисида»ги қарори асосида автомобиллар тонировка қилинадиган бўлди. Айтиш-чи, унинг янги нархи ва имтиёзлари қандай?

Илҳом ТҶИЧИЕВ,
Қашқадарё вилояти.



Акмал ЮНУСОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Йўл ҳаракати хавфсизлиги
бош бошқармаси матбуот
хизмати раҳбари:

– Қарорга кўра, Ички ишлар вазирлиги давлат йўл-ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан 1 йилга бериладиган рухсатнома асосида ҳамда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган давлат стандарти бўйича автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш(қорайтириш)нинг янги тартиби жорий этилди. Унга кўра, тасдиқланган давлат стандарти бўйича енгил автомобиллар орқа ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада, олди ойналарининг тусини эса ёруғлик ўтказувчанлиги 50 фоиздан кам бўлмаган даражада қорайтириш мумкин. Туристлик йўналишларда йўловчи ташиш фаолиятини амалга оширувчи автобус, микроавтобус ва минивенлар ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги 50 фоиздан кам бўлмаган даражада ўзгартириш(қорайтириш) ҳукуқи берилди.

Автотранспорт воситалари орқа ойнасининг тусини, шунингдек, автотранспорт воситалари олди ойнасининг тепа қисми тусини 14 сантиметрдан кўп бўлмаган полоса шаклида ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартириш(қорайтириш) рухсатномасиз, тасдиқланган давлат стандарти асосида амалга оширилади.

Янги қарорга кўра, автотранспорт воситаларининг ойналарини тусини ўзгартириш(қорайтириш)га рухсатнома олиш учун жисмоний ва юридик шахслар орқа ён ойналарига базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорини, ҳозирги кунда 2 млн. 230 минг сўм тўлашади. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар юридик шахслари эса 4 млн. 460 минг сўм тўлайди.

Орқа ва олди ойналар бўйича жисмоний ва юридик шахслар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг элик баравари миқдоридан – 11 млн. 150 минг сўм бўлса, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар юридик шахслари учун эса 17 млн. 840 минг сўм этиб белгиланди. Туристлик автобус, микроавтобус ва минивенлар ён ойналарининг тусини ўзгартиришга(қорайтиришга) рухсатнома бериш учун 11 млн. 150 минг сўмни ташкил этмоқда.

Шунингдек, III класс М3 тонфадаги автотранспорт воситаларининг орқа ва ён ойналарига пардалар, икки ёнга орқа томонни кўриш учун ташки кўзгуси мавжуд бўлган барча тонфадаги автотранспорт воситалари орқа ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартиришга(қорайтиришга), шунингдек, ушбу орқа ойналарга парда(чий парда, дарпарда) ўрнатишга рухсат берилди.

ХУКУК

Фуқаролардан қандай маълумотлар сўраш
бекор қилинди?

– Эшитишимча, жорий йилнинг 1 августидан бошлаб ташиқлотларнинг фуқаролардан бир нечта маълумотларни сўраши бекор қилинибди. Улар қандай маълумотлар?

Анвар БОЙМУРОДОВ,
Сурхондарё вилояти.



Дилмурод РАЖАБОВЕВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими:

– Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташки-

лотлар томонидан жисмоний шахслардан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд ёки йўқлиги тўғрисида маълумотномалар, солиқ тўловчининг ҳисобда турганлиги тўғрисида гувоҳномалар, тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотномалар талаб қилиниши тақиқланади.

Энди ушбу ҳужжатларни давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар давлат солиқ хизмати органлари, «Халқ банки», бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан электрон орқали мустақил равишда сўраб оладилар.

ИМТИХОН

Апелляция бериш тартиби қандай?



– Яқинда тест имтиҳонини топшириб чиқдим. Лекин натижадан қониқмадим. Апелляция бериш учун қарерга мурожаат қилишим керак?

Мухайё ОЧИЛОВА,
Андижон вилояти.



Фарход БАБАШЕВ,
Олий ва
ўрта мах-
сус таълим
вазирли-
ги ахборот
хизмати
бошлиғи:

– Тест натижаларидан эътирозингиз

бўлса, Давлат тест марказига, касбий(иждий) имтиҳонлардан норози бўлсангиз ўша олий таълим муассасасига мурожаат қилинг. Норозилик (апелляция) аризалари имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва апелляция комиссияси томонидан бир кун муддатда кўриб чиқилади.

Имтиҳонлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда норозилик аризаларини кўриб чиқиш учун соҳанинг етук мутахассислари ва бошқа олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларидан иборат апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси таркибига фан бўйича имтиҳон комиссияси аъзоларининг киритилиши тақиқланади.

Имтиҳонни қабул қилган фан бўйича комиссия аъзоси апелляция жараёнида қатнашиб, ўз фикрини билдириш ҳукуқига эга.

ТАДБИРКОРЛИК

Энди кафелар туну кун ишлаши мумкин, қачонки...



– Туристлар энг гавжум ҳудудда тамаддихона очиб иш юртиялман. Бу ерда тундо ҳам туристлар сайр қилишади. Шу боис туну кун ишлайдиган кафе ташкил этишим лозим. Бунинг учун рухсат борми?

Жасур СОДИҚОВ,
Самарқанд шаҳри.

Даврон РАВШАНОВ,
Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқар-
масининг бўлим бошлиғи:

– Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги «Тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2019 йил 15 октябрдан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектлар куйидаги талаблар бажарилганда туну кун фаолият юритиши мумкин:

– кўрсатилган объектларнинг ички қисмига, шу жумладан, хизмат кўрсатиш хоналари, кириш ва чиқиш жойларига тасвирни камида ўттиз кун давомида сақлаш имкони бўлган видеокузатув тизимини ўрнатиш;

– биноларнинг ён-атрофи, автотураргоҳ ва бошқа тегишли ҳудудни етарли даражада (камида 10 метр масофада) ёритиш;

– бинода шовкин меъёрларига қўйилган талабларга амал қилиш ёки тунги вақтда мусика ва товуш қучайтиргич асбоблардан фойдаланмаслик;

– ёнги ўчириш воситалари ва тиббий ёрдам қутчалари билан таъминлаш;

– ҳамма учун кўринарли жойларга эвакуация чизмаси ҳамда тезкор ва кутқарув хизматларининг телефон рақамлари ҳақида маълумотлар ўрнатиш.

Кўрсатилган объектлар раҳбари мазкур талаблар бажарилгани ҳақида ҳудудий ички ишлар органларига маълумот тақдим этади. Талабларга риоя этмаган ҳолда тунги вақтда фаолият юритиш тақиқланади ҳамда тегишли тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Талаблар доирасида тунда ишловчи мазкур объектлар фаолиятига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аралашishi тақиқланади.

Ушбу объектлар томонидан қарор талаблари бузилса ёки жамоатчилик томонидан мунтазам шикоятлар тушса тегишли ҳокимликлар томонидан уларнинг тунги вақтда фаолият юритиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин. Тунги вақтда фаолият юритувчи бундай объектлар жойлашган йўналишларда патруль турухлари томонидан доимий назорат ўрнатилади.



МУАССИС:

ФУҚАРОЛАРИНИНГ
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БҲЙИЧА
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ
ҒАЗЕТА



Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
2017 йил 6 сентябрда
0019 рақами билан
қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Нашр навбатчиси: Ю. Хожиева
Мусахҳиҳлар: Н. Азимова,
М. Назарова
Навбатчи: У. Ибодинев
Дизайнерлар: И. Болтаев
Ш. Бароқов

Нашр кўрсаткичи: 148

Тахрират манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нархда.

Ғазета тахрират компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон қўчаси, 41-уй.
Формати — А-3, 8 босма
табоқ,
22 952 нусхада чоп этилди.
Буюртма Г-845
Топширилди — 00:50

12345